

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

МАХМУДОВА ЗУЛФИЯ ОЛИМЖОНОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎРИҚ ВА БЎЗ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ
ТАРИХИДАН (МИРЗАЧЎЛ ВА МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА МИСОЛИДА)
(1950-1970 йй.)

Мутахассислик: 5А 120301 – «Ўзбекистон тарихи»

Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди.
«Ўзбекистон тарихи» кафедраси
муdiri, тарих фанлари
номзоди, доцент С.А.ХОШИМОВ
_____ “ _____ ” _____ **2017 йил**

Илмий раҳбар:
тарих фанлари номзоди,
доцент О.К.КОМИЛОВ

АНДИЖОН – 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
-------------------	----------

I БОБ. МИРЗАЧЎЛДА ЯНГИ ЕРЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ВА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙИШИ.....21

1.1. Мирзачўл кўриқ ерларининг ўзлаштирилиши ва суғорилиши.....	21
1.2. Ўзлаштирилган ерларда янги пахтакор туман, совхозларнинг ташкил қилиниши ва марказга пахта етиштириб беришнинг кескин ортиб бориши.....	32

II БОБ. МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА БЎЗ ЕРЛАРИНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ВА ОРОЛ ФОЖИАСИ.....47

2.1.Марказий Фарғона бўз ерларининг ўзлаштирилиши ва суғорилиши.....	47
2.2. Янги ерларни ўзлаштириш жараёнида республикадаги суғориладиган ерларнинг мелиорацияланиш даражаси ва ҳолати.....	59

III БОБ. СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ КЕНГАЙИШИ ВА ОРОЛ ФОЖИАСИ.....66

3.1. Орол денгизи қуришининг келиб чиқиши сабаблари.....	66
3.2. Орол фожиасининг ижтимоий-иқтисодий ва экологик оқибатлари.....	72

ХУЛОСА.....82

Фойдаланилган МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....86

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Суғориш ва янги ерларни ўзлаштириш масалалари барча даврларда ҳам жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган. Чунки қишлоқ хўжалигини ирригация-мелиорация соҳаларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда суғориладиган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорликни орттириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2017 йилда республикадаги суғориладиган экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш¹ зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Янги ерларни ўзлаштириш масалаларига Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидагича баҳо берди: “Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод ва Макрид чўлларининг ўзлаштирилиши Ўзбекистон келажаги билан бевосита боғланган эди. Миллионлаб гектар қўриқ ерларда пахта, боғ-роғлар ва бошқа озиқ-овқат экинларининг жой олиши аслида узоқни ўйлаб иш тутиш натижаси эди. Кечаги чўлу биёбонлар бугун Ўзбекистон истиклоли учун хизмат қилмоқда”².

Совет ва партия органлари пахтачиликни ривожлантириш мақсадида ирригация-мелиорация ишларига муҳим эътибор қаратди. Кўпроқ пахта етиштириш мақсадида қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, пахта майдонлари барпо этилди. Бироқ бунинг натижасида сув захиралари ва сифати билан боғлиқ жиддий муаммолар келиб чиқди: “Сув захираларининг сифати энг муҳим муаммолардан биридир. 60-йиллардан бошлаб Марказий Осиёда янги

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-Б.41.

²Каримов И.А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди // Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура.1-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.-Б.93.

ерлар кенг кўламда ўзлаштирилди. Саноат, чорвачилик комплекслари экстенсив ривожлантирилди. Урбанизация кучайди. Коллектор - зовур тизимлари қурилди ҳамда дарё сувлари суғориш учун муттасил юқори ҳажмларда олинди. Шу боис ҳавзалардаги сувнинг сифати тобора ёмонлаша борди”¹.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг пахта хом ашё базасига айлантирилди, ирригация-мелиорация ва механизация ишлари пахта яккаҳокимлигига тобе қилинди. Оқибатда, хом ашё ва табиий бойликлари етарли бўлса-да, республиканинг озиқ-овқат маҳсулотлари борасида марказга қарамлиги йилдан-йилга кучайиб, ижтимоий кескинлик ва экологик танглик ҳолати юзага келди.

Мустақиллик шарофати билан Ватанимиз тарихини ҳар қандай мафкуравий тазйиқлардан ҳоли тарзда тадқиқ этиш, бирламчи манбаларга таянган ҳолда объектив ёритиш имконияти қарор топди. Истиқлол барча жабҳаларда жиддий ва оламшумул ўзгаришларга туртки берди, шу жумладан, тарих соҳасида фаолият кўрсатаётган барча олим ва мутахассисларга тарихий ҳақиқатни тиклаш вазифасини юклади.

Республиканинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг соҳа вакилларига мурожаатида ушбу вазифанинг нечоғли муҳимлиги таъкидланди: “Сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас”².

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1997.-Б.123.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурашимиз. 7-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -Б.153.

ташкил этиш тўғрисида”ги¹ қарорларида ўзбек тарихшунослигининг асосий йўналишлари ва долзарб муаммолари белгилаб берилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда барпо этилаётган демократик жамиятда биз тадқиқ этаётган, яъни мустабид тузум даврида Ўзбекистондаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирилиши, совет ҳукуматининг ўзлаштириш чора-тадбирларини ҳолисона илмий-тадқиқ этиш долзарб мавзулар сирасига киради.

Тадқиқотнинг муҳим жиҳатларидан яна бири қўриқ ва бўз ерларни кенг қўламда ўзлаштириш ҳам, ирригация ва мелиорация ишлари ҳам Иттифок манфаатини кўзлаб пахта яккаҳоқимлигига мутлақ тобе қилингани ва бунинг кишлоқ аҳолиси турмуш даражасига кўрсатган салбий таъсирини далиллар асосида очиб беришидадир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзусига оид мавжуд адабиётларни иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Совет ҳокимияти йилларида чоп этилган нашрлар.
2. Мустақиллик даврида яратилган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга мансуб тадқиқотларда масала тарихшунослиги ижтимоий-сиёсий вазиятидан келиб чиққан ҳолда коммунистик мафкура измига бўйсундирилди. Шунга кўра суғориш тарихи, унинг марказ томонидан ривожлантирилиши билан боғлиқ масалалар бирёқлама талқин қилинди. Энг аввал шуни таъкидлаш жоизки, бу даврда совет давлатининг мустамлакачилик характеридаги аграр сиёсати бўрттириб мақталди, пахтачилик соҳасининг ривожлантирилиши фақат ижобий баҳоланиб, кўплаб даврий нашрларда мунтазам тарзда баён қилиб борилди.

Мустамлакачилик асосига қурилган совет аграр сиёсатида асосан пахта яккаҳоқимлиги ҳукмрон бўлгани, республикада пахтачилик ва суғориш-мелиорация ишлари фақат марказ манфаатини ўйлаб ривожлантирилгани,

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -№5 (505). -Тошкент: Адолат, 2012 йил 6 февраль. - Б.4-7.

янги ерларни ўзлаштириш ва ирригацион қурилиш ишларига капитал маблағ ажратилиши, сарфланган маблағларнинг камдан кам ҳолатлардагина ўзини оқлагани, пахта майдонларини суғоришда сув ресурсларидан меъёридан ортиқ фойдаланилиши сув танқислиги муаммосини етилтиргани, шунингдек, пахта яккаҳокимлиги атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва бузилишига сабаб бўлгани, аҳоли саломатлигига жиддий путур етказиб, натижада кўплаб юқумли касалликларнинг юзага келгани яширилган. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, ўз навбатида, совет даври адабиётларини ички тузилишига кўра хронологик жиҳатдан уч босқичга бўлиш мумкин:

1. 1920-1930 йиллар; 2. 1940-1985 йиллар; 3. 80-йилларнинг иккинчи ярми - 90 йиллар боши.

Биринчи босқич, яъни XX асрнинг 20-30-йиллари аввал Туркистон, сўнгра Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кескин бурилиш ва ўзгаришлар даври бўлди. Жамиятнинг барча жабҳаларида коммунистик мафкуравий-синфий тазйиқ қатъий тарзда ўрнатилди. Шу боис ҳам ирригация-мелиорация тарихига бағишланган тадқиқотлар давр мафкуравий қолипи асосида фақат бирёқлама амалга оширилди. Бу даврда чоп этилган мавзуга оид асарлар, асосан, рус олимлари томонидан ёзилган бўлиб, уларда Туркистон, Фарғона водийси, Мирзачўл, Тошкент туманининг суғориш тизими муаммолари, ерларнинг қуритилиши (захини қочириш), суғоришнинг лойиҳа-қидирув ва муҳандис-техник жиҳатлари, янги ўзлаштирилган ерларни суғориш масалалари ёритилди¹. Бироқ бу тадқиқотларнинг аксариятида ирригация ишларига мустамлакачилик нуқтаи назарининг мавжудлиги, муаммонинг тор қўйилиши, унинг фақат қуруқ факт ва маълумотлар билан ёритилганини кузатиш мумкин.

Бироқ 20-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон қишлоқлари тарихи ва деҳқонларининг ижтимоий ҳаётини объектив акс эттирган тадқиқотлар ҳам яратилди. Бундай ишлар сирасига Е.Л.Зелькинанинг ер-сув ислоҳоти

¹ Тромбачев С.П. Основания для расчета ирригационных систем. -Ташкент: 1919. - 69 с.; Ризенкамф Г.К. Проблемы орошения Туркестана. -Москва: Госиздат, 1921.-148 с.; Александров И.Г. Проект орошения Юго-Восточной Ферганы. -Москва: ТЭС, 1923. -234 с.

бағишланган асарларини¹ киритиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, тадқиқотчи ўзбек қишлоқларида ўтказилган ер-сув ислоҳоти ва унинг оқибатлари, йўл қўйилган хатолар туфайли асрлар давомида анъанавий тарзда шаклланиб келган ер-сув муносабатлари барбод қилинганини очиқ-ойдин эътироф этган.

Иккинчи босқич, 1940 - 1985 йилларга мансуб тарихий адабиётлар суғориш тизимида маъмурий-буйруқбозлик янада кучайгани, мафкуравий тазйиқ тўла маънода қарор топганини ўзида акс эттиради. Бу адабиётларда ирригация-мелиорация ишларининг ривожлантирилиши, ҳолати ва истиқболи, сув хўжалиги қурилишига капитал маблағлар сарфланиши, ирригация иншоотлари барпо этиш ва мазкур соҳа бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш масалалари ёритилган. В.Непомнин, В.Дробов, Н.Гражданкина, С.Батурин асарларида² суғориш тармоғи ҳолати, ирригация қурилиши масалалари қамраб олинган бўлиб, суғориш тизимининг ривожланиши, ирригация иншоотлари қуриш йилдан-йил ортиб боргани ижобий баҳоланган. Шу билан бирга, мазкур тадқиқотларда Марказий Фарғона ва Мирзачўл янги ерларининг ўзлаштирилиши қисман ёритилган.

Марказ ҳукуматининг Ўзбекистонда олиб борган аграр сиёсати, пахтачиликни ривожлантиришда партия ва советлар роли, қишлоқ хўжалигида илмий-техника тараққиёти ва аграр ислоҳотлар жараёнларини акс эттирувчи қатор асарлар яратилди. Уларда соҳа тарихини ёритиш билан бирга, пахтачилик суғориш тизими билан узвий боғлиқлигидан келиб чиқиб, ирригация ва мелиорация ишларига муҳим эътибор кераклиги урғуланган. Ўзбекистон пахтачилиги тарихига оид маълумотлар берилгани ҳолда, ушбу асарларда мустамлакачилик сиёсатига қатъий амал қилинган, советларнинг “коммунистик аграр инқилоби” кўкларга кўтарилган³.

¹ Зелькина Е.Л. Земельная реформа в Узбекистане. -Ташкент: Госиздат УзССР, 1925. -47 с.

² Непомнин В. Я. К истории ирригации в Узбекистане. -Ташкент: Узпартиздат, 1940. -60 с.; Дробов В. П. Колхозларни, йўлларни ва ирригация тармоқларини кўкаламзорлаштириш. -Тошкент: Ўздавнашр, 1941. -56 б.; Гражданкина Н.С. Ирригация қурилишларида маҳаллий бинокорлик материаллари. -Тошкент: Ўздавнашр, 1950. -35 б.; Батурин С.И. Ўзбекистон совет ирригацияси умумхалқ ижоди. -Тошкент: Ўздавнашр, 1955. -186 б.

³ Ризаев Г.Р. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. -Ташкент: Госиздат УзССР, 1957.-266 с.; Ризаев Г.Р., Маннанов Н.М. Край белого золота. -Ташкент: Узбекистан, 1964. -100 с.; Ахмедов С.А. Коммунистическая партия Узбекистана в борьбе за дальнейшее развитие хлопководства в годы четвертой

Совет даврида комфирканинг Мирзачўлни ўзлаштириш жараёнидаги ўрни ва роли бўрттириб кўрсатилганки, бу ҳол Х.Жалилов, К.Зиёдуллаев, А.Абдунабиев, Х.Ёқубов, А.Умаров, М.Мирзаев, С.Эшонхонов, М.Собиров, Н.Беспалов, А.Тихомиров, Э.Хожиев, И.Холиқов, Н.Эргашев, К.Эшчанов, И.Алимовларнинг тадқиқотларида яққол кўзга ташланади¹. Давр талаби билан бу асарларнинг кўпи советча руҳда номланган бўлса-да, уларда янги ерларни ўзлаштириш, суғориш масалалари бой фактик материаллар, бирламчи манбаларга таянган ҳолда ёритилганини ҳам эътироф этиш жоиз. Бироқ уларда суғориш ишларининг XX аср 50-80 йилларидаги ҳолати тўла камраб олинмаган, баъзи муаммоларигина қисман ўрганилган, ҳолос.

К. Наринский ва А. Ғофуровларнинг тадқиқотлари² Марказий Фарғона чўлларининг ўзлаштирилиши ва суғорилиши тарихига бағишланган. Бироқ мустабид тузум таъсири боис уларда ҳам масалага ҳолис баҳо берилмаган. Жумладан, К.Наринский партия ва совет ҳукуматининг Марказий Фарғонани ўзлаштириш тўғрисидаги қарорини ўзбек халқи жуда катта қизиқиш билан кутиб олди дея ҳақиқатга зид фикрларни баён қилган. Шунингдек, у бу ҳудуднинг ўзлаштирилишини халқлар ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамнинг ёрқин намунаси, “ленинча миллий сиёсат тантанасининг жонли гувоҳидир” дея бирёқлама тарзда баҳолаган. А.Ғофуров эса Марказий Фарғонадаги суғориш тизимининг иқтисодий муаммоларини тадқиқ этган. У кўриқ ерларнинг суғорилиши ва мелиорацияси, шўр ювиш ишларининг амалга оширилиши натижасида 55 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшилангани ҳамда бунинг водийда пахтачиликнинг янада ривожлантирганига урғу берган.

пятилетки (1946-1950 гг.). -Ташкент: Изд-во. АН УзССР, 1959.-125 с.; Саидов Х. Борьба за осуществление ленинских идей в развитии советского хлопководства. -Ташкент: Наука, 1966.-116 с.; Аминова Р.Х. Колхозное крестьянство Узбекистана на пути к развитому социализму. -Ташкент: Узбекистан, 1983.-363 с.

¹ Жалилов Х.М. Мирзачўл ва уни ўзлаштириш. -Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1957.- 48 б.; Зиядуллаев С.К. Мирзачўлни ўзлаштириш ва қурилишининг муҳим масалалари. -Тошкент: Ўздавнашр, 1958. -35 б.; Абдунабиев А.Г. Освоение Голодной степи и молодежь: (Краткий исторический очерк)- Ташкент: Госиздат УзССР, 1958.-71 с.; Ёқубов Х., Умаров А. Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда тик қудуқлардан фойдаланиш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Т., 1961.-№6.-Б.16. ва бошқалар.

² Наринский К.М. Яшнаган кўриқ. (Ўзбекистон меҳнаткашларининг Марказий Фарғонадаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тажрибалари). -Тошкент: Ўзбекистон, 1965. -60 б.; Унинг ўзи. Из истории развития орошаемого земледелия в Узбекистане (на примере освоения Центральной Ферганы): Дисс. ... канд. истор. наук.-Ташкент, 1965.-260 с.; Унинг ўзи. Трудовые подвиги целенников. -Ташкент: Узбекистан, 1976. -167 с.; Ғофуров А. Фарғона мелиораторларининг вазибалари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 1981. - №10.-Б.55-57.

Бироқ у ҳам ютуқларни урғулангани ҳолда, уларга пахта яккаҳокимлиги сиёсати негизида эришилганини назардан четда қолдирган.

Р.Берикбоев, Ҳ.Тоиров, Ж.Хоназаровлар Мирзачўлни ўзлаштиришга бағишланган асарларида коммунистик партиянинг ролини бўрттириб кўрсатганлар¹. Жумладан, Р.Берикбоев “Партиямизнинг XX съезидан кейин Мирзачўлга юриш янада кучайди” деса, Ҳ.Тоиров Мирзачўлни ўзлаштириш ишига айнан 1956 йилдан киришилганини таъкидлайди. Ж.Хоназаров мақоласи Мирзачўлдаги кўрик ерларни ўзлаштиришга сарфланган капитал маблағлар йилдан йилга ортиб боргани, кўрик ҳудудда барпо этилган сув иншоотлари тўғрисида маълумот беради, бироқ унда ҳам масалага советча руҳда ёндашилган.

С.Искандаров ва Ф.Раҳимбоевлар совет ҳокимиятининг илк йилларида республикада ирригация ва мелиорация ишларининг ривожланишида коммунистик партия ролига улкан баҳо берганлар. Улар биринчи беш йиллик (1929-1933)да йирик сув хўжалиги қурилишларининг авж олгани, Мирзачўл, Далварзин, Қумқўрғон чўлларидаги кенг массивларга сув чиқарилгани ва бунинг натижасида пахта майдонлари кенгайиб борган²ини таъкидлаганлар.

К.Сапоев ва Р.Носиров республикада мелиорация ишларини олиб бориш, турли хил даражада шўрланган ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, шўр ювиш ишларини олиб бориш, мавжуд экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш шахобчаларини реконструкция қилишни таҳлил қилганлар. Уларнинг асарларида ерга ишлов бериш ҳолати, шўрланганлик даражаси масалалари советча андозада баён этилган.

Учинчи босқич тадқиқотлари 80-йилларнинг иккинчи ярмидан то 90-йиллар бошигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда суғориш соҳасига доир эсдаликлар, хотиралар ҳамда Орол муаммоси ва 50-80-йиллар қишлоқ хўжалиги ҳолатини акс эттирувчи тадқиқотлар яратилди. В.Пославский,

¹ Берикбоев Р. Мирзачўлнинг истикболи. -Тошкент: Ўзбекистон КП МК бирлашган нашр., 1969. -Б.11.; Тоиров Ҳ. Мирзачўлни ўзлаштириш. -Тошкент: Фан, 1984.-Б.14.

² Искандаров И., Раҳимбоев Ф. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши.-Тошкент: Ўзбекистон, 1984.-Б.13.

Ҳ.Рустамов, И.Тўхтасинов, К.Расулов ва Ш.Мурадуллаевлар ирригация каналлари қурилиши ҳақидаги эсдалик ва хотиралари¹ни нашр қилдилар. В.Пославский ўзи тўплаган оғзаки материаллар асосида водийдаги йирик ирригация иншооти бўлмиш Катта Фарғона канали қурилишини, Ҳ.Рустамов эса Марказий Фарғонадаги Сариксув ва Сарикжўга коллекторлари, Косонсой ва Каркидон сув омборлари қурилиши жараёнларини ўз хотираларида акс эттирди. Жумладан, у мазкур қурилиш ишларидаги муваффақиятларни уларнинг ташаббускори ва раҳбари – совет даврида Сув хўжалиги вазири лавозимида фаолият кўрсатган “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор” Ф.Шамсиддинов номи билан боғлади.

И.Тўхтасинов Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона каналининг эллик йиллик юбилеи муносабати билан канал бунёдкорлари ҳақидаги хотираларини акс эттирди. Унда Марказий Фарғонанинг Охунбобоев туманида янги ташкил этилган совхозлар, уларнинг пахта етиштиришдаги ўрни, шунингдек, “Солижонобод” совхози кучи билан ўзлаштирилган янги ерлар ҳажмининг ортиб бориши рақамларда келтирилган.

К.Расулов (Катта Фарғона канали эксплуатация бошқармаси бошлиғи) ва Ш.Мурадалиев (мазкур бошқарманинг бош муҳандиси) хотираларида канал барпо этилишида Фарғона деҳқонлари иштироки, Марказий Фарғонада 1963 йилга қадар 60 минг га қўриқ ер ўзлаштирилгани, Фарғона вилоятидаги “Гулистон” ва “Комсомол” колхозларининг ўзлаштирилган ерларда пахта етиштиришдаги фаолияти таҳлил қилинган.

Хулоса қилиб айтсак, кўриб ўтилган биринчи гуруҳнинг учала босқичига мансуб адабиётларда Ўзбекистонда қўриқ ерларни кенг кўламда ўзлаштириш жараёнлари ҳукмрон коммунистик мафкура нуқтаи назаридан ёритилиб, фақатгина ижобий тарзда бирёқлама баҳоланган.

Иккинчи гуруҳга бевосита мустақиллик йилларида нашр этилган илмий тадқиқотлар, дарсликлар, мақолалар, конференция материаллари киради.

¹ Пославский В.В. Вода для большого поля: (Воспоминания).-Ташкент: Фан, 1986.- 90 с.; Рустамов Ҳ. Ҳаёт саҳифалари. -Тошкент: Мехнат, 1986.-72 б.; Тўхтасинов И. Бунёдкорлар. -Тошкент: Ўзбекистон, 1989. -70 б.; Расулов К., Мурадуллаев Ш. Главная артерия жемчужной долины. -Ташкент: Мехнат, 1990.-40 с.

Истиқлол йилларида чоп этилган адабиётларда бевосита Марказий Фарғона ва Мирзачўл ерларининг ўзлаштирилиши ва суғорилиши даври тарихига янгича методология асосида ёндашилиб, муаммони ҳаққоний ёритишга ҳаракат қилинган.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан республикада суғориш тизимини жадаллаштириш ва янги ерларни ўзлаштириш (Марказий Фарғона, Мирзачўл кўриқ ерлари) оқибатида Орол фожиасини, уни келтириб чиқарган сабаб ва оқибатларга ҳаққоний баҳо бериш жараёни бошланди. Жумладан, Т.Алимов ва А.Рафиқовлар¹нинг шу муаммога бағишланган махсус асарида 60-йиллардан бошлаб Орол куриши натижасида денгиз ҳудудида яшаган аҳоли турли касалликларга дучор бўлгани рўй-рост баён қилинган. Айниқса, ўт халтада тош пайдо бўлиши, сурункали гастрит, буйрак касалликлари ва кизилўнгач раки каби касалликларнинг кўпая бошлагани, минтақада юқумли сариқ (гепатит) етти марта кўпайгани, сил ва рак касалликларининг ўн беш марта ортгани таъкидланган.

Б.Камолов ва И.Саъдуллаевларнинг мақолаларида² денгизнинг куриб бориши натижасида минтақадаги улкан тўқайзор майдонининг аста-секин қисқариб боргани, бу эса кўпгина ҳайвонларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлгани, регионда катта ҳажмда янги ерларни ўзлаштирилиши натижасида денгизга сув оқиб келиши бутунлай тўхтаб қолгани, янгидан ўзлаштирилган бир гектар экинга сарфланадиган сув 3,5 барабар кўпайгани эътироф этилган.

Мустақилликнинг илк йилларида масалага коммунистик мафкура руҳида ёндашилган тадқиқотчилар ҳам учрайди. Жумладан, Н.Очиловнинг республикадаги ирригация ва мелиорация ишлари 1946-1964 йиллар даврий чегарасида тадқиқ қилинган асарида, гарчи советча мафкурада ёзилган бўлса-да, Мирзачўл, Марказий Фарғона чўлларининг суғорилиши, ўзлаштирилиши, суғориш тизимига маблағлар сарфлаш, суғориш кадрлари тайёрлашнинг бориши масалалари бирламчи манбалар ва даврий матбуот материаллари

¹ Алимов Т., Рафиқов А. Экологик ҳатолик сабоқлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1991. -70 б.

² Камолов Б. Оролни тиклаш мумкин! // Инсон ва сиёсат. -Тошкент, 1991. -№ 1, -Б.55-60; Саъдуллаев И. Орол болалари // Ёшлик.-Тошкент, 1991.-№8, -Б.2-6.

ёрдамида очиб берилган. Китобда советча анъанага мувофиқ ирригация-мелиорация қурилиши ва унинг техникавий базасини мустаҳкамлашда партия “ғамхўрлиги”га ижобий баҳо берилган¹.

Қ.Насритдиновнинг номзодлик диссертациясида² Ўзбекистондаги ирригация-мелиорация ишларининг XX асрнинг 80-90-йилларидаги ҳолати, тараққий этиши ва унда ўзбек халқининг иштироки, шунингдек, янги ерларни ўзлаштириш (қисман Марказий Фарғона ерларининг ўзлаштирилиши) ишларида юзага келган салбий ҳолатлар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ёритилган. Шу муаллиф монографиясида эса Фарғона водийси суғорма деҳқончилигининг умумий ҳолати Россия империяси ва совет ҳукумати даврида, яъни XIX аср охири - XX аср биринчи ярми хронологик чегарасида баён қилинган. Шу билан бирга водийдаги сув хўжалигининг иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йиллардаги ўзгаришлари, гидроиншоотлар қурилиши масалалари бирламчи манбалар асосида ўрганилган. Бироқ монографияда Ўзбекистон ирригациясининг 1951 йилдан 1990 йилгача бўлган даври ўрганилмаган, номзодлик ишининг даврий чегараси эса XX асрнинг 80-90 йиллари қилиб белгиланган.

А. Рустамов ва Ғ. Фозиловларнинг рисоаларида³ Марказий Фарғона чўлларида ўзлаштири, водийда суғориш ишларининг олиб борилиши, Катта Фарғона канали қурилиши тарихи, сув хўжалиги тизимида фаолият олиб борган махсус ирригатор кадрлар фаолияти, Норин дарёсида Учқўрғон сув олиш тўғонининг барпо этилиши, каналнинг реконструкция қилиниши тарихий адабиётлар ёрдамида таҳлил қилинган.

Тадқиқотимиз учун танлаган муаммо “Ўзбекистоннинг янги тарихи” маркази томонидан тайёрлаб чоп этилган уч китобдан иборат “Ўзбекистон

¹ Очилов Н. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация ишлари (1946-1964). -Тошкент: Фан, 1991. -104 б.

² Насритдинов Қ.М. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация қурилишининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари (1981-1990 йиллар): Тарих фан.номз. ... дисс.- Андижон, 1994.- 147 б.; Унинг ўзи. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи (XIX аср иккинчи - XX аср биринчи ярми).-Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.-223 б.

³ Рустамов А. Центральная Фергана. -Ташкент: Мехнат, 1995. -46 с.; Фозилов Ғ. Водийнинг олмос камари.- Фарғона: Фарғона, 1996.-58 б.

совет мустамлакачилиги даврида” номли фундаментал асар¹нинг иккинчи китобида қисқача ёритиб берилган. Унда совет даврида барпо қилинган гидротехник иншоотлар, сув омборлари, янги ерларни ўзлаштириш ишлари, бу тадбирларда ўша даврда Ўзбекистон КП МК биринчи котиби лавозимида ишлаган Ш.Р. Рашидов роли тадқиқ этилган. Жумладан, китобда 1966-1985 йилларда республикада 1,6 млн. га ер ўзлаштирилгани, 6,9 млн. га ердаги яйловларга сув чиқарилгани, ўзлаштирилган ерларда 160 та давлат хўжалиги ва кўплаб пахтакор туманлар ташкил қилингани тўғрисида² маълумотлар келтирилган. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муаллифлар китоб мақсади ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда кўрик ва чўл ерларни ўзлаштириш, сув иншоотларини қуриш ишларини умумий тарзда, 3-4 саҳифада баён қилишган. Шу билан бирга, китобнинг иккинчи қисм иккинчи бобининг 5-параграфидан “Орол фожiasi” масаласи ўрин олиб, унда ушбу муаммо Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида кенг миқёсда янги ерлар ўзлаштирилиши, пахтачилик ва шолічиликнинг кенгайиши туфайли келиб чиққани, денгиз қуриб боришининг салбий оқибатлари ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтининг етакчи олимлари томонидан нашр этилган “Тарих шохидлиги ва сабоқлари” монографиясида³ Россия империяси даврида Туркистонда пахтачилик, ирригация соҳаларининг ривожлантирилиши, бу борада империя маъмурлари олиб борган сиёсат мантиқан совет ҳукумати томонидан ҳам изчиллик билан давом эттирилганлиги ва бунинг маҳаллий аҳоли ижтимоий-иқтисодий аҳволига салбий таъсири архив, тарихий манбалар ёрдамида таҳлил қилинган.

2007 йил 17-20 июль кунлари Тошкент шаҳрида Марказий Осиё ирригация тизимида балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни келгусида

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: М. Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқ. -Тошкент: Шарқ, 2000. -688 б.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... -Б.546-547.

³ Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши / Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир Д.А.Алимова. -Тошкент: Шарқ, 2001. - 464 б.

ривожлантиришга бағишланган халқаро конференция ташкил этилди¹. Унда Марказий Осиёдаги беш давлат (Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон) вакиллари иштирок этиб, ирригация тизимида ички балиқ тайёрлашни ривожлантириш, балиқчилик хўжаликлари сонини орттириш, XX асрнинг 60-80 йилларида Орол денгизида балиқ тайёрлашнинг кескин камайиши каби масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, Б. Комилов маърузасида “1983 йилдан кейин Оролнинг қуриб қолиши натижасида балиқ тайёрлаш кўрсаткичининг ноль фоизга тушиб қолгани”² эътироф этилди.

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқ этилаётган масаланинг илмий янгилиги шу билан асосланадики, мавзу ўзбек тарихшунослигида шаклланиб, қарор топиб бораётган янги методология асосида тадқиқ қилинди. Тадқиқот ишида совет ҳукуматининг Ўзбекистондаги, хусусан, Мирзачўл ва Марказий Фарғонадаги янги ерларни ўзлаштириш соҳасида амалга оширган буйруқбозлик сиёсати, мустамлакачилик таъсирида барча суғориш ишларининг пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилганлиги, унинг натижасида республикада пахта яккаҳокимлигининг кучайиб кетганлиги, мазкур сиёсатдан келиб чиққан ҳолда ирригация соҳасини ривожлантирилиши, унинг оқибатлари илк бор комплекс тарзда ҳамда миллий ғоя руҳида очиқ берилди.

Бундан ташқари, совет ҳокимиятининг ирригация соҳасини ривожлантириши бир қатор салбий ҳолатлар, айти пайтда ўзбек халқининг фожиаси, қолаверса, бутун Ўрта Осиё фалокати бўлган Орол фожиасига олиб келиши ҳам таҳлил қилинди. Орол денгизининг қуриб қолиши натижасида ўша ҳудуд маҳаллий аҳолисининг турли хил касалликларга дучор бўлиши, уларнинг яшаш тарзидаги қийинчиликлар ва етишмовчиликлар асосли ҳолатда баён қилинди. Совет ҳукуматининг республикада мустамлакачиликка асосланган аграр сиёсати натижасида қишлоқ аҳолиси

¹Региональная обзорная конференция по использованию ирригационных систем для производства рыбы в Центральной Азии. -Ташкент, 2007.- 44 с.

²Камилов Б. Использование ирригационных систем для устойчивого производства рыбы в Узбекистане // Региональная обзорная конференция по использованию ирригационных систем для производства рыбы в Центральной Азии. -Ташкент, 2007.- С.29.

доимий равишда ерга боғланиб қолди, шунингдек, бу амалиётни уларнинг ижтимоий турмуш тарзи ва ҳаётига салбий таъсир ўтказганлиги манбалар ёрдамида ёритиб берилди.

Магистрлик диссертация натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотдан кутилаётган натижалар амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Изланиш натижасида вужудга келган маълумотлар, илмий хулосалар, назарий умумлашмалар ирригация тарихини танқидий нуқтаи-назардан ҳолисона ва ҳаққоний ўрганишга хизмат қилади. Диссертациядаги умумлаштирилган материаллар Ватанимиз тарихшунослигининг мустабид совет ҳукумати даврида Ўзбекистондаги ирригация ва янги ерларни ўзлаштириш масалаларини ёритишга қўмаклашади. Совет ҳокимияти йилларида республикада ирригация соҳасини ривожлантирилиши бўйича муҳим маълумотлар олишда ва унинг оқибатларини очиқ беришда ҳам тадқиқот материаллари муҳим аҳамиятга эга. Миллий ва маънавий қадриятлар тикланаётган ҳамда миллий ўзликни англашга киришаётган ҳозирги шароитда Ватанимизнинг ҳаққоний ва ҳолисона тарихини яратишда ҳам диссертациядан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, тадқиқот материаллари ўзбек халқи миллий қадриятларини умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ўрганиш ва бу борада халқимиз онгида тарихий тафаккур ҳосил қилиш ишида ҳам маълум маънода аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ирригация ва мелиорация институти талабалари учун мутахассислик фанлари бўйича махсус дарсликлар ўтишда ҳам диссертация материаллари қўл келади. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон ирригацияси ҳамда пахтачилиги тарихига бағишланган махсус курслар ташкил этишда, ўқув қўлланмалар тайёрлашда, олий ўқув юртлари талабаларига дарсликлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифаси. Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад совет мустабид ҳукуматининг 1950-1970 йилларда Ўзбекистонда, хусусан Мирзачўл ва Марказий Фарғонадаги янги ерларни ўзлаштиришга қаратилган чора-тадбирлари ҳамда унинг мустамлакачилик

асосига қурилган оқибатларини архив хужжатлари, даврий матбуот нашрлари, хотира ва эсдаликлар, хорижий асарлар ва интернет маълумотлари асосида ҳаққоний тарзда ёритиб беришдан иборат. Мазкур мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борган аграр сиёсати ва унинг мустамлакачилик хусусияти мазмун-моҳиятини объектив тарзда очиқ бериш;

- совет ҳукуматининг республикада ирригация-мелиорацияни ривожлантиришдан кўзлаган мақсади асосан пахтачиликни тараққий эттиришга йўналтирилгани ва бунинг натижасида пахта яккахокимлиги сиёсатининг авж олиш жараёнларини манбалар ва илмий адабиётлар орқали изоҳлаш;

- совет органларининг Марказий Фарғона, Мирзачўлдаги бўз ерларни ўзлаштириш бўйича амалга оширган чора-тадбирларини босқичма-босқич таҳлил қилиб, мустамлакачилик асосида ривожлантирилганини тўлақонли ўрганиш;

- марказ пахта яккахокимлиги сиёсати негизида республиканинг сув хўжалиги қурилишига капитал маблағлар сарфлаш йилдан-йилга ортиб бориши, ундаги муаммо ва етишмовчиликлар, айниқса, янги ерларни ўзлаштиришга сарф қилинган маблағлар аксарият ҳолларда ўзини оқламаганини ишончли тарзда баён қилиш;

- совет директив органлари буйруғига асосан республиканинг табиий ҳамда экологик ҳолати ҳисобга олинмасдан ирригация иншоотларининг сон-саноксиз барпо этилиши, бу бунёдкорлик ишлари айни пайтда кўплаб салбий жиҳатларни келтириб чиқарганини манбалар асосида кўрсатиб бериш;

- ўзлаштирилган ерларда янги пахтакор туман ва совхозлар ташкил қилиниши ҳамда бунинг натижасида марказга пахта етиштириб беришнинг йилдан-йилга аста-секин ортиб бориши, пахта яккахокимлигининг янада кучайиб кетиши жараёнларини холис тадқиқ қилиш;

- кенг ҳажмда амалга оширилган ўзлаштириш натижасида пахта майдонлари ҳаддан зиёд кенгайгани ва ирригация-мелиорация соҳаларининг жадал суръатларда ривожлантирилиши оқибатида Орол фожиасининг келиб чиқиши, Оролбўйи минтақасидаги экологик фалокат ҳамда унинг салбий оқибатларини атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш.

Ишнинг даврий чегараси. Тадқиқот иши 1950-1970 йилларни ўз ичига олади. Чунки айтилиши шу даврда совет ҳокимияти Ўзбекистон ирригацияси ва қишлоқ хўжалигини, хусусан, пахтачиликни жадал ривожлантирди. Иттифоқ раҳбарияти томонидан 1954 йил 9 февралда қабул қилинган “1954-1958 йилларда Ўзбекистон ССРда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорда суғориладиган майдонларни 600 минг гектарга, пахта майдонини эса 300 минг гектарга кенгайтириш белгиланди. Бу эса суғориш тизими пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилгани ва тўласича пахта яккаҳокимлиги сиёсатида бўйсундирилганлигидан далолат беради. Кейинги йиллардаги Марказий Фарғона, Мирзачўл қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб, пахтачиликка ихтисослашган туман, совхозлар ташкил этилиши, пахта экин майдонларининг экстенсив тарзда кенгайтирилиши мазкур сиёсатнинг мантикий давоми бўлди. Пахта экин майдонларининг ҳаддан зиёд кенгайтирилиши, ирригация-мелиорация ва механизация ишларининг жадал ривожлантирилиши, пахтачиликда кўп миқдорда захарли кимёвий моддаларнинг қўлланиши экологик муҳитнинг бузилиши, қишлоқ аҳолиси саломатлигининг ёмонлашуви сабаб бўлди. Совет директив органлари буйруғи асосида табиий ва экологик муҳит инобатга олинмасдан кўплаб сунъий каналлар, сув омборлари, насос станцияларининг бунёд этилиши, янги ерларни кенг ҳажмда ўзлаштириш мақсадида сув ресурсларидан меъёридан ортиқ фойдаланилиши натижасида сув танқислиги муаммоси кескин равишда авж олди.

Тадқиқотнинг манбавий базаси. Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш ва унинг оқибатларини ҳолисона очиқ бериш мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги масалаларини алоҳида таҳлил этишни

тақозо этади. Муаммодаги айнан бу икки муҳим масаланинг таҳлили ўта мураккаб ва зиддиятли ҳисобланган мавзунинг кўп қирраларини очишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда кўриқ ерларни ўзлаштириш тарихига доир манбаларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Статистик материаллар тўпламлари ва тарихий ҳужжатлар.
2. Даврий матбуот нашрлари.
3. Интернет сайтларидаги маълумотлар.

1. Статистик материаллар тўпламлари ва тарихий ҳужжатлар.

Тадқиқот ишида энг муҳим манбалар сифатида нашр этилган статистик тўпламлар¹ ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан² атрофлича фойдаланилди. Мазкур тўпламларда ўша давр нуқтаи-назаридан, кенг ҳажмда тарихий манбалар тўпланган ва бир тизимга солинган, Ўзбекистондаги суғориладиган ерларнинг ўсиб бориш кўрсаткичлари, мустамлакачиликка бўйсундирилган ирригация-мелиорация ишларини бевосита пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилганлиги ўз ифодасини топган. Мазкур тўпламлардан ўрин олган расмий ҳужжатлар тузилиши ва ёзилиш услуби билан ўша давр руҳиятини ўзида акс эттирганлиги билан аҳамиятлидир.

2. Даврий матбуот нашрлари. Манбаларнинг махсус тури бўлган даврий матбуот нашрларидан ҳам тадқиқот ишида муҳим манба сифатида қўлланилди. Марказий ҳамда маҳаллий нашрлардан “Правда Востока”, “Известия” (Москва; Тошкент), “Правда”, “Сельская правда”, “Андижанская правда”, “Сталинское знамя”, “Совет Ўзбекистони”, “Қишлоқ ҳақиқати”, “Istiqlol sadosi”, “Ўзбекистон овози”, “Халқ сўзи” газеталари; “Хлопковое

¹Народное хозяйство Узбекской ССР. Стат.сбор.-Ташкент: Госстатиздат, 1957.-197 с.; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1958 г. Стат.сбор.-Ташкент: Госстатиздат, 1959.-223 с.; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1960 г.: Краткий стат.сбор. -Ташкент: Госиздат, 1961.-98 с.; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1965 г.: Стат.ежегод. -Ташкент: Узбекистан, 1966.-431 с.; Узбекистан за 7 лет (1959-1965 гг.). Краткий стат. сбор.-Ташкент: Узбекистан, 1966.-250 с.; Хлопководство Узбекистана за 50 лет. Справочник. -Ташкент: Узбекистан, 1967.-455 с.; Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Сбор. стат. мат. -Ташкент: Узбекистан, 1967.-240 с.; ...

² КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорлари. III қисм. -Тошкент: Ўздавнашр, 1954.-604 б.; Ўзбекистон Компартиясининг XV съезди.-Тошкент: Ўзбекистон, 1961; Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам (Сборник документов за 50 лет). В 5-ти т.-Москва: Политиздат, 1967. Т.4.-783 с.; Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам (Сборник документов за 50 лет). В 5-ти т.-Москва: Политиздат, 1968. Т.5.-750 с.

дело”, “Коммунист Узбекистана”, “Агитатор Узбекистана”, “Гидротехника ва мелиорация”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, “Тафаккур”, “ЎЗМУ хабарлари”, “Фан ва турмуш”, “Инсон ва сиёсат”, “Ҳаёт ва иқтисод”, “Ёшлик”, “Жамият ва бошқарув”, “O’zbekiston tarixi”, “Ekologiya xabarnomasi” журналларидан фойдаланилди.

1950-1980 йиллардаги барча вақтли матбуот ўша пайтдаги коммунистик мафкуранинг кучли таъсири остида бўлганлиги, шу боис мазкур нашрлардаги мақолаларнинг муаллифлари ўша оғир ва қалтис вазиятда тайёрлаганликларига эътибор қаратиш лозим. Шу сабабли ҳам матбуот нашрлари архив манбаларидаги ҳужжатлар билан қиёсий ўрганилиб, ҳаққонийлик даражаси аниқлангандан сўнг улар тадқиқотда қўлланилди.

3. Интернет сайтларидаги материаллар. Интернет маълумотларида Ўзбекистон ирригацияси ва янги ерларни ўзлаштириш масалалари совет даврини акс эттирувчи ва айнан рус тадқиқотчилари томонидан республикадаги суғориш ва ўзлаштириш тадбирларини асосан пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилганлиги, бунинг оқибатида эса кўплаб салбий жиҳатларнинг келиб чиққанлиги алоҳида эътироф этилган. Шу билан бирга, ушбу материаллар ичидан айнан марказнинг пахта яккаҳокимлиги сиёсати мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда республикадаги суғориладиган майдонларнинг ортиб бориш динамикасига доир маълумотлар, шунингдек, Орол денгизи қуришининг келиб чиқиши ва унинг асосий сабаблари акс эттирилган материаллар саралаб олинди ва таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асосларини холислик (объективлик), муаммоли-хронологик, тарихийлик ва илмий билишнинг бошқа методлари ташкил қилади. Диссертациянинг назарий-услубий асосини Республика Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг 2012 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, ҳамда Республика Президенти Ш.М.

Мирзиёевнинг концептуал-методологик кўрсатмалари ҳамда асарлари ташкил этади.

Тадқиқотда мавзуга миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғояси ҳамда жаҳон тарихшунослигида мавжуд илмий концепцияларга асосланиб, тарихий жараёнларга тамаддуний (цивилизацион нуқтаи назардан) ёндашилди. Ўзбекистон ирригацияси ривожланиши ва бунинг оқибатларини ўрганишда умумбашарий қадриятларга, тарихий диалектик ёндашув методига, ворисийлик, қиёсийлик, тизимлилик, хронологик, мантикийлик тамойилларига таянилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 2 боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 90 бетни ташкил қилади.

I БОБ. МИРЗАЧЎЛДА ЯНГИ ЕРЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ВА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙИШИ

1.1. Мирзачўл қўриқ ерларининг ўзлаштирилиши ва суғорилиши

Совет ҳукуматининг пахта яккахокимлиги сиёсати мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистондаги илгари бўш ётган қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун совет директив органлари Мирзачўл, Марказий Фарғона ва бошқа чўлларини ўзлаштириш ва суғориш ишларини жадаллаштирди. Қўриқ ерлар ўрнида пахта майдонлари, пахтачиликка ихтисослашган совхозлар, аҳоли турар жойлари, гидроиншоотлар барпо этилди. Республика Биринчи Президенти республикада жуда кўплаб иншоотлар ва муҳим объектларнинг қурилишини Ш.Рашидов номи билан боғлиқ эканлигини эътироф этди ҳамда айнан янги ерларнинг ўзлаштирилиши, улар ўрнида пахта экин майдонларининг ўрин олишини таъкидлаб ўтди.

Бироқ, мустабид тузум даврида мазкур бунёдкорлик ишлари кўплаб салбий жиҳатларни келтириб чиқарди. Биринчи галда таъкидлаш жоизки, ўзлаштирилган ҳудудларда етиштирилган пахтанинг аксарият қисми марказга ташиб кетилди. Республика совет ҳукуматининг пахта етиштирувчи асосий базасига айланиб қолди. Иккинчидан, ўзлаштириш ишларининг кенг авж олиши натижасида пахта яккахокимлиги ниҳоятда кучайиб кетди. Бу эса ўзбек деҳқонларини пахта даласида эрта-ю кеч меҳнат қилишини талаб қилди ва аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказди.

Таъкидлаш ўринлики, марказ ҳукумати устамонлик билан чўлларни ўзлаштириб унинг ўрнида йирик пахта майдонларини барпо этишга ҳаракат қилди. Чунки, бу сиёсат нафақат унинг ўз эҳтиёжи учунгина эмас балки бошқа Европа мамлакатларининг тўқимачилик фабрикаларини пахта хом ашёси билан таъминлаш ва ундан фойда олишга ҳам қаратилди.

Ана шу мақсадда, XX асрнинг 50-йилларидан совет ҳокимияти Мирзачўлдаги бўз ерларни ўзлаштиришга ҳужум бошлади. Марказ ҳукумати Мирзачўлдаги суғориш ва мелиорация тадбирлари учун катта ҳажмда капитал маблағ ажратди. Жумладан, “1950-1952 йиллардаги суғориш ишларига, асосан Мирзачўлдаги мелиорация ишларига 20 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди. Бунинг натижасида, 1952 йилда экиш учун

Мирзачўлнинг факатгина ўзбек қисми бўйича 4965 га партов ер тайёрланди. Бундан ташқари, Сирдарё районида 300 га, Мирзачўл районида 991 га қўриқ ер ўзлаштирилди”¹.

Юқорининг кўрсатмасига кўра, ўзлаштириш ва уни ўрнида пахта майдонлари барпо этиш учун бу ерга кўплаб оилалар мажбуран кўчириб келтирилди. Масалан, “Мирзачўлни ўзлаштиришни жадаллаштириш мақсадида бу ерга кўплаб оилалар ва хўжаликлар кўчириб келтирилди. 1952 йилда Мирзачўл ва Сирдарё районларига 1713 хўжалик кўчирилди, кўчириб келтирилган кишилар учун 572 та уй барпо этилди ва улар фойдаланишга топширилди”². Бироқ, маҳаллий аҳолининг мажбуран кўчирилиши натижасида бир қанча жиддий муаммолар келиб чиқди. Уларнинг кўпчилиги чўл шароитига мослаша олмади ва турли хил юқумли касалликларга дучор бўлди.

Ирригация-мелиорация ишлари 1953 йилда 6048 га, 1954 йилда 7448 га, 1955 йилда 6885 га қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш имконини берди. Ер ҳолатининг яхшиланиши Мирзачўл районида пахтадан ҳосил олишни кенгайтирди. Хусусан, 1951 йил районда 16576,7 тонна пахта хом ашёси олинган бўлса, 1954 йилда у 26250,0 тоннани ташкил қилди³.

Қўриқни ўзлаштиришга кўплаб техника воситалари жалб этилди. Айнан 1954 йилда Мирзачўлга 24 та экскаватор, 15 та бульдозер, 45 та скрепер ва кўплаб тракторлар жўнатилди⁴. 1955 йил бошида Мирзачўлнинг барча туманларида 23,916 га (ундан 9,556 га янги) ерларни экиш учун тайёрлаш имконини берадиган икки ойлик ирригация-мелиорация ишлари ўтказилди. Тозалашда икки смена ишловчи экскаваторлардан фойдаланилди⁵.

¹ Ходжиев Э.Х. История орошения и освоения Голодной степи (1917-1970 гг.).-Ташкент: Фан, 1975.-С.148.

² Комилов О. Ўзбекистонда суғориш тизими ривожланиши: ютуқ, муаммо ва оқибатлар (1951-1990).-Тошкент: Akademnashr, 2016.-Б.156.

³ Ходжиев Э.Х. История орошения и освоения Голодной степи (1917-1970 гг.).-Ташкент: Фан, 1975.-С.149.

⁴ Джалилов Х.М. Голодная степь и перспективы ее освоения. -Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1957.-С.28.

⁵ Раззаков А. А. История развития мелиорации орошаемых земель Голодной степи (1917-1967 гг.): Дисс... канд.истор.наук.-Ташкент, 1971.-С.181.

Шу йил Мирзачўлда 200 минг га ерлар ўзлаштирилди, ундан 105 минг га унинг ўзбек қисмига, 95 минг га эса қозоқ қисмига тўғри келди¹.

Иттифок ҳукумати пахтадан кўпроқ ҳосил олиш мақсадида мажбурий тарздаги вазифаларни ишлаб чиқди ва уларни зўр бериб амалга оширди. Шу жумладан, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956-1960 йилларга мўлжалланган олтинчи беш йиллик режаси юзасидан КПСС XX съезди директиваларида Мирзачўлдаги кўрик ерларни суғориш ва ўзлаштириш ҳисобидан пахта экин майдонларини янада кенгайтиришга муҳим эътибор қаратилди. Ушбу директиваларда қуйидаги вазифалар мажбурий тарзда белгилаб берилди: “Пахта етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида мамлакатда қисқа муддат ичида энг катта пахтачилик районини вужудга келтириш зарур деб ҳисоблансин, бунинг учун Мирзачўлдаги унумдор кўрик ерларни суғориш ва ўзлаштиришга доир зарур ишлар ўтказилсин”². Унда шунингдек, 1956-1962 йиллар давомида 158 минг гектар ерни суғориш учун Марказий Мирзачўл каналини ва 48 минг гектар ерни суғориш учун Жанубий Мирзачўл каналини қозиш мўлжалланган³.

Мирзачўлни ўзлаштиришни янада тезлаштириш мақсадида иттифок директив органлари бўлмиш КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан 1956 йил 6 августда “Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг кўрик ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида” ги қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан Ўзбекистон КП МК ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шу йил 15 августида махсус қарорни қабул қилди. Унда Ўрта Осиёнинг 300 минг га майдонида суғориладиган янги йирик туман вужудга келтириш, 1962 йилга келиб Мирзачўлда 300 минг гектар кўрик ерлар ўзлаштирилиши ва 34 пахтачилик давлат хўжаликлари ташкил этиш мўлжалланган эди⁴. Ўзлаштирилиши лозим бўлган 300 минг гектар ердан 200

¹ Ходжиев Э.Х. История орошения и освоения Голодной степи (1917-1970 гг.).-Ташкент: Фан, 1975.-С.149.

² КПСС съездлари, конференция ва МК пленумларининг резолюция ва қарорлари.-Тошкент, 1968.-Б.156.

³ Жалилов Ҳ.М. Мирзачўл ва уни ўзлаштириш.-Тошкент: ЎзССР ФА нашр, 1957.-Б.4.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин ва бошқ. -Тошкент: Шарқ, 2000.-Б.541.

минг гектари Ўзбекистон ҳудудида унинг 100 минг гектари эса Қозоғистонда жойлашганди. Ундан 272,8 минг га майдонни янги ирригация тизими ёрдами билан суғориш кўзда тутилди¹. Энг асосийси эса, мустамлакачи ҳукумат томонидан Мирзачўлда йирик пахтачилик туманини ташкил қилиш ҳамда янги ўзлаштирилган ерларда пахтадан юқори ҳосил олиш вазифаси кўндаланг қўйилди.

Мазкур қарор 1956-1962 йилларда Мирзачўлда биринчи навбатда 300 минг гектар кўриқ ерни суғоришни ташкил этишдек давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифани белгилаб берди². Юқоридаги мажбуриятлардан маълум бўлишича, кўриқдаги барча тадбирлар ягона мақсад - пахтачилик тараққиётига йўналтирилди. Бу эса жамият ҳаётини қамраб олган мустамлакачилик сиёсати тўғри келарди.

1956 йилнинг бошларига келиб Мирзачўлда 200 минг гектардан ортиқ ер ўзлаштирилди³, шунингдек, 1956-1975 йилларда 300 минг гектардан ортиқ ер ўзлаштирилди, яъни Мирзачўлда жами 500 минг гектардан кўпроқ ер экин оборотига киритилди⁴. Шу вақт ичида бу ерда 8 та маъмурий район ташкил қилинди. Бу районларда 100 дан ортиқ колхоз, 12 та МТС ва бир неча совхоз мавжуд эди⁵.

1952-1958 йилларда реконструкция ва коллектор-дренаж тармоғининг тараққиёти ҳисобидан Мирзачўл суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати янада яхшиланди. 1952 йилда Шўрўзак массивида шоли сепиш қайтадан бошланди (1952 йилда -1246 га, 1953 йилда - 1661 га), янги мураккабликнинг сабаби - грунт сувлари юзага яқинлашишига хизмат қилди⁶.

¹ Алибеков Л.А. Щедрость пустыни.-Москва: Мысль, 1988.-С.132.

² Зиядуллаев С.К. Мирзачўлни ўзлаштириш ва қурилишининг муҳим масалалари.-Тошкент: Ўздавнашр, 1958.-Б.8.

³ Тоиров Х. Мирзачўлни ўзлаштириш.-Тошкент: Фан, 1984.-Б.14.

⁴ Эгамбердиев Р., Раззоков А. Ўзбекистонда кўриқ ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелиорациялаш тарихи (Мирзачўл мисолида).-Тошкент: Фан, 1984.-Б.223.

⁵ Абдунабиев А.Ф. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихидан.-Тошкент: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока, Ўзбекистони Сурх бирлашган нашр, 1959.-Б.26.

⁶ Игамбердыев Р.С., Раззаков А.А. История мелиорации в Узбекистане (на материалах Голодной степи).-Ташкент: Фан, 1978.-С.94.

1956 йилнинг октябрь ойида Мирзачўлни ўзлаштириш ишига суғориш иншоотлари, саноат корхоналари, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар, йўллар қурилишга раҳбарлик қилиш учун республикалараро “Главголодностепстрой” бирлашмаси ташкил этилди. Бу бирлашмада 46000 ишчи ва 2500 дан зиёд муҳандис-техник ишлади¹.

Шу йил 14 декабрда Ўзбекистон КП МК “Ўзбекистон КП Марказий Қўмитасида Мирзачўлни ўзлаштириш бўйича сектор (бўлим ҳуқуқларида) тузиш тўғрисида” ги қарорни қабул қилди². Унда Мирзачўлни ўзлаштириш ишларини жадаллаштириш ва Янгиерда Мирзачўл шаҳар партия қўмитаси тузишга эътибор қаратилди.

Марказ буйруғи асосида Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштириш жараёни икки босқичда амалга оширилди. Айнан Мирзачўл ерларини ўзлаштиришнинг биринчи босқичида (1956-1961 йй.), асосан, бу ҳудудда магистрал каналлари, коллектор-дренажлар, ҳамда йирик сув хўжалиги объектларини қуришга, шунингдек, бинокорлик материаллари саноат базаларини барпо этишга катта эътибор қаратилди³.

Мирзачўлни ўзлаштиришнинг иккинчи босқичида, яъни 1961 йилдан бу ерда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга ҳамда уларни ирригация-мелиорация ҳолатда тайёрлашга, пахтачилик совхозлари барпо этилди⁴.

1957 йил 14 декабрда Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Совети қўриқ ерларни ўзлаштиришни янада кучайтириш мақсадида “Мирзачўлдаги Боёвут ва Сардоба массивлари ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар қўриш тўғрисида” ги қарор қабул қилди⁵. Қарорда Боёвут ва Сардоба массивидаги ерларнинг ҳолати ёмонлашганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган бўлиб, бундай ҳолатларни олдини олиш чора - тадбирлари белгилаб берилган эди. Унга

¹ Тоиров Х. Мирзачўлни ўзлаштириш...-Б.15.

² Очилов Н. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация ишлари (1946-1964).-Тошкент: Фан, 1991.-Б.40.

³ Искандаров С., Раҳимбоев Ф. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши.-Тошкент: Ўзбекистон, 1984.-Б.21.

⁴ Искандаров С., Раҳимбоев Ф. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши...-Б.22.

⁵ Аширбоева З.К. XIX аср охири - XX аср ўрталарида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши: Тарих фан. ном. ... дисс.-Тошкент, 2008.-Б.94.

асосан Еттисой коллектори таъмирланди, “Дўстлик”, “Фарҳод” совхозларида янги насос ва дренажлар қурилиши бошланди. Бу ерларда коллектор дренаж тизимларининг қайта қурилиши ва такомиллашуви натижасида Мирзачўлда суғориладиган ерлар ҳолати анча яхшиланди¹. Шу билан бирга, “Главголодностепстрой”, маҳаллий партия, совет ва сув хўжалиги ташкилотлари томонидан Мирзачўлнинг эски суғориладиган зонасида мелиорация, партов ерларни ўзлаштириш, суғориш тизимини яхшилаш бўйича қатор ишларни бажарилганлиги мазкур қарорда эътироф этилди.

Шу йилнинг августида Ўзбекистон КП МК ва республика ҳукумати “Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича келгусидаги ишларни ташкил этиш тўғрисида” ги қарорни қабул қилди. Ушбу қарорга асосан чўлни ўзлаштириш ва суғориш бўйича барча ишлар “Голодностепстрой” тизимида мужассамланди².

Совет маъмурларининг чўлни ўзлаштиришга жиддий эътибор қаратиши ва доимий назорати натижасида бу ердаги кўрик ерларни ўзлаштириш ишлари йилдан-йилга кучайиб борди. Жумладан, 1957 йилда бу ердаги ишларни бажаришга ажратилган маблағ 250 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 1958 йилда у 550 миллион сўмдан иборат бўлди³.

1958-1959 йилларда “Ўзгипроводхоз” лойиҳаси асосида Мирзачўл шаҳарида бешта, Гулистон районининг “Социализм” совхозида 12 та тик кудуқ қурилди. 1960 йили “Социализм” совхозида қурилган 12 та тик кудуқлардан 6 таси ишга туширилди⁴.

1958 йил 14 июнда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан “Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Тожикистон ССРдаги Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштириш соҳасида олиб борилаётган ишларни янада кенгайтириш ва тезлаштириш ҳақида”ги қарорни қабул

¹ Аширбоева З.К. XIX аср охири - XX аср ўрталарида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши...-Б.95.

² Абдунабиев А. Г. По декрету вожда. -Ташкент: Ўзбекистон, 1970.-С.193.

³ Абдунабиев А.Г. Освоение Голодной степи и молодежь: (Краткий исторический очерк).-Ташкент: Госиздат УзССР, 1958.-С.52.

⁴ Ёкубов Х., Умаров А. Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда тик кудуқлардан фойдаланиш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 1961.-№ 6.-Б.16.

килди¹. Унга кўра, Мирзачўлда катта массивларни ўзлаштириш ҳисобига мамлакат пахтачилигининг жуда йирик районини барпо этиш назарда тутилган². Шунингдек, қарорда, 1956-1957 йилларда Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРда чўлларни ўзлаштириш бўйича олиб борилган ишлар ҳамда Тожикистон ССРда Қайроққум сув омбори қурилиши бўйича тадбирлар муваффақиятли якунланганлиги таъкидланди³. Ушбу қарорга асосан суғориладиган ерлар 380 минг гектарга кўпайтирилди. Шу билан бирга кўриқ ерларни ўзлаштириш ишларида айрим камчиликлар ҳам яққол сезиларди. Жумладан, “Бироқ амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ЎзССР, ҚозССР ва ТожССРдаги Мирзачўл, Далварзин ва Самғор чўллари ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича мавжуд қурилиш ташкилотлари уюшқоқ эмас ҳамда мазкур ишларни жадаллаштиришга ва қурилиш қийматини арзонлаштиришга ҳам лаёқатсиздир”⁴. Бундай ҳолатга тушиб қолишга сабаб асосан барча қилиниши керак бўлган режаларни марказдан белгилаб берилиши, маҳаллий ташкилотлар фаолиятига эркинлик берилмаганлигидир.

Юқорида келтирилган топшириқларни бажаришни жадаллаштириш учун КПСС МК ва СССР Министрлар Совети қуйидагиларга қарор қилди:

- 1966 йилга ЎзССР ва ҚозССРдаги Мирзачўлнинг суғориладиган ва ўзлаштириладиган ерлари майдонини 380 минг гектарга ҳамда ТожССР Ленинобод областининг Ўратепа ва Шахристон районларидаги Далварзин ва Самғор чўллари 50 минг гектарга кенгайтириш;

- ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича бош бошқармасининг базасида ЎзССР, ҚозССР ва ТожССРдаги кўрсатилган ишларни бажариш мақсадида уччала республикаларнинг Министрлар Советига уларнинг ҳудудларида ўтказилган ишлар бўйича ҳисобот бериб турувчи Мирзачўлдаги кўриқ ерларни суғориш

¹ Комилов О. Ўзбекистонда суғориш тизими ривожланиши: ютуқ, муаммо ва оқибатлар (1951-1990).- Тошкент: Akademnashr, 2016.-Б.162.

² Берикбоев Р. Мирзачўлнинг истиқболи.-Тошкент: Ўзбекистон КП МК нашр, 1969.-Б.11.

³ Абдунабиев А.Г. Борьба КПСС за увеличение орошаемых земель (на примере Голодной степи).-Ташкент: Узбекистан, 1966.-С.77.

⁴ Сборник решений по сельскому хозяйству.-Москва: Сельхозиздат, 1963.-С.286.

ва ўзлаштириш бўйича бирлашган республикалараро бош бошқармаси (“Главголодностепстрой”)ни ташкил қилиш;

- “Главголодностепстрой” ташкилоти зиммасига ЎзССР ва ҚозССРдаги Мирзачўл қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш, шунингдек, ТожССР Ленинобод области Ўратепа ва Шахристон районларидаги Далварзин ва Самғор чўлларини суғориш ҳамда ўзлаштириш ишлари юклатилди¹.

Мазкур даврда марказ ҳукуматининг кўрсатмасига мувофиқ республикадаги қўриқ ерларда ўзлаштириш тадбирлари олиб борилди ва суғориладиган майдонлар кенгайтирилди. Жумладан, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контрол рақамларида 436 минг га янги суғориладиган ерларни (шу жумладан Мирзачўлда 105 минг га, Марказий Фарғонада 97 минг га) ўзлаштириш ҳамда 1 млн 20 минг га ерда суғориш тармоғини қайта қуриш кўзда тутилди².

1959 йил Мирзачўлда биринчи марта механизациялашган суғориш тизими қурилди, бу тизим ёрдамида ёпиқ қувур сув айиргичлари билан қўриқ ерларни суғориш йўлга қўйилди. Мирзачўлни ва бошқа қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига 1960 йил республиканинг суғориладиган майдони 2474 минг гектарни ташкил этди³.

Етти йиллик (1959-1965 йй.) да Мирзачўлдаги ирригация ишлари янада кенгайди ва у ердаги сув хўжалиги қурилишига маблағ ажратиш йилдан-йилга ортиб борди. Агар 1951-1955 йилларда капитал маблағ ажратиш ўртача йилига 13,5 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 1956-1960 йилларда 31 млн. сўм, 1960-1965 йилларда эса 185 млн. сўмни ташкил қилди. Бундай кўламдаги ирригация қурилиши натижасида 1956 йилдан 1965 йилгача 125700 гектар қўриқ ерлар қишлоқ хўжалик оборотиға киритилди, ундан 22 минг гектари эски зонадаги суғориладиган ерлардир. 1965 йилда қўриқ

¹ Абдунабиев А.Г. Борьба КПСС за увеличение орошаемых земель...-С.77.

² Ўзбекистон Компартиясининг XV съезди.-Тошкент: Ўзбекистон, 1961.-Б.51-52.

³ Насритдинов Қ.М. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация қурилишининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари (1981-1990 йиллар): Тарих фан.номз. ... дисс.- Андижон, 1994.-Б.36.

зонада 11 та совхоз мавжуд бўлиб, унинг 10 таси пахтачилик ва 1 таси узумчилик совхози эди¹.

Юқорининг кўрсатмасига кўра, чўлни ўзлаштириш ишига яна кўпгина миқдордаги техника анжомлари сафарбар қилинди. Жумладан, 1960 йилнинг бошида Мирзачўлни ўзлаштириш мақсадида бу ерга 280 та экскаватор, 270 та скрепер, 297 та бульдозер, 1600 та юк машиналари, 200 та трактор ва катта миқдорда бошқа техника анжомлари жўнатилди. 1960 йилдан 1971 йилгача бўлган давр мобайнида Мирзачўлда 210 минг га кўриқ ерлар суғорилди. Бу ерларда 24 та совхоз, уларнинг 23 таси пахтачилик, 1 таси узум-боғ (садово-виноградный) совхози ташкил этилди. 1971 йилда 142 минг га майдон пахта билан банд қилиниб, умумий пахта етиштириш 253 минг тоннага етди. Пахтанинг давлат режаси 136 фоизга бажарилди. Жами ҳосилнинг 83 фоизи машиналар ёрдамида терилди².

1960 йил 6 январда Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Советининг “Деҳқончилик маданиятини янада ошириш тадбирлари тўғрисида” ги ҳамда 1962 йил 29 декабрда “Мирзачўл ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича биринчи галдаги тадбирлар тўғрисида” ги қарорларида белгиландики, ер ости сувларни камайитириш бўйича кейинги йилларда бажарилган ирригация-мелиорация ишлари ернинг парчаланиб кетиши ва ҳосилдорликни камайишининг олдини олмаганлиги кўрсатилган³. Шунингдек, келтириб этилган қарорларда Мирзачўлдаги мелиоратив ишларнинг тўла йўлга қўйилмаганлиги ва уни биров сустроқ равишда бажарилганлиги, ёпиқ ва тик зовурларнинг ковланиши ишларини бориши ҳам қайд этилди.

Совет ҳокимияти қандай қилиб бўлса ҳам кўриқни ўзлаштириш ва у ердан ҳам ўз эҳтиёжи учун пахта олишни кўзлаган. Шу мақсадда Мирзачўлдаги кўриқ ерларни ўзлаштиришда дастлабки йиллардаёқ химиялаштиришга алоҳида эътибор берилди. Масалан, 1961-1966 йилларда

¹ Игамбердыев Р.С. Из истории борьбы трудящихся Узбекистана за освоение земель Голодной степи: Автореф ... дисс.канд.истор.наук.-Ташкент, 1966.-С.14.

² Тихомиров А. Комплексное освоение Голодной степи // Правда Востока. 1972, 23 февраля.

³ Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. (Очерклар). К.З.-Тошкент: Ўзбекистон, 1972.-Б.275.

пахтачиликда 79520 тонна азот ва 96833 тонна фосфор ишлатилган бўлса, 1971-1975 йилларда 420053 тонна азот ва 356192 тонна фосфор сарфланди¹. Кўриниб турибдики, кимёлаштиришнинг экология ва атроф-муҳитга зарарини билган ва англаган ҳолда совет маъмурлари улардан фойдаланишни кескин орттиришга эришди.

1956 йилдан 1975 йилгача бўлган давр мобайнида Сирдарё вилоятида 125,7 минг га, Жиззах вилоятида 160 минг га янги ерлар суғорилди ва ўзлаштирилди. Айнан шу пайтда Мирзачўлда 5 минг км лоток, 14 минг км ёпиқ горизонтал дрена, 600 км канал, 640 км вертикал дренаж кудуқлари барпо этилди².

Марказнинг қатъий назорати остида ўзлаштириш ҳажми йилдан-йилга ортиб борди. 1966-1975 йиллар давомида фақатгина Сирдарё вилояти бўйича 181,1 минг га ўзлаштирилди ва қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Тўққизинчи беш йиллик якунида Мирзачўлда ирригацион-мелиоратив жиҳатдан тайёрланган янги ерлар 280 минг гектарга яқинни ташкил қилиб, уларнинг баъзиларида 44 та совхоз тузилди³.

1978 йили жами 152,4 минг га (Мирзачўл ерларида) майдондан суғориладиган ерлар 114,5 минг гектар (75,2%) ни, қўриқ ва ташландиқ ерлар 29,7 минг га (19,5%) ни, бошқа ерлар 8,2 минг га (5,3%) ни ташкил қилди⁴. Мазкур ҳудудда энг кўп ўзлаштирилгани иккинчи ва учинчи террасалар, Шўрўзак паст қўриғи бўлиб, унда суғориладиган ерлар жами майдонларнинг шунга мувофиқ равишда 7,6 минг (93,5 %), 47 минг (85,2 %) ва 33,7 минг гектар (89 %) га етди. Ерлардан фойдаланишнинг энг кам коэффиценти Еттисой ва Сардоба пастқам қўриқларида бўлиб, бу ерларда у 1,7 минг (16,8%) ва 5,4 минг гектар (37,7 %) ни ташкил этди. Ўтган 30 йил мобайнида

¹ Эгамқулов К., Қўшманбетов Х. Комплекс химиялаштириш самараси // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.- Тошкент, 1982.-№1.-Б.5.

² Закиров Т. С. Культура земледелия в орошаемых условиях Узбекистана.-Ташкент: Узбекистан, 1979.-С.36.

³ Обламуратов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971-1990 г.г. опыт, уроки и проблемы: Автореф...дисс.док.истор.наук.-Ташкент, 1994.-С.24.

⁴ Фелициант И., Абдуллаев М., Столяров А. Ерлардан юқори самара олиш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.- Тошкент, 1986.-№1.-Б.54.

Мирзачўлда 360 минг га қўриқ ўзлаштирилди, юқори даражада механизациялаштирилган 60 та замонавий совхоз барпо этилди¹.

Мустабид ҳукумат қўриқни ўзлаштириш ишларига республиканинг турли ҳудудларидан турли миллатларга хос бўлган аҳолини мажбурий тарзда қўчирди. Хусусан, Мирзачўлни ўзлаштириш жараёнида мажбурий-оммавий қўчириш, кулоқлаштириш, “комсомол йўлланмаси” билан юбориш натижасида турли этнослар кириб келдилар, лекин уларнинг кўпчилиги ўлканинг экомухитига мослаша олмаганлиги, моддий-хўжалик анъаналарини ўзлаштира олмаганлиги сабабли муқим ўрнашуви юз бермади².

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигидаги мустамлакачиликка асосланган аграр сиёсат негизида Мирзачўлда суғориш иншоотларини барпо этиш жараёни узоқ вақт давом этди. Бу буйруқбозликка асосланган жараённи мустақиллик арафасида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, “1991 йилда фақатгина Мирзачўл районларида 6692 км ёпиқ горизонтал дренаж барпо этилди, 317 км бетон каналлари ва 2094,9 км лоток тармоғи ётқизилди”³. Ҳайриятки, республика ўз эрки ва истиклолини қўлга киритгач, ана шу тартибдаги мустамлакачилик элементлари билан суғорилган мажбуран бажарилиши шарт бўлган буйруқлардан, марказнинг пахта режасини уддалаш бўйича қўйилган мажбуриятларидан тамоман халос бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, XX асрнинг 50-70 йилларида совет ҳукумати Мирзачўлни ўзлаштиришга астойдил киришди. Чунки советлар собиқ Иттифоқнинг пахтачилик эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳаттоки илгари бўш ётган қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга кўрсатма берди ва уларни ҳам пахта майдонларига айлантирди. Натижада пахта етиштириш йилдан-йилга тобора ортиб борди. Бу эса марказнинг пахта яккаҳокимлиги амалиёти негизида махсус режалар билан амалга оширилди. Мазкур чўлнинг ўзлаштирилиши ва уларни пахта майдонларига айланттилиши республикада

¹ Хоназаров Ж. Қўриқ ўрнида бўстон // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 1986.-№7.-Б.53.

² Алибеков У. Мирзачўлни ўзлаштириш экомуаммолари ва этник жараёнлар // “Ўзбекистонда моддий маданият ва этномаданий жараёнлар: замонавийлик ва анъанавийлик” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари.-Термиз, 2011.-Б.41.

³ Обламуратов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971-1990 гг.: Опыт, уроки и проблемы: Автореф...дисс.док.истор.наук.-Ташкент, 1994.-С.25.

пахта яккаҳокимлиги сиёсатини аввалги даврларга нисбатан янада кучайтирди. Мазкур ҳудудни ўзлаштиришга ҳам совет ҳукумати томонидан кўплаб миқдорда капитал маблағлари ажратилди. Янги ўзлаштирилган ерларда эса кўплаб пахтачилик совхозлари барпо этилди.

Мустамлакачилик характеридаги аграр сиёсатга асосан Мирзачўлдаги кўриқ ерларни ўзлаштириш жараёни икки босқичда амалга оширилди, унинг биринчи босқичида ҳудуддаги пахта майдонларини сув билан таъминлаш учун ирригация иншоотлари, жумладан магистрал каналлар, коллектор-дренажлар, ёпиқ горизонтал дренажлар барпо қилинди. Иккинчи босқичда, кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишларини янада жадаллаштириш ҳамда уларни ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлашга ва янги ўзлаштирилган ерларда пахтачилик совхозлари ташкил қилинди. Икала тадбир ҳам собиқ ҳукуматнинг мажбурий тарзда белгилаган ва ишлаб чиққан режаларига мувофиқ тарзда бажарилди.

1.2. Ўзлаштирилган ерларда янги пахтакор туман, совхозларнинг ташкил қилиниши ва марказга пахта етиштириб беришнинг кескин ортиб бориши

Марказнинг пахта яккаҳокимлиги сиёсати моҳиятидан келиб чиқиб, республикада кенг ҳажмда кўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди, сўнгра ўзлаштирилган янги ерлар ўрнида пахтачиликка ихтисослаштирилган янги туман, колхоз ва совхозлар ташкил қилинди. Бу эса ўз навбатида советларнинг амалга оширган аграр соҳадаги мустамлакачилик сиёсатининг мазмун-моҳиятига тўла мос келарди. Мазкур сиёсат натижасида пахта етиштириш учун қулай иқлим ва имкониятга эга бўлган республикадаги дашт ва чўл ҳудуд зоналари йирик пахта майдонларига айлантирилди. Бу тадбирлар совет идоралари томонидан аста-секин кучайтириб ва оммалаштириб борилди. Жумладан, пахта яккаҳокимлиги таъсирида Мирзачўз ҳудудидаги Шўрўзак колхозини коллекторининг чап томони бўйлаб 1951-1953 йилларда 633 га янги ер ўзлаштирилди. Бу ерларнинг аксарият

қисми ботқоқлик, қалин тўқайзорлардан иборат бўлиб, мазкур ўзлаштирилган ҳудудларда Х.Норматов ва Ш.Қўшмуратовларнинг илғор бригадалари гектаридан 30-35 центнердан пахта ҳосили етиштиришга эришди. Ўзлаштирилган ер массиви марказида янги колхоз посёлкаси вужудга келди¹. Ана шу тариқа пахтадан ялпи ҳосил олиш ортиб борди. Бироқ, республикада советларнинг пахта яккахокимлиги сиёсати кескин тарзда авж олди.

1952 йил 26 апрелда ЎзССР Пахтачилик ва Сув хўжалиги вазирликлари “Боёвут-1, 2, 3 ва 4 пахтачилик совхозлари ерларидаги сув хўжалиги қурилиш ишларини ЎзССР сув хўжалиги вазирлиги ихтиёрига ўтказиш тўғрисида” ги буйруқни эълон қилди. Унга кўра, СССР Пахтачилик вазирлигининг 1952 йил 29 мартда эълон қилган “1952 йилда СССР Пахтачилик вазирлиги совхозларида сув хўжалиги қурилиши режасининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги буйруғига асосан “Главводстрой” бошлиғи ва ЎзССР Сув хўжалиги вазири зиммасига Боёвут-1, 2, 3, 4 совхозлари ерларини суғориш бўйича сув хўжалиги қурилиши объектларини реконструкция қилиш тадбирлари ЎзССР Пахтачилик вазирлиги ихтиёрига ўтказилди. Кўриниб турибдики, марказнинг ўз манфаати йўлидаги пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари жиддий тус олди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1952 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон ССР пахтачилик совхозларидаги суғориладиган ерларни кенгайтириш тўғрисида” ги қарорига асосан Республика пахтачилик вазирлигининг пахтачилик совхозлари бўйича бошқармаси 1953 йилнинг 31 январида худди шу ном билан аталувчи махсус буйруқни эълон қилди. Унга асосан пахтачилик совхозларидаги суғориладиган ерлар майдонини 1953-1956 йиллар мобайнида кенгайтириш, қишлоқ хўжалигидаги экишда фойдаланилган 9,1 минг гектар маданий суғориладиган майдонлар ҳажмини

¹ Раззаков А.А. История развития мелиорации орошаемых земель Голодной степи (1917-1967 гг.): Дисс... канд. истор. наук. -Ташкент, 1971.-С.187.

орттириш, қишлоқ хўжалиги оборотида фойдаланилмаётган 10,4 минг гектар ерларни янги суғориш тармоғига киритиш мажбурияти ЎзССР Пахтачилик вазирлигига берилди. Юқоридаги қарорни ижро этиш мақсадида Пахтачилик вазирлигининг пахтачилик совхозлари бўйича бошқармаларга қуйидаги тадбирларни бажаришга кўрсатма берилди ва улар мазкур ташкилотлар томонидан уддаланди:

- ЎзССР Пахтачилик совхозларининг суғориш тармоғида фойдаланилмайдиган ерларни қишлоқ хўжалиги оборотида киритиш ва янги суғориш тизими қуриш бўйича режасини тасдиқлаш.

- Республика Пахтачилик совхозлари бўйича янги ерларни ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлаш режасини тасдиқлаш.

- Мазкур жадвалларда номлари зикр этилган пахтачилик совхозлари директорларига 1953 йилнинг 10 февралига қадар ўрнатилган режага асосан қишлоқ хўжалиги оборотида жалб қилинган суғориладиган участкаларга (карталарга) қарашли ер майдонларида кесишни ташкил қилиш, 1953 йилдаги экиш учун ерларни ўзлаштириш бўйича календарь режа барпо этиш, суғориш тармоғида фойдаланилмаётган ерларни қишлоқ хўжалиги оборотида киритиш топшириғи берилди.

Республиканинг суғориш тармоғида фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириш бўйича 1953-1956 йилларда кўрсатилган майдонлар бўйича ҳар бир ўзлаштиришга мўлжалланган участкаларга бўлинди, белгиланган чоратадбирлар сметаси асосида режалаштириш, ерларни илдиздан тозалаш, тармоқни тозалаш, ер ҳайдаш ишлари уддаланди. Шунингдек, янги суғориш тизими қурилиши бўйича титул рўйхатига мувофиқ тарзда 1953 йил учун иш режаси ўрнатилган совхозлар бўйича сув хўжалигининг капитал маблағлари ҳисобидан бажарилди. Шу билан бирга, Пахтачилик вазирлиги томонидан 1953 йилда сув хўжалиги вазирлигига қуйидаги вазифаларни бажариш мажбурияти юклатилди:

- 1953 йил 1 апрелига қадар Киров магистрал каналининг Малик тармоқларидаги ишларни кенгайтириш, Янги-Нарпай каналида 13 та узел иншоотлари қуриш ва уни Нарпай совхозига бўлиб бериш;

- 1953 йил 1 июнига қадар Қорасув орқали ўтувчи Маргуненко номли канал ерларидаги қурилиш ишларини якунлаш, Ўртоқлик коллекторидаги тозалаш ишларини тўлалигича ниҳоясига етказиш;

- Гулбоғ совхозига хизмат қилувчи Қорақалпоқ коллектори қурилишини тугатиш ва ушбу совхоз ерлари ҳудудида Охунбобоев номли канални тўсиб турувчи узел иншооти барпо этиш;

- Боёвут магистрал канали дамбаси қиялигини мустаҳкамлаш ва унинг ўнг тармоғидаги сувтуширгич¹ни реконструкциядан ўтказиш ва бу ишларни 1953 йилнинг биринчи чорагида бажариш. Мустамлакачилик мазмунидаги топшириқлардан маълум бўлишича мустамлака ҳукумати ўзи қабул қилган қарорларни маҳаллий ташкилотлардан уларнинг ижросини тез-тез назорат қилиб турган. Агарда бу идоралар бу топшириқларни тўла бажармаса уларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланган.

1953 йил 3 январда ЎзССР Пахтачилик вазирлигининг пахтачилик совхозлари бошқармаси томонидан “1953 йилда пахтачилик совхозларида янги суғориш тармоғига ўтиш билан боғлиқ қайта қуриш ишларини ўтказиш тўғрисида” буйруқ эълон қилди. Буйруқда 1952 йил республиканинг кўплаб совхозларида янги суғориш тармоғига ўтиш чора-тадбирлари, унинг ҳолати баён қилинди. Шу билан бирга, 1953 йилнинг 1 январидagi ҳолатга кўра, суғориш тармоғини қайта қуриш участкаларда 37,5 минг га майдонда ўтказилганлиги, ўрнатилган режага мувофиқ у 46 %ни ташкил қилганлиги, бу ишларни Далварзин 1, Гулбоғ, Боёвут - 1, 2 ва ВЛКСМ 30 йиллиги номли пахтачилик совхозларида қониқарли тарзда бажарилганлиги кўрсатиб берилган.

¹ Сувтуширгич- қия тубли каналлардаги сув ҳаракати тезлигини тартибга солиб турадиган гидротехник қурилма.

1953 йилда янги суғориш тизимига ўтиш бўйича ишларни янада кучайтириш мақсадларида жойлардаги пахтачилик совхозларининг директорларига қуйидагича буйруқ берилди:

- Шу йилнинг январь-март ойлари учун мўлжалланган 33,7 минг га майдондаги янги суғориш тизимига ўтиш режасини совхоз директорлари томонидан тасдиқлаш, совхозларнинг суғориладиган участкаларини йириклаштириш ва суғориш тармоғини қайта қуриш билан боғлиқ барча ишларни бажариш режаларини беш кун муддат ичида ишлаб чиқиш ва ҳамма совхозлар бўлимларига етказиш, ўн кун муддат ичида ушбу топшириқларни бажариш, бундан ташқари, бу ишларни ташкил этишнинг аниқ графигини ишлаб чиқиш;

- янги суғориш тизимига ўтиш ишларини бажариш учун мелиорация отрядларини ташкил қилиш ва мазкур ишларга раҳбарликни бевосита бу ишда тажрибаси бўлган малакали мутахассисларга бўлиб бериш.

1953-1956 йилларда республика суғориш тизимида фойдаланилмаётган ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш ҳамда Республика Пахтачилик совхозларидаги янги суғориш тармоғи қурилиши бўйича маълумотларни қуйидаги жадвалдан ҳам билиш мумкин.

1953 йилдан 1955 йилгача совхозлардаги ўзлаштириш ишлари қониқарли даражада олиб борилган. Бироқ, 1956 йил суғориш тармоғида фойдалинилмаётган ерларда ўзлаштириш ишлари амалга оширилмади. Бунга асосий сабаб соҳага капитал маблағларнинг етарли ажратилмаганлиги ҳамда марказнинг буйруқбозлик тадбирларини ҳаддан ҳиёд авж олганлиги бўлди.

Республиканинг пахтачиликка ихтисослашган совхозларида ўзлаштириш ишларининг айнан шу йиллар давомида олиб борилиши қуйидаги жадвалда акс эттирилган (1- жадвал).

**1- жадвал. ЎзССР совхозларида янги суғориш
тармоғи қурилиши (1953-1956 йй.)**

№	Совхозлар номи	Ўзлаштирилган майdonлар га ҳисобида	Йиллар			
			1953	1954	1955	1956
1	8-совхоз	1200	-	-	-	1200
2	Избоскан Норин	5600	-	1700	1700	2200
3	Қизилровот	800	-	300	500	-
4	Гулбоғ	2800	-	-	2800	-
Жами		10400	-	2000	5000	3400

Жадвалда келтирилган рақамлардан маълум бўлишича, янги суғориш тармоғининг қурилиши бўйича тадбирлар тўла ҳолатда уддаланди, 1953 йилга мўлжалланган режалар айнан ўша йилда бажарилмаса-да, улар кейинги йилларда аста-секин бажарилди.

Таъкидлаш жоизки, республика совхозларидаги сув хўжалиги қурилиши бўйича барча тадбирлар марказдан белгилаб берилди. Фикримизча, пахтачиликни ривожлантириш ва таъминлашга қаратилган бу мустамлака руҳидаги тадбирлар Республика Сув ва Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, жойлардаги маҳаллий идоралар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилганида айтиш мумкин бўлар эди. Бироқ, улар аксига олиб бундай истиқболсиз буйруқларини йилдан- йилга кучайтириб борди. Белгиланган топшириқларни ҳаддан зиёд ортиқ даражада бўлиши мазкур тадбирларни уддалашда бир қанча чалкашликлар ва йирик муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Маълумки, совхозларда пахта етиштириш ва суғориш тадбирлари қуйидаги жадвалда акс эттирилди (2-жадвал).

2-жадвал. Ўзбекистон ССР совхозларидаги янги ерларнинг ирригация-мелиорация жиҳатдан тайёрланиши (1953-1955 йй.)

№	Совхозлар номи	Ҳаммаси бўлиб	Йиллар		
			1953	1954	1955
1	8-совхоз (Избоскан тумани)	1200	-	-	1200
2	Норин	5600	1700	1700	2200
3	Қизилровот	800	300	500	-
4	Гулбоғ	2800	-	2800	-
Жами		10400	2000	5000	3400

Келтириб ўтилган рақамлардан маълум бўлишича, 1953-1955 йиллар давомида янги ерларни суғориш ва мелиоратив ҳолатдан тайёрлаш топшириқлари юқоридан ҳар қандай босимлар бўлишига қарамай бажарилган.

1953 йил 23 февралда Ўзбекистон ССР Пахтачилик вазирлигининг пахтачилик совхозлари бўйича бошқармаси “Янги суғориш тармоғига ўтиш ишларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруқни эълон қилди¹. Унда асосан Ўзбекистон ССР Пахтачилик вазирлигининг пахтачилик совхозларида янги суғориш тизимига ўтиш ишларининг бажарилиш ҳолати таҳлил қилинди. Жумладан, ўтган давр мобайнида дастлаб 61,2 минг гектар майдон янги суғориш тизимига ўтказилди, режа бўйича 99,1 минг га яъни 62 %ни ташкил қилди, шу жумладан 1952 йилда 37,9 минг га майдон янги суғориш тизимига ўтказилди. Айниқса, пахтачилик совхозларида мазкур ишларнинг бажарилиши қуйидаги кўрсаткичлардан иборат бўлди. Масалан, суғориш тизимига ўтиш ишлари Далварзин -1 (16 %), Далварзин -3 (31%), Боёвут -1 (46 %), Боёвут -2 (28%), Малик -(20%), Гулбоғ -(17%) ва ВЛКСМ 30 йиллиги номли совхоз (5%) га бажарилди. Суғориш тармоғини қайта қуриш бўйича 4017 минг кубометр ер ишлари бажарилди ёки у режа бўйича 33 % ни ташкил қилди.

Бироқ, кейинги йилларда биргина Далварзин-1 совхозини пахта топшириш режасини тўла урда қолди. Хусусан, “Далварзин-1 пахтачилик совхозини 1954 йилдан 1962 йилгача давлатта пахта топшириш режасини бажара қолди. Яъни, совхоз шу 9 йил ичида давлатга 90116 тонна ўрнига 81664 тонна пахта териб, 8452 тонна пахта қарздор бўлиб қолди”.

Марказ ҳукумати республиканинг барча ҳудудларида пахта экин майдонларини кенгайтириб боришга кўрсатма берди. Ана шу сиёсат таъсирида 1954 йилда Андижон вилоятидаги пахта экин майдонлари 164,7 минг гектарга етказилди (1953 йилда 150 минг гектарни ташкил қилган эди). Вилоятдаги пахта ҳосили 1953 йилда 24 центнерни ташкил қилган бўлса,

¹ Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. (Очерклар).Тўртинчи китоб.-Тошкент: Ўзбекистон, 1974.-Б.128.

1954 йилда эса гектаридан ўртача 28,5 центнергача ҳосил олинди. Беш йил ичида вилоятда 48 минг гектар янги ерлар қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди, унинг 32 минг гектари суғориладиган ерлар ва 16 минг гектари суғориш тизимида фойдаланилмайдиган ерлардан иборат бўлди. Фақатгина 1954 йилнинг ўзида вилоятда 15,9 минг га янги ер ўзлаштирилди¹.

1956 йилда вилоятнинг Бўз тумани колхозларида 654 гектар янги ерлар ўзлаштирилиши лозим эди. Мазкур ишларни амалга ошириш учун Шаҳрихон МТС етарли миқдорда техника жалб этилди. Бироқ, ўтган йилда кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш юзасидан белгиланган режа тўла бажарилмади, ёки Шаҳрихон МТСдаги янги ерларни ўзлаштириш учун ишлайдиган планировка бригадаси режада кўрсатилган 520 гектар ерни ўзлаштиради². Ўзлаштирилган ерларнинг ҳаммаси ҳам экин билан банд қилинмади, 1956 йилда 770 гектар ўзлаштирилган бўлса, шундан 400 гектар ерга экин экилди, холос.

Айнан шу йилдан республиканинг янги ўзлаштирилган ерларида давлат хўжаликлари ташкил этиш жараёни бошланди. Масалан, 1957 йилда “Мирзачўл” давлат хўжалиги тузилди. У кам қувватли жамоа хўжаликларининг ерларида ташкил қилинди. Унинг далалари ўша пайтда 9,5 минг га га етди. Мирзачўлнинг эски суғориш зонасида “Гулистон”, “Социализм”, “Дўстлик” совхозлари тузилиб, уларнинг майдони 20 минг гектардан ортиди³.

1956-1960 йиллар мобайнида азалдан суғориладиган зоналарда “Махтали”, “Победа”, “Большевик”, “Красная звезда”, Ленин номли, “Партия XX съезди”, “Мирзачўл”, “Социализм”, “Гулистон” каби совхозлар ташкил этилди⁴. Ана шу массивларнинг ирригацион-мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Совети “Главголодностепстрой” ташкилоти зиммасига 1958 йил 1 февралигача

¹ Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. (Очерклар). Тўртинчи китоб. -Тошкент: Ўзбекистон, 1974.-Б.129.

² Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. (Очерклар). Тўртинчи китоб... - Б.130.

³ Очиллов Н. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация ишлари (1946-1964).-Тошкент: Фан, 1991.-Б.42.

⁴ Берикбоев Р. Мирзачўлнинг истиқболи.-Тошкент: Ўзбекистон КП МК нашр., 1969.-Б.10.

Еттисой коллектори участкасида 2,0 куб м/с сув сарфига мўлжалланган насос станциясини реконструкция қилиш вазифасини топширди.

Мустамлакачиларнинг пахта яккахокимлиги сиёсати негизида республикадаги совхозлар сони ортиб борди. Жумладан, 1953 йилдан 1959 йилгача республикадаги совхозлар сони 102 тадан 170 тага, шу жумладан пахтакор совхозлар 21 тадан 76 тага етди¹. Республика совхозлари 1959 йилда 1958 йилдагига қараганда 17,8 фоиз кўп пахта етиштирдилар. Давлатга режадан ташқари 44 минг тонна пахта топширилди. Ҳар гектарнинг пахта ҳосили бир йил ичида 2,8 центнер кўпайди².

Мирзачўлнинг марказий қисмида жойлашган “Пахтаорол” совхози ўтган 1956 йилда яхши мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди. Бу совхоз 5250 гектар ерга пахта экиб, гектарига 35 центнердан ҳосил кўтарди. Совхознинг “Коминтерн” номли бўлимида, гектарига 40,2 центнердан ҳосил олинди, бу, совхоз бўйича етиштирилган энг юқори ҳосилдир³.

1957 йили Ўзбекистонда 63 та янги совхозлар ташкил қилинди. Улардан 36 таси пахтачилик, 12 таси қоракўлчилик, 6 таси ғаллачилик, 3 таси гўшт-сутчилик, 3 таси қўйчилик, 3 таси узумчиликка ихтисослашди. Мазкур совхозларга 3 млн. 870 минг гектар ер бириктириб қўйилди. Айнан шу даврда совхозларда трактор, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари сони ортиб борди. Республика Марказий Статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, совхозлардаги пахта териш машиналари сони 1750 тадан 3201 га ортиди⁴. Наманган вилояти совхозларининг янги ўзлаштириш ҳисобидан суғориладиган ерлари миқдори 1958 йилда ҳам ортиб борди. Жумладан, “Найман” совхозидagi ерлар 270 гектарга ҳамда “Гулбоғ” совхози ерлари 300 гектарга ўсди.

¹ Жалилов Ҳ.М., Вакс П.И. Пахтакор совхозлар мақсадга мувофиқ катталикида бўлсин // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 1961.-№1.-Б.2.

² Мясоутов Б., Глиняний В. Пахтакор совхозларда меҳнат ҳақи тўлашнинг янги тартиби // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 1960.-№5.-Б.3.

³ Хусанхўжаева Д. Мўл ҳосил негизи // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 1957.-№8.-Б.14.

⁴ Ризаев Г.Р. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1965 гг.).-Ташкент: Узбекистан, 1967.-С.155.

1959 йил 17 декабрда Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети “Республика колхоз ва совхозларида 1960 йилда пахта етиштиришни ҳамда теримни комплекс механизациялашни янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарор қабул қилди. Қарорда 710 минг гектар ерга ёки пахта майдонининг 52 фоизига чигит квадрат-уялаб экадиган сеялкалар билан экилганлиги ва деярли ҳамма жойда аниқ квадратлар ҳосил қилинганлиги кўрсатилди. Режа сим тартиб чигит экилган майдоннинг салмоғи Наманган вилоятида бутун пахта майдонига нисбатан - 63,5 фоизни, Қашқадарё вилоятида - 62,5 фоизни ташкил қилди, Андижон ва Фарғона - вилоятларида эса у 59 фоиздан ортиқ бўлди.

1960 йил 6 январда Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан “Республика колхоз ва совхозларида деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисида” ги қарор қабул қилинди¹. Ушбу қарорга кўра, Республика қишлоқ хўжалик вазирлиги, вилоят ва туман партия қўмиталари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ва туман ижроия қўмиталарига суғориладиган ер майдонларини кенгайтириб бориш, республикадаги техника экини бўлган пахта майдонларини кенгайтириш, етти йиллик мобайнида барча колхоз ва совхозларда алмашлаб экишни жорий қилиш ҳамда ўзлаштириш вазифалари юклатилди.

1961 йил 25 майда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги “Тошкент вилояти колхоз ва совхозларида янги ва кўриқ ерларни 1961 йил экиши учун тайёрлаш ишларининг бориши тўғрисида” буйруқ эълон қилди. Буйруқда 1961 йилда Тошкент вилояти колхоз ва совхозларида янги ва кўриқ ерларни экишга тайёрлаш бўйича ишлар тўла бажарилмаганлиги таъкидланган. Мазкур йилнинг 20 апрелига қадар бўлган ҳолатга кўра, режа бўйича 18,2 минг гектардан, амалда 12,5 минг га ирригация-мелиорация жиҳатидан

¹ Ризаев Г.Р. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане...-С.157.

тайёрланган. Бу режа бўйича 68 % ни ташкил қилган, 10,3 минг га режалаштирилган ва 9,5 минг га ер шудгор қилинган¹.

Айнан 1961 йилда Андижон вилоят Балиқчи туманидаги “Мингбулок” совхозида ялпи пахта териш 3559,5 тоннани ташкил этди. Ушбу туманга қарашли “Ғалаба” колхозида ҳосилдорликни пасайиши гектаридан 8,3 центнерни ва Орженикидзе колхозида эса ҳар бир гектардан 6 центнерни ташкил қилди. Андижон вилоят колхозлараро советининг 1962 йил 10 мартдаги маълумотларига кўра, бу ерда 5684 га ер комплекс тайёрланди, шу жумладан 4307 га капитал комплекс тайёргарлиги ҳисобидан, 1377 га илгари тайёрланган ерларнинг таъмири ҳисобидан амалга оширилди. Вилоят колхоз, совхозларида 1960 ва 1961 йилларда 8,8 минг га янги ер ўзлаштирилди.

1961-1970 йиллар давомида “Главголодностепстрой” нинг пахтачилик совхозлари сони ҳам ортиб борди. Улар тўғрисида қуйидаги жадвалда батафсилроқ маълумот берилган.

**3-жадвал. “Главголодностепстрой” пахтачилик совхозлари
сонининг ортиб бориши (1961-1970 йй.).**

№	Кўрсаткич	Йиллар									
		1961	1962	1963	1964	1965	1966	1967	1968	1969	1970
1	Совхозлар сони	4	7	9	9	10	13	13	14	19	23
2	Пахта экиладиган майдон минг га	12,3	28,9	38,2	46,4	54,5	64,3	75,4	77,4	91,9	109,4
3	Пахта ҳосилдорлиги ц/га	11,3	10,7	14,2	15,9	14,8	15,9	16,1	14,7	15,8	17,8
4	Пахта ялпи ҳосили минг т.	14,0	31,0	54,6	73,6	80,8	102,1	121,2	113,5	145,2	195,6
5	Республикадаги солиштира ҳажми %	0,4	1,0	1,5	2,0	2,1	2,5	3,2	3,3	3,3	4,1
6	Совхоз секторидаги солиштира ҳажми %	2,2	5,0	6,5	8,5	8,9	10,5	15,1	14,6	14,9	15,4

Жадвалдаги берилган рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, Мирзачўлда пахтачилик совхозлари сони ва уларнинг пахта майдонлари йилдан-йилга кенгайиб борди. Агар, Мирзачўлда 1961 йилда 4 та совхоз

¹ Джалилов Х.М. Экономические проблемы развития хлопководческих совхозов в Узбекистане.-Ташкент: Узбекистан, 1971.-С.38.

ташкил этилган бўлса, 1980 йилда фақат “Главсредазирсовхозстрой” трести системасида 107 совхоз, шу жумладан 73 та пахтачилик, 18 та шоликорлик, 10 та боғ-узумчилик совхозлари ва 6 та бошқа ишлаб чиқариш йўналишидаги совхоз қурилди. Ана шу хўжаликлар 737 минг тонна пахта, 479 минг тонна ғалла, 157 минг тонна мева-сабзавот маҳсулоти, 44 минг тонна сут ва 1,6 минг тонна гўшт етиштириб бердилар. Қўриқдаги совхозлар ялпи маҳсулотининг умумий қиймати 375 млн. сўмдан ошиб кетди. Ўнинчи беш йилликда улар пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни 40 % миқдорида ўстирдилар¹.

“Мингбулоқ” совхозлари 1963 йилда давлатга, 5 минг тонна биринчи нав қўриқ ўлканинг пахтасини топширди, бу билан у пахта тайёрлаш режасини 113,06 фоиз бажарди. Совхозда 1963 йили 1962 йилдагидан 1000 тонна ортиқ пахта машинада терилди. Техникадан фойдаланиш натижасида “Мингбулоқ” совхозлари 1960-1963 йилларда қўшимча равишда 2250 гектар кумлоқ ва шўр ерларни ўзлаштирди ҳамда Марказий Фарғонада жуда катта майдонни ўзлаштирган хўжаликка айланди. Совхоз 3405 гектар ерда фақат ғўза етиштирди².

1965 йилда Ўзбекистондаги пахтачилик совхозлари сони 99 тани, 1970 йилда 143 та, 1975 йилда 234 та, 1980 йилда 335 та, 1981 йилда 349 та, 1982 йилда 356 тани ташкил этди³.

1966 йилдан 1973 йилгача бўлган даврда Фарғона вилоятида 25666 гектар янги ер ўзлаштирилди. Янги ўзлаштирилган ерларда йирик хўжаликларга асос солинди. Масалан, 1969 йилда “Пахтакор” пахтачилик совхозлари ташкил этилди. Охунбобоев тумани меҳнаткашлари 1958 га янги ерни ўзлаштирди ва уни қишлоқ хўжалиги оборотига киритди. Ўзлаштирилган ерлар ўрнида эса 22 та пахтачилик совхозлари, 11 та маккажўхори бригадаси ташкил қилинди. Бу ерларни ўзлаштиришга собиқ

¹ Искандаров С.И., Рахимбоев Ф.М. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши. -Тошкент: Ўзбекистон, 1984.-Б.21.

² Наринский К.М. Яшнаган қўриқ. (Ўзбекистон меҳнаткашларининг Марказий Фарғонадаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тажрибалари). -Тошкент: Ўзбекистон, 1965.-Б.37.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1982 г. Стат.ежегод. -Ташкент: Узбекистан, 1983.-С.141.

комсомол ташкилоти аъзоларидан 167 нафари юборилди. Уларнинг 35 нафарини механизаторлар ташкил этди.

1966-1970 йилларда “Голодностепстрой” совхозлари 678 минг тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирди. Мустамлакачиликка асосланган аграр сиёсат таъсирида пахта етиштириш йилдан-йилга ўсиб борди. Фақатгина 1970 йилнинг ўзида Мирзачўл қўриқ ерлари совет ҳукуматига 195,6 минг тонна пахта хом ашёси тайёрлаб берди, ундан 152,7 минг тоннаси ёки 78 фоизи машиналар билан терилди¹.

1975 йил 26 мартда Наманган вилояти ижроия қўмитаси кенгаши “Вилоят колхоз ва совхозларида фойдаланилаётган ерларни келгусида яхшилаш чора-тадбирлари ва ҳолати тўғрисида” қарор қабул қилди. Ушбу қарорда тўққизинчи беш йилликнинг ўтган 4 йилида Наманган вилоятининг колхоз ва совхозларида суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш бўйича маълум ишлар бажарилганлиги таъкидланди. Вилоятда 15,1 минг га ер ўзлаштирилди ва 29,9 минг га капитал режалаштирилди, 73,0 минг га майдонни сув билан таъминлаш ишлари яхшиланди.

Марказий Фарғонанинг Охунбобоев туманидаги “Солижонобод” совхози 1978 йилда ташкил этилди, унга 720 гектар экин майдони биркичиб берилди. Чўлқуварлар ўшанда 600 гектар ерда пахта етиштиришди. Илк даврдан бошлаб совхоз чўлқуварлари “Ферганаводстрой” трести билан ҳамкорликда янги ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалиги оборотига киритишга бел боғлаб, астойдил иш бошлади. Чўл бағридан йил сайин кўпроқ янги ерлар тортиб олинди. 1978 йилда 276 гектар, 1979 йилда 468 гектар, 1980 йилда 184 гектар ва 1981 йилда 214 гектар янги ер ўзлаштирилиб, совхоз чўлқуварлари тасарруфига киритилди. Ёш хўжаликнинг умумий экин майдони 1862 гектарга етди. Шундан 900 гектар ерда пахта етиштирилди².

¹ Джалилов Х.М. Экономические проблемы развития хлопководческих совхозов в Узбекистане.-Ташкент: Узбекистан, 1971.-37.

² Тўхтасинов И. Бунёдкорлар.-Тошкент: Ўзбекистон, 1989.-Б.38.

Республикадаги ўзлаштирилган ҳудудларда кўплаб туман ва шаҳарларга ҳам асос солинди. Масалан, “фақат Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида Пахтакор, Ильич, Дўстлик, Арнасой, Оқолтин, Меҳнатобод ва бошқа туманлар билан бир қаторда Янгиер, Гулистон, Пахтакор, Дўстлик, Ширин, Бахт каби шаҳарлар пайдо бўлди”¹. Юқорида келтириб ўтилганидек, советларнинг республикадаги ўзлаштириш ишлари ва совхозлар ташкил этишга уринишлари замирида фақатгина ўзининг манфаати ётарди, холос. Ҳукумат республикада кўпроқ пахта етиштиришни ва уни марказга ташиб кетишни устамонлик билан режалаштирди ва амалга оширди.

Хулоса ўрнида бобга таъкидлаб ўтиш жоизки, совет ҳукуматининг аграр соҳадаги мустамлакачилик сиёсати мазмунидан келиб чиққан ҳолда республикадаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга юқоридан кўрсатма берилди. Ана шу тарзда илгари бўш ётган қумлоқ чўлларга ҳужум бошланди ва у аста-секин кучайтириб борилди. Таъкидлаш жоизки, Мирзачўл, Марказий Фарғона ва бошқа даштларини ўзлаштириш аслини олганда совет мустамлакачиларнинг пахта яккаҳокимлиги сиёсати таъсирида амалга оширилди. Шу билан бирга, ўзлаштириш тадбирларига мустабид ҳукуматнинг кўчириш сиёсатига асосан республиканинг турли ҳудудларидан оилалар мажбурий тарзда кўчириб келтирилди. Баъзи бир оилалар бу ерларда муқим яшай олмади. Чунки чўлларнинг яшаш шароитлари чидаб бўлмас даражада эди. Бу ҳудудларда энг асосийси ичимлик суви муаммоси мавжуд эди. Ана шу сабабдан кўпгина оилалар келган жойларига қайтиб кетишга мажбур бўлган. Бироқ собиқ ҳукумат мансабдор шахслари бундай ҳолатлар содир бўлганда уларга нисбатан мустамлакачилик характеридаги маъмурий жазо чораларини қўллашган. Буни мустамлака руҳи билан йўғрилган “Чўл ўзлаштириш-мардлар иши” қабилидаги инсонларни мажбурий меҳнатга ундовчи шиорлардан ҳам пайқаш мумкин. Ўзлаштирилган майдонлар пахтачиликни ривожланиши ва ундан янада кўпроқ ҳосил олишга имкон

¹ Тўхтасинов И. Бунёдкорлар...-Б.39.

берди. Чўллар ўзлаштирилган ҳудудларда пахтачилик туман ва совхозлари барпо этилди. Натижада пахтадан ҳосил олиш йилдан-йилга ортиб борди. Лекин етиштирилган пахтанинг аксарияти марказга ташиб кетилди.

II БОБ. МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА БЎЗ ЕРЛАРИНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ВА СУҒОРИЛИШИ

2.1. Марказий Фарғона бўз ерларининг ўзлаштирилиши ва суғорилиши

Совет мустабид ҳукумати республикада пахта етиштиришни янада тараққий эттириш ва кўпайтириш мақсадларида суғорма деҳқончилик учун қулай ҳудуд ҳисобланган Фарғона водийсидаги ўзлаштириш ишларига ҳам муҳим эътибор қаратди. Бу тадбир совет маъмурларининг асосий вазифалари жумласига кирди. Негаки, улар қандай қилиб бўлса ҳам пахта етиштиришга эришиши ва етиштирилган ҳосилни Иттифоқ хирмониغا олиб кетишдан иборат мақсадни қўйган эди. Шу сабабли доимий кун тартибидаги масала ўзлаштириш ишларига бағишланди. Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда бешинчи беш йиллик (1951-1955 йй.) режасида ҳамда 1952 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон КП (б)нинг IX съезди резолюцияларида пахтачиликни янада юксалтириш, шунингдек, Фарғона водийсидаги суғориладиган ерлар ҳажмини кенгайтириш ва кўриқ ерларни ўзлаштириш долзарб вазифалар сифатида таъкидлаб ўтилди.

Бундай саъй-ҳаракатлар эса ўз навбатида пахта яккаҳокимлиги сиёсатининг янада авж олганлигини исботлайди. Янги ерлардан самарали фойдаланиш ва суғорма деҳқончилиқни шакллантириш вазифалари КПСС XIX съездининг СССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича 1951-1955 йиллар учун қабул қилинган Директиваларда ҳам белгилаб берилган эди¹. Мазкур съезднинг резолюциясида ирригация иншоотларини қуриш ва суғориладиган ерларни кенгайтириш масалалари кўзда тутилди. Жумладан, "... Сирдарё, Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари ҳавзаларида, Марказий Фарғона, Кубань-Егорлик системаси, Ўртатўқай сув омбори ва Катта Чу

¹ Ғофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1974.-Б.25.

каналы районларида суғориш системалари қуриш ишлари давом эттирилсин”¹.

Совет ҳукуматининг мустамлакачиликка асосланган кўчириш сиёсатида асосан чўлга республиканинг турли ҳудудларидан оилалар ва колхозчилар кўчириб келтирилди. Хусусан, 1951 йилдан Марказий Фарғонанинг йирик жамоа хўжаликлари ташаббуси билан бир қанча хўжаликлараро каналлар қазилди. Чўлни забт этиб унинг ўрнида ташкил қилинган янги ерларга бошқа туманлардан колхозчилар кўчириб келтирилди. Масалан, 1952 йилда Марказий Фарғонанинг янги ерларига Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидан 2060 колхоз оиласи кўчириб келтирилган².

Юқоридаги белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳамда республика ҳукумати томонидан 1952 йил 16 сентябрда кенгайтирилган қарор қабул қилинган ва унда Марказий Фарғона ерларининг биринчи ва иккинчи навбатини ўзлаштириш мақсадида ҳамда суғориш бўйича амалий вазифалар белгилаб берилган эди. Уларда, шу билан бирга, Марказий Фарғонадаги чўл ерларининг 1953 йилдан 1958 йилга қадар 36 000 га ҳажмида ўзлаштирилиши қайд этилди³.

Марказ ҳукуматининг чўлга ҳужум тадбирлари аста-секин оммалашиб борди. Хусусан, 1952 йил 16 ноябрдаги Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига асосан Марказий Фарғонанинг 65 000 гектар янги ва қўриқ ерларни суғориш ишлари кўриб чиқилди. Шу жумладан, Ёзёвон ва Қизил Тигин чўллари - 30000 га, Улуғнор канали тизими бўйича - 6 000 га, Охунбобоев номли канал тизими бўйича - 14 000 га, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги 15000 га майдонни эгаллаган қўриқ ва қаровсиз ётган ерларни ташкил этди.

1953 йилдан бошлаб ушбу топшириқларни тўлалигича амалга ошириш мақсадида “Ферганаводстрой” қурилиш трести ташкил этилди. Марказий

¹ КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари. III қисм. -Тошкент: Ўздавнашр, 1954.-Б.635.

² Очилов Н. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация ишлари...-Б.29.

³ Гофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари... -Б.26.

Фарғона массивларида сув хўжалиги қурилиши соҳасида 35876 га майдонда ирригация-мелиорация тайёргарлиги ишлари ниҳоясига етказилди. Бу массивларда суғориш ва зовур тармоқлари, кўплаб гидротехник иншоотлар барпо этилди.

Бундан ташқари, кўриқ ерларни ўзлаштиришда “Андижанводстрой” ҳамда “Наманганводстрой” трестларининг ўрни ҳам катта бўлди. Улар ўзлаштириш тадбирларини амалга оширди. Марказий Фарғонанинг ялпи майдони 532,4 минг га, шу жумладан соф ҳолдаги майдон 363,7 минг га, шундан 1953 йилнинг 1 январига қадар 190,5 минг гектар ўзлаштирилди¹.

1953 йил 1 январидан ўзлаштиришга эга кўриқ ва бўз ерлар умумий майдони 173,2 минг га ташкил қилиб, Фарғона вилояти бўйича - 89,6 минг га, Андижон вилояти бўйича - 83,6 га. 1953 йилдан 1963 йилнинг 1 январига қадар бўлган давр мобайнида Марказий Фарғона ерлари 33281 га ҳажмида тайёрланди ҳамда колхоз ва совхозлар ўзлаштирувчиларига берилди, 26632 га банд қилинди. Марказий Фарғонанинг Фарғона вилоятида ерларни ўзлаштиришга 11 кўчма колхоз ва 10 совхоз ҳамда 64 та кўчма бригада қатнашувчилари қабул қилинди. Марказий Фарғона комплекс схемасида суғориш ва ўзлаштириш бўйича барча ишларнинг аниқланган қиймати 393,8 млн. сўм, шу жумладан, 162,7 млн. сўм сув хўжалиги қурилишига, ундан 24 млн. сўм трестни таъминлашга, қишлоқ хўжалиги қурилишига 158,1 млн. сўм ва ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши билан боғлиқ қурилишга 78,9 млн. сўм маблағ ажратилди². Фарғона вилоятидаги ўзлаштирилиши лозим бўлган ерлар майдони 89,6 минг га ни ташкил қилиб, вилоят бўйича 1953 йилдан 1962 йилнинг 1 декабрига қадар 26630 га янги ва кўриқ ерлар ўзлаштирилди, унинг 16800 гектарини колхозлар (ундан 7212 гектари қайта ташкил қилинган колхозлар томонидан), 9830 гектари мавжуд совхозлар кучи билан амалга оширилди.

¹ Гофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари...-Б.28.

² Гофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари...-Б.29.

Совет ҳукумати томонидан республикадаги янги ерларни ўзлаштириш чора-тадбирлари ҳамда суғориш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир кўплаб қарорлар, фармойишлар чиқарилди. 1953 йил 20 октябрда Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети “Ўзбекистон ССРда суғориладиган ерларни кенгайтириш ва сув хўжалигининг бундан кейинги ривожланиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Наманган вилоятидаги суғориладиган майдонларнинг 1953 йилдаги ўсиши 38,0 минг гектарни ташкил этди. Бу майдонларнинг Марказий Фарғона ерлари бўйича ўсиши 28,0 минг гектарни ташкил қилиб, ундан 25,0 минг гектари 1953-1955 йиллардаги экиш учун тайёрланди¹. Айнан 1953-1955 йиллар давомида Тўрақўрғон туманининг Гулбоғ совхозидagi кўрик ерлар 1,6 минг гектарни, янги ерлар 6,3 минг гектарни, Дамкўл янги суғориш массивида эса янги ерлар 3,5 минг гектарни ташкил қилди.

Совет маъмурларининг ўзлаштиришга жиддий эътибор қаратиши натижасида пахта майдонлари кенгайди. Жумладан, 1953-1955 йилларда Фарғона вилоятида ер ўзлаштириш жадаллашиб, ҳар йили 4000-4500 гектар янги ер очилди ва оборотга киритилди. Бунинг натижасида пахта етиштириш ҳажми ортди. Жумладан, 1956 йил вилоятда жами 354 минг 455 тонна пахта етиштирилган бўлса, 1958 йилда 396 минг 552 тонна пахта етиштирилди².

1953-1960 йиллар мобайнида Андижон вилояти колхозларининг режа бўйича бадал маблағи 38,8 млн. сўм миқдорида бўлиб, ҳақиқатан Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича 26,8 млн. сўм (янги пулда) киритилди ёки 69,2 % га бажарилди³.

1954 йил 9 февралда СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Қўмитаси томонидан “Ўзбекистон ССРда 1954-1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида” ги қарорида Фарғона водийсида 142 минг гектар майдонни, шу жумладан, 116 минг гектар майдонни Марказий

¹ Гофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари... -Б.30.

² Рустамов Х. Ҳаёт саҳифалари.-Тошкент: Меҳнат, 1986.-Б.26.

³ Гофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари... -Б.31.

Фарғонада ўзлаштириш ва суғориш кўзда тутилди. Марказий Фарғонанинг Бўз тумани бўйича 1950 йилдан 1954 йилгача 2803 гектар ер ўзлаштирилди, 1953-1958 йилларда 2960 гектар янги ер ўзлаштирилди.

Марказий Фарғона чўлқуварлари 1954 йилдан 1960 йилгача бўлган даврда 23 100 гектарни, 1960 йилдан 1965 йилгача эса 17400 гектардан кўпроқ янги ер ўзлаштиради¹. Шу билан бирга ўзлаштирилган ерларда пахтачиликка ихтисослашган Бўз, Ёзёвон ва Задарё (ҳозирги Мингбулоқ) каби туманлар ташкил этилди.

1954-1962 йиллар давомида Марказий Фарғонанинг Андижон ва Фарғона вилоятларидаги янги ерларни ирригацион-мелиоратив жиҳатдан тайёрланиши ва ўзлаштирилган ерларни янгидан банд қилиниши ҳақидаги маълумотларни қуйидаги жадваллардан ҳам билиш мумкин (га ҳисобида)².

1954 - 1960 йиллар мобайнида Андижон вилоятида янги ерларнинг ирригация-мелиорация жиҳатдан тайёрланиши советларнинг пахта яккаҳокимлиги сиёсати измида йилдан-йилга ўсиб борди ва ўзлаштирилган ерларни қайтадан экин билан банд қилиниши ҳам ортди. 1957 йилда эса ўзлаштирилган майдонларни экин билан қайтадан банд қилиш аввалги йилларга нисбатан бир оз қисқариб борди.

1954-1961 йиллар мобайнида Марказий Фарғонада 21,9 минг гектар ер тайёрланди ва 17,5 минг га янги ер ўзлаштирилди, ёки йилига ўртача миқдорда тахминан 3 минг гектар тайёрланди ва ўзлаштирилди.

Рақамлардан маълум бўлишича, Фарғона вилоятида янги ерларни ирригацион-мелиоратив тайёрланиши кўрсатилган йилларда турлича бўлган. 1956 ва 1957 йилларда янги ерларни тайёрлаш даражаси қисман пасайиб борди, бироқ кейинги йилларда бу соҳада ўсиш бўлди. Ўзлаштирилган ерларнинг қайтадан экин билан банд қилиниши эса йилдан-йилга ортиб борди.

¹ Ғофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари... -Б.32.

² Ўша жойда.

Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1957 йил 26 февралдаги қарорига мувофиқ мазкур йилнинг 18 мартада Ўз ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш ишларини кучайтириш тўғрисида” ги буйруқ эълон қилди. Унда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва хўжалик жихатидан ўзлаштириш режаси 1959-1961 йиллар даврида - 80,0 минг гектар қўриқ ва бўз ерларни ташкил қилиб, жумладан, у Фарғона вилоятида - 32,0 минг га, Андижон вилоятида - 28,0 минг га, Наманган вилоятида - 20,0 минг га дан иборат бўлди. Баъзи бир ҳолларда чўл ерларини ўзлаштириш режаси бўйича қилинадиган ишлар тўла бажарилмай қолди. Мазкур жараёнлар бўйича тўлароқ маълумотларга қуйидаги жадвал орқали эга бўлиш мумкин.

1958 йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра, Марказий Фарғонанинг Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида 48828 га ҳажмида майдон тайёрланди, 1958 йилда 1959 йилнинг экиши учун тайёрланган ерлар режаси 13077 га ни ташкил қилиб, амалда эса мазкур режа 2326 га га бажарилди. Ушбу режанинг вилоятларда жойлашган массивлар бўйича бажарилиши 4-жадвал ўз аксини топган.

1958 йилнинг 18 мартада ЎзССР Министрлар Совети “1958 йилнинг ҳосили учун янги ва қўриқ (партов) ерларни ўзлаштириш тўғрисида” ги қарорни қабул қилди. 1958 йил ҳосили учун янги ва қўриқ ерларни ўзлаштиришга тайёрлаш ЎзССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП МКнинг 1957 йил 23 сентябрдаги белгиланган қарорига асосан 36,2 минг гектар ҳажмда тайёрланганлиги қайд этилди. 1958 йил 10 мартадаги ҳолатга кўра фақат 25 минг гектар ирригацион-мелиоратив тайёрланди, режа бўйича 29 минг гектар майдондан 17,2 минг гектар майдоннинг режасини тузиш ўтказилди¹.

1958 йил 21 апрелда Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Совети “Марказий Фарғонадаги янги ва қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш

¹ Очерки истории Ферганской области в советский период.-Ташкент: Фан, 1980.-С.104.

бўйича ишларни кучайтириш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди¹. Унда, ўтган 1957 йилдаги режа бўйича 12,6 минг гектар майдон ЎзССР Сув хўжалик вазирлиги ва унинг “Ферганаводстрой” қурилиш трести томонидан ирригация-мелиоратив жиҳатдан тайёрланиши керак эди, аслида у 4,6 минг га ҳажмида тайёрланганлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, қарорда Наманган вилоятидаги Охунбобоев номли канал тизими бўйича экиш учун тайёрланган 5000 га ерлардан фойдаланилмаганлиги, Фарғона вилоятининг Оқолтин массиви бўйича тайёрланган 3,5 минг га ерлардан экишда фақат 1,2 минг гектаридан фойдаланилганлиги ҳам эътироф этилди².

1959 йил 23 январда Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “1959 йилда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш иши дастурини тасдиқлаш ҳақида” ги қарорни қабул қилди. Унга кўра, Марказий Фарғона массивидаги суғориладиган ерларнинг ўсиши миқдори 13000 га ни ташкил қилган эди, амалда эса у 10230 га уддаланди.

1959 йил 3 августда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети “1959-1965 йилларда Марказий Фарғонада кўрик ва бўз ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида” ги қарорни қабул қилди³. Ушбу қарор асосида Марказий Фарғона ҳудудларини сув билан таъминлашни янада кўпайтириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Қишлоқ хўжалиги оборотига 36 минг гектардан ортиқроқ бўз ва қаровсиз ётган ташландиқ ерлар киритилди, 250 км дан ортиқроқ автомобиль йўллари қурилди, 22 та колхоз посёлкалари барпо қилинди”⁴.

Шу йилнинг 9 ноябрида юқоридаги қарорга мувофиқ Андижон вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси “1959-1965 йилларда Марказий Фарғонада

¹ Наринский К.М. Яшнаган кўрик. (Ўзбекистон меҳнаткашларининг Марказий Фарғонадаги кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш тажрибалари).- Тошкент: Ўзбекистон, 1965.-Б.40.

² Ўша жойда.

³ Очерки истории Ферганской области в советский период.-Ташкент: Фан, 1980.-С.105.

⁴ Ўша жойда.

кўриқ ва бўз ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида” буйруқ чиқариб¹, Марказий Фарғонада 1959-1965 йиллар мобайнида янги ўзлаштириладиган 24,8 га ерларни тайёрлаш юзасидан бажариладиган топшириқларни туманлар бўйича тасдиқлади.

1960 йил 18 мартда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги “1960 йилда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш иши дастури тўғрисида” буйруқ эълон қилди. Унда ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг Марказий Фарғона объектларини капитал маблағ билан таъминлаш режаси ўрнатилди ҳамда 1960 йилда “Ферганаводстрой” трестини 111,151 минг сўм миқдоридаги маблағ билан таъминланиши белгиланди.

1961 йил 12 майда Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг “Марказий Фарғонада кўриқ ерларни ўзлаштиришнинг бориши тўғрисида” ги қарор қабул қилди. Ушбу қарорда ЎзССР Сув ва қишлоқ хўжалик вазирликлари, Андижон вилоят партия ва ижроия қўмиталари томонидан Марказий Фарғона ерларидаги суғориш бўйича барча ишларни 1965 йилда тугатиш таклифи маъқулланди.

ЎзССР Сув хўжалиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Республика Министрлар Совети ҳузуридаги совхозлар бош бошқармаси, Андижон ва Фарғона вилоятлар партия қўмиталари ижроқўмлари томонидан таклиф қилинган 1961-1965 - йилларда Марказий Фарғона ерларининг 122,2 минг га майдонидаги қолган барча кўриқ ерларни суғориш ундан Фарғона вилояти бўйича - 67,8 минг га ва Андижон вилояти бўйича - 54,4 минг га ерларидаги умумий ишларни якунлаш тўғрисидаги қарори маъқулланди. 1961-1966 йилларда 132,2 минг га, ундан Андижон вилояти бўйича - 60,7 минг га, Фарғона вилояти бўйича - 71,5 минг га ер қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди. 1961-1965 йилларда Марказий Фарғона ерларини қишлоқ хўжалиги жиҳатидан ўзлаштириш ва ирригация-мелиорация ҳолатида тайёрлаш режасини қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин:

¹ Гофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари... -Б.33.

**4-жадвал. Марказий Фарғона ерларини қишлоқ хўжалиги
жиҳатидан ўзлаштириш ва ирригация-мелиорация ҳолатидан
тайёрланиши (1961-1965 йй.) (минг гектарда).**

№	Вилоят номи	Ирригация-мелиорация жиҳатдан тайёрланди	Қишлоқ хўжалиги жиҳатдан ўзлаштирилди	Хўжалик жиҳатдан ўзлаштирилган колхозлар	Хўжалик жиҳатдан ўзлаштирилган совхозлар
1	Фарғона	67,8	54,5	28,7	25,8
2	Андижон	54,4	46,5	31,5	15,0
Жами		122,2	101,0	60,2	40,8

Жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибдики, бутун Марказий Фарғона ерлари ирригация-мелиорация жиҳатидан жами 122,2 минг га ҳажмида тайёрланди. Бу аввалги йилларга нисбатан ерларни ирригация-мелиорация жиҳатдан тайёрлаш соҳасида анча юқори кўрсаткични ташкил қилади. Қишлоқ хўжалик ўзлаштириш ишлари 1961-1965 йилларда жами 101 минг га ни ташкил этиб, ундан 60,2 минг га колхозларга, шунингдек, 40,8 га хўжалик жиҳатдан ўзлаштирилган совхозларга тўғри келган.

1962 йил 9 майдаги Ўзбекистон КП Андижон вилоят кўмитаси ва вилоят ижроия кўмитасининг “1962 йилда Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича қурилиш иши дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан “Андижанводстрой” трести қурилиш ташкилотларининг тўғридан-тўғри шартномаси бўйича “Узсельхозтехника” нинг туман бўлимлари ва совхозлар томонидан Марказий Фарғонанинг 2250 га янги ерларини тайёрлаши керак эди. Ундан 2000 га “Узсельхозтехника” нинг туман бўлимлари ҳамда 250 га колхозлар томонидан ўзлаштирилиши кўзда тутилганди. Бироқ, “Узсельхозтехника” нинг бирлашган туман бўлимлари 1962 йилнинг тўққиз ойи давомида 889 га янги ерларни тайёрлади ёки йиллик режага кўра у 44,5 %ни ташкил қилди. Кейинги ойларда эса янги ерларни тайёрлаш ишлари жонланди. Шу йилнинг ўн бир ойида эса

“Узсельхозтехника” нинг туман бўлимлари 1455,2 га янги ерларни тайёрлади, яъни йиллик режа бўйича у 72,8 % ни ташкил қилди.

Марказнинг буйруғига асосан Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ишларида корейс миллатига мансуб аҳоли ҳам иштирок этди. Жумладан, “Бўз туманида 249 нафардан иборат корейс миллатига мансуб 76 оила яшаган бўлиб, уларнинг барчаси собиқ Иттифоқ даврида, яъни XX асрнинг 40-50 йилларида Узоқ Шарқдан Ўрта Осиёга депортация қилинган корейслар авлодларидир. Ўша давр фақатгина туманда 2 нафар корейс колхозлари мавжуд бўлиб, улар Марказий Фарғона кўриқ ва бўз ерларини ўзлаштиришда фаол иштирок этган”¹.

1964 йил 12 майда Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Советининг “Марказий Фарғона кўриқ ерларидаги суғориш ва ўзлаштиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 1964 йилдан 1970 йилга қадар 54 минг га майдон ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрланди ва бу даврда 58,1 минг га қишлоқ хўжалик жиҳатидан ўзлаштирилди. У қуйидаги жадвалда тўла акс эттирилган.

5-жадвал. Марказий Фарғонанинг Андижон ва Фарғона вилоятларида ерларни ирригация-мелиорация ҳолатидан тайёрланиши ва қишлоқ хўжалик жиҳатидан ўзлаштирилиши (1964-1970 йй.).

№	Номи	Ирригация-мелиорация ҳолатдан тайёрлаш минг га		Қишлоқ хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш минг га		1970 йилдан кейин	
		1964-1965 йй.	1966-1970 йй.	1964-1965 йй.	1966-1970 йй.	Ирригация-мелиорация ҳолатдан тайёрлаш	Қишлоқ хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш
1	Андижон вилояти	7,7	19,0	11,2	16,3	21,5	25,3
2	Фарғона вилояти	8,3	19,0	13,0	17,6	25,3	28,6
Жами		16,0	38,0	24,2	33,9	46,8	53,9

¹ Низамов К. Знать родной язык // Андижанская правда. 2001, 8 мая.

Жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибдики, 1964-1970 йиллар давомида бутун Марказий Фарғона бўйича жами 54,0 минг га ер ирригация-мелиорация томондан тайёрланган бўлса, шундан 26,7 минг га Андижон вилоятига ва 27,3 минг га эса Фарғона вилоятига тўғри келади. Кўрсатилган йилларда Марказий Фарғона бўйича жами 58,1 минг га майдон қишлоқ хўжалик жиҳатидан ўзлаштирилиб, ундан 27,5 минг га Андижон вилоятига ҳамда 30,6 минг га Фарғона вилоятига тўғри келган.

1964 йил 21 сентябрдаги Ўзбекистон КП МКнинг “1965 йилда янги ва бўз ерларни экишга тайёрлаш тўғрисида” ги қарорига асосан Фарғона вилоят қишлоқ ижроия қўмитаси томонидан 1965 йилда вилоятдаги янги ерларни экиш давридаги ўсиб бориши - 6093 га, ундан 984 гектари 1964 йилда қишлоқ хўжалиги оборотидаги маблағлардан тушган, 3958 га Марказий Фарғонада экишга қадар тайёрланган ва янги тайёрлаш ишлари - 1151 га ҳажмидаги режа белгиланди. 1964 йилнинг 20 октябрдаги ҳолатига кўра, 279,3 га майдон 1965 йилдаги янги ва бўз ерлардаги экиш ишлари учун ўзлаштирувчилар томонидан тайёрланди ва 2200 га ерда иш мавжудлиги аниқланди. Иккинчи ярим йилликда 713 га янги ерлар тайёрланди ва топширилди ва 275 га илгари тайёрланган ерларда қайта режалаштириш ишлари ўтказилди.

1966 йил Бўз туманида 5590 га ўзлаштириладиган ерлар мавжуд бўлган. Жумладан, охириги беш йил давомида туманда 2880 га янги ерлар ўзлаштирилди ва бу ишларга 6 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Агар шу йил туманда 678 га ер ўзлаштирилиши керак бўлган бўлса, бу соҳадаги режа 98 % бажарилди. “Мингбулоқ” ва “ХХ партия съезди” каби хўжаликларда ер ўзлаштириш режаси 86-74 % бажарилди.

Советларнинг пахта яккаҳоқимлиги сиёсати негизида Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш кучайиб борди. Жумладан, 1973 йил 15 ноябрда ЎзССР Министрлар Совети Президиумининг “Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Советининг Марказий Фарғона ҳудудида ерларни қишлоқ хўжалик жиҳатидан ўзлаштириш, суғориш, янги хўжаликларни

ташқил қилиш ва комплекс қурилиш масалалари бўйича қарори бажарилишининг бориши тўғрисида”ги мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур мажлис баённомасида Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Советининг 1971 йил 1 ноябрдаги “Марказий Фарғона ерларини суғориш ва қишлоқ хўжалик жихатдан ўзлаштиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан ишлаб-чиқариш объектлари, турар-жой ва маданий-маиший аҳамиятга молик объектлар қурилиши ишлари бажарилганлиги ва 1972-1973 йилларга режалаштирилган далаларни ҳимоя қилиш учун ўрмон ихотасини барпо қилиш топшириғининг бажарилиши таҳлил қилинган.

Фарғона водийсидаги қўриқ ерларни ўзлаштириш мақсадида уччала вилоятда ташқил этилган “Ферганаводстрой”, “Андижанводстрой” ва “Наманганводстрой” трестлари ҳамда вилоятларнинг суғориш бошқармалари 19 йил (1953-1972 йиллар) мобайнида, яъни янги ерларни ўзлаштиришни ташқил эта бошлаган даврдан эътиборан, катта ҳажмда ер қазиш, бетон ва темир-бетон ишларини амалга оширди. Жумладан, 20 йил мобайнида Водийнинг уч вилоятида, жами 1634039 кубометр ҳажмида, унинг 650526 кубометри Фарғона вилоятига, 833821 кубометр - Андижон вилоятига, 149692 кубометр - Наманган вилоятига тўғри келди¹.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Фарғона ерларида ҳам ирригация-мелиорация ишларининг юқори даражада тараққий эттирилиши асосан советларнинг пахта яккахокимлиги сиёсати билан боғлиқ эди. Унинг таъсирида водийдаги ўзлаштириш ишлари айнан 1953 йилдан авж олди. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун давлат бюджетидан ҳамда колхозларнинг бўлинмас жамғармасидан капитал маблағлар ажратиш йилдан-йилга ортиб борди. Бироқ, бу ҳудудлардаги янги ерларнинг ноилмий асосларда ўзлаштирилиши ва уларнинг ўрнида йирик пахта майдонларининг барпо этилиши, пахтадан ҳосил олишни кўпайтириш учун захарли кимёвий моддалардан фойдаланилиши натижасида экология ва атроф-муҳитнинг бузилишига олиб келди. Энг ачинарли томони шундаки, кўплаб

¹ Гофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари...-Б.49.

пахтачиликка ихтисослашган туман ва совхозларда пахта етиштиришнинг ортиши водийда ҳам марказнинг пахта яккаҳоқимлиги амалиётини янада кучайтириб юборди.

2.2. Янги ерларни ўзлаштириш жараёнида республикадаги суғориладиган ерларнинг мелиорацияланиш даражаси ва ҳолати

Совет даврида пахтачиликни ривожлантириш мақсадида ерларнинг унумдорлиги ва сифатини яхшилаб бориш билан бир қаторда мелиоратив ишларнинг техник салоҳиятини оширишга ҳам катта эътибор берилди. Бу тадбирлар ҳам тўла мустамлакачиликка асосланган пахта яккаҳоқимлиги сиёсати негизида амалга оширилди. Пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган бу тадбирлар, айниқса кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш жараёнида янада авж олди.

1959 йил 22 январида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан “1958 йилда Сув хўжалиги қурилиши ва ўзлаштириш режасининг бажарилиши ҳамда мазкур ишларнинг 1959 йилдаги режаси тўғрисида” ги №40-сонли қарор қабул қилинди. Ушбу қарорда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда “Главголодностепстрой” ташкилоти томонидан капитал қурилишнинг умумий режаси, шунингдек, 1958 йилнинг асосий вазифаси ҳисобланган янги ва кўриқ ерларни тайёрлаш режаси ҳам бажарилмаганлиги қайд қилинди. Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 17 минг гектардан фақат 14,5 минг гектари тайёрланди. “Главголодностепстрой” кўриб чиқилган режа бўйича 10 минг гектарни тўлалигича тайёрламади ва бир гектар ҳам топширилмади.

Шу билан бирга, айнан XX асрнинг 50-йиллари ўрталаридан бошлаб мелиорация ишларини механизациялаш йўлга қўйилган бўлиб, 1955-1960 йиллар мазкур тармоқда 26 та машина ва механизмлар бўлган бўлса, 1966-1970 йиллар - 41 та, 1971-1975 йиллар - 183 та, 1976-1980 йиллар - 311 та,

1981-1985 йиллар - 346 тадан иборат бўлди. Сув йўқотилиши учун йиллик бажариладиган ишларнинг самараси 1965 йили 0,48 дан 1984 йили то 0,62 кўрсаткичга етди¹.

Республикада янги ва кўриқ ерларни экишга тайёрлаш борасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қилади:

1. ЎзССР Давлат режа комитети, ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги, ЎзССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва “Главголодностепстрой”, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети томонидан ишлаб чиқилган ҳисобга олиш таклифи ва республика вилоятларининг халқ хўжалигини ривожлантириш бўйича тасдиқланган режаси қабул қилиш, шунингдек, 1959 йилда суғориладиган 46,5 минг гектар ер капитал маблағлари ҳисобидан, ундан 27,2 минг гектари эса 1959 йилда экиш учун вилоятлар бўйича бажарувчилар ўртасида тақсимлаш;

2. 1959 йилда экиш учун янги ва кўриқ ерларни материал-техник таъминоти билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ечиш мажбурияти ЎзССР давлат режа комитети, ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги ва ЎзССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги зиммасига юклатилди;

3. 1959 йилда экиш учун 50 минг гектардан кам бўлмаган ҳолда янги ва кўриқ ерларни тайёрлаш мажбурияти вилоят партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва вилоят ижроия комитетлари, туман партия ва ижроия комитетлари зиммасига мазкур масала бўйича зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Марказнинг бевосита кўрсатмасига мувофиқ республикадаги суғориладиган ерларда мавжуд бўлган шўрланишни ювиш тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, “ерларни шўрини ювиш учун ишлатилган сувнинг миқдори камайишига эришилди. Фан-техника ютуқларидан фойдаланиб, илғор технологиялар жорий этилди. Қарийб бир миллион

¹ Хамраев Н. Водные ресурсы Узбекистана: их настоящее и будущее // Сельское хозяйство Узбекистана.- Ташкент, 1986.-№8.-С.36.

гектардан ортиқ ерларда очик ва ёпик ҳамда мувофиқлаштирилган дренаж усуллари қўлланилди”¹.

Мустабид совет ҳукумати республикадаги янги ерларни ўзлаштиришга ва уларни кишлок хўжалиги оборотига киритишга астойдил ҳаракат қилди. Чунки, совет маъмурлари ва амалдорлари ҳамиша Иттифок хирмонини бойитишга ҳамда унга қайғуришга мослашиб қолган эди. Бу билан улар нафақат собик ҳукумат эҳтиёжини, балки Европадаги бошқа давлатларнинг тўқимачилик эҳтиёжларини кондиришга уринди. Шу мақсадда, ҳар йили ўзлаштириш ва суғориш тадбирларига доир кўплаб қарорлар қабул қилинди. Бундай қарорлар жумласига марказ раҳнамолигида 1950-1980 йиллар оралиғида республикада қабул қилинган ва бевосита қўриқ ерларни ўзлаштириш, суғориш ва мелиорациясини яхшилашга йўналтирилган тадбирларни киритиш мумкин. Унга кўра, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда “Главголодностепстрой” ташкилоти томонидан капитал қурилишнинг умумий режаси, 1958 йилнинг асосий вазифаси ҳисобланган янги ва қўриқ ерларни тайёрлаш режасининг бажарилиш ҳолати таҳлил қилинди. Қарор матнида, Республика Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган 17 минг гектардан 14,5 минг гектари тайёрланганлиги эътироф этилди.

Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Советининг 1960 йил 6 январда “Дехқончилик маданиятини янада ошириш тадбирлари тўғрисида” ги ва 1962 йил 29 декабрда “Мирзачўл ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича биринчи галдаги тадбирлар тўғрисида” ги қарорларида белгиландики, ер ости сувларни камайитириш бўйича кейинги йилларда бажарилган ирригация-мелиорация ишлари ернинг парчаланиб кетиши ва ҳосилдорликни камайишини олдини ололмаган². Юқорида келтириб этилган қарорларда Мирзачўлдаги мелиоратив ишларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва жуда суст равишда бажарилганлиги, ёпик ва тик

¹ Повышать отдачу поливного гектара // Правда Востока. 1986, 19 декабря.

² Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. (Очерклар). К.3.-Тошкент: Ўзбекистон, 1972.-Б.275.

зовурларнинг қовланиши ишларини ҳам талаб даражасида эмаслиги Ўз КП МК ва ЎзССР Министрлар Совети томонидан қайд этилди.

1960 йил 13 апрелда ЎзССР Министрлар Совети “1960 йилда экиш учун янги ва қўриқ ерларни тайёрлашнинг бориши тўғрисида” ги қарорни қабул қилди. Унда, республиканинг колхоз ва совхозларида 1960 йилдаги экиш учун янги ва қўриқ ерларни тайёрлаш ишлари қуйидаги ҳолатда амалга оширилди. Жумладан, “Шу йилнинг 1 апрель ҳолати бўйича 64,9 минг гектардан 38,6 минг гектар тайёрланди ёки 59,4 %. Қўриқ ва янги ерларни тайёрлаш режаси Фарғона вилоятида - 41,2 % га, Андижонда - 43,1 % га, Тошкентда - 47,8 % га ва Хоразмда 29 % га бажарилди”¹. ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги 24,1 минг гектардан 9,8 минг гектар тайёрлади, “Главголодностепстрой” эса 10,0 минг гектардан 4,12 минг гектарни ўзлаштирди.

1970 йил 16 июлда КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Министрлар Совети “Мелиорация тизимларидан ҳамда суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида” қарорни қабул қилди. Унда 1969 йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида 275 минг гектар суғориладиган ҳамда 71 минг гектар захи қочирилган ердан, хусусан Ўзбекистонда эса 40 минг гектар суғориладиган ердан унумли фойдаланилмаганлиги қайд этилган².

Ана шу мустамлакачилик зуғуми таъсирида тўққизинчи беш йиллик (1971-1975 йй.) даврида Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 511 минг га суғориладиган ер ўзлаштирилди, 50 та янги совхоз ташкил этилди, 545 минг га майдондаги ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 205 минг га ерларнинг капитал планировкаси ўтказилди³. Янги ўзлаштирилган ерларда асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил қилинди. 1975 йил республикада 5013,3 минг тонна пахта етиштирилиб, иттифоқ хирмониға

¹ Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. (Очерклар). К.1... -Б.276.

² КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорлари. Т.10.1969-1971.-Тошкент:Ўзбекистон, 1986.-Б.299.

³ Халиков И. Борьба трудящихся республик Средней Азии за орошение крупных целинных массивов.- Ташкент: Фан, 1982.-С.37.

топширилган¹. Маълум бўлишича, советларнинг ўзлаштириш ва ерларга ишлов бериш тадбирларидан кўзлаган мақсади биринчи навбатда пахтачиликни тараққий эттиришга йўналтирилган. Бу эса қишлоқ хўжалигида ҳукмрон бўлган мустамлакачилик элементларини тўла ўзида мужассамлаштирган марказнинг аграр сиёсати билан узвий боғлиқ эди.

1972 йил 2 октябрида КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг “Кўриқ ва суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш ва ерларнинг мелиорацияси бўйича ишларни келгусида кучайтириш тўғрисида”² ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Совети шу йил 16 ноябрда қарор қабул қилди. Унга кўра, республикада янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб бориш, йирик гидротехник объектлар қуриш ва уларни сув билан таъминлашни кўпайтириш ва амалдаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, келгусида пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун шароит яратиш белгиланди. Бироқ, суғориладиган майдонларнинг аксарият қисмига турли хил навлардаги пахта экилди.

Ўнинчи беш йилликда (1976-1980 йй.) юқоридан ЎзССР Сув хўжалиги вазирлигининг фаолиятига доир аниқ йўналиш белгилаб берилди. Унга кўра, янгидан суғориладиган 219 минг га ерни ўзлаштириш ва уни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш, 464,1 минг га майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шу жумладан, 189,8 минг га тик дренаж, 171,0 минг га ётиқ дренаж, 279,1 минг га капитал планировка қилиш, 235 минг га майдонда суғориш тармоғини қайта қуришни амалга ошириш, шу билан бирга, 56 минг га ерларни қайта қуриш бўйича комплекс ишларни ўтказиш, Андижон, Қоровултепа, Қўрғонтепа, Зомин, Қоратепа, Чортоқ, Эскиер ва Дехқонобод сув омборлари, Катта Наманган, Паркент ва Шеробод канали ўнг тармоғи, Туямўйин гидроузелининг биринчи навбати қурилишини якунлаш вазибалари топширилди. Бунинг учун 3121,95 млн. сўм ва 2337,4 млн. сўм

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. Стат.ежегод.-Ташкент: Узбекистан, 1986.-С.161.

² Совет Ўзбекистони. 1972, 30 октябрь.

(қурилиш-монтаж ишлари учун) капитал маблағларни ўзлаштириш кўриб чиқилди¹.

1976 йил 15 июлдаги КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг “1976-1980 йилларда ерларни мелиорациялаш режаси ва мелиорацияланган ерлардан фойдаланишни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан сув хўжалиги қурилиши учун капитал маблағлар ҳажмини ва суғориладиган ерларни амалга киритиш ва мелиорацияланган ерларда ўсимликшунослик маҳсулотлари асосий турларини етиштириш ҳамда мелиорацияланган ерлардан тўла фойдаланиш бўйича қўйилган топшириқлар бажарилишини таъминлаш собиқ СССР Сув ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирликларига юклатилди. Мазкур беш йилликда ерларнинг мелиорацияси учун ажратилган давлат капитал маблағлари ҳажми 33,7 млрд. сўмга бажарилди ёки у 94 % ни ташкил этди². Совет Иттифоқи бўйича 610 минг га майдондаги суғориладиган ерлар амалга киритилмади. Масалан, ЎзССР да беш йил давомида 58000 га суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетди³.

1976-1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий вазифаларида “Ўзбекистонда 462 минг гектар ерни суғориш ва 1,5 миллион гектар яйловга сув чиқариш ишларини амалга ошириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилаш”⁴ белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, совет ҳукумати ўрганилган даврда кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш ва уларнинг ўрнида йирик пахта майдонларини барпо этишга астойдил ҳаракат қилди. Чунки уларнинг асл мақсад-муддаоси айнан ўша даврда марказ мустамлакаси ва асосий пахта базасига айлантирилган республикада пахта етиштиришни янада жадаллаштиришга эътибор қаратди. Шу сабабли янги ўзлаштирилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун кўп миқдорда капитал

¹ Собрание партийно-хозяйственного актива Узбекистана, посвященное XXV съезду КПСС // Правда Востока. 1976, 15 июля.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. Стат.ежегод.-Ташкент: Узбекистан, 1986.-С.163.

³ Ўша жойда.

⁴ КПСС XXV съездининг материаллари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1976.-Б.308.

маблағлар сарф қилинди. Минераллашган сувлардан адир ҳудудларидаги пахта майдонларини суғоришда фойдаланилиши шўрланган ерлар ҳажмини кенгайтириб юборди. Бироқ, марказнинг “ғамхўрлиги” ёрдамида шўрбосган ерларни ювиш тадбирлари амалга оширилди. Бироқ, мазкур барча ҳаракатлар фақат Иттифоқ хирмонини пахта хомашёси билан доимий таъминлашга йўналтирилди. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, совет маъмурларининг буйруғи ва кўрсатмаси билан олиб борилган бу суғориш саъй-ҳаракатлари аксарият ҳолларда илмий асосланмаган тартибда амалга оширилди, бунинг натижасида эса кўплаб суғориладиган ерлар муомаладан чиқиб кетди.

III БОБ. СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ КЕНГАЙИШИ ВА ОРОЛ ФОЖИАСИ

3.1. Орол денгизи қуришининг келиб чиқиши сабаблари

Ўзбекистонда, қолаверса Фарғона водийсида совет ҳокимиятининг янги ерларни кенг кўламда ўзлаштириши, унинг асосида ирригация-мелиорация соҳасини жадал ривожлантириб бориши, сув захираларидан ноўрин фойдаланилиши оқибатида бир қанча экологик хавф-хатарлар, жиддий муаммолар келиб чиқди. Айниқса марказга пахта етиштириб беришни кўпайтириш мақсадида янги ерларнинг кўплаб ҳажмда ўзлаштирилиши, каналлар қазилиши, шунингдек, насос станциялари ҳамда сув омборларининг барпо этилиши охир оқибатда Орол муаммосини келтириб чиқарди. Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислон Каримов мазкур муаммога қуйидагича изоҳ берди: “Собиқ иттифоқ даврида табиатни бўйсундириш шиори остида амалга оширилган улкан тадбирлар натижасида, табиатимизга ўнглаб бўлмас зарар етди. Бир вақтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол денгизи қуриб бормокда. Ўтган қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 баравар камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб кетди. Натижада Орол денгизи флораси ва фауна мавжуд бўлиши учун шароит қолмади. Орол денгизи қуриб қолишига сабаб бўлган Марказий Осиёнинг қон томирлари дея таъриф бериладиган Амударё ва Сирдарёга ўнлаб сув омборлари, сунъий сув иншоотларининг қурилиши сабаб бўлгани ҳеч кимга сир эмас”¹.

У яна ўз фикрида давом этиб, Орол денгизи минтақасида вужудга келган экологик фожиага тегишли баҳо берди: “Орол муаммоси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 65-сессиясида “Минг йиллик ривожланиш дастури” доирасида қилган маърузасидан. 2010 йил 20-22 сентябрь // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь.-№184 (5099).

Қорақалпоғистон АССР, умуман Ўзбекистон, бутун Ўрта Осиё региони фожиасига айланди”¹.

Дарҳақиқат, танглик ҳолатига тушишидан аввал Орол денгизи дунёдаги йирик кўллардан бири ҳисобланиб, кўлами жихатидан Каспий денгизи, Американинг шимолидаги Юкори кўл, Африкадаги Виктория-Пьянц кўлларида кийин тўртинчи ўринда турган. Сатҳи 6658 кв.км, сувнинг ҳажми 1022,6 куб.км, ўртача чуқурлиги 16 метр, энг чуқур жойи 68 метрни ташкил қилган.

Тарихий манбаларга кўра, Орол денгизи бундан ўттиз беш минг йил илгари Турон пасттекислигида пайдо бўлган. Уни биринчи маротаба араб ёзувчиси Ибн Рустам (920) Орол денгизи деб атаган эди².

Орол муаммоси собиқ совет ҳукуматининг нореал “тажрибаси” ни тўғридан-тўғри оқибати бўлиб, 1929 йилда шахсан Сталиннинг топшириғи билан муҳандис Зиновьев бошчилигида бир гуруҳ сув хўжалиги ходимлари Ўзбекистонга келиб, ўз хулосаларига кўра кўпроқ пахта етиштириш ва Орол денгизини қуришиб бўлса ҳам эришиш лозимлигини таъкидлашади ва улар келажакда қуриган Орол денгизи ўрнида пахта ва шоли етиштиришни мўлжаллашади³. Оролбўйи иқлими ўзгаришига Орол денгизи қуришининг салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳеч кимга сир эмас⁴. Ушбу фожиани етилишига ва келиб чиқишига бир қанча сабаблар мавжуддир. Бир гуруҳ мутахассислар ва тадқиқотчиларнинг фикрича, Орол муаммоси келиб чиқишига қуйидаги келтирилган омиллар сабаб бўлган:

- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш стратегиясини нотўғри танлангани. Бу омилнинг ҳудуд табиатига, хўжалигига ва ижтимоий муносабатларига узлуксиз чўзилган салбий таъсири;

- тупроқнинг механик таркиби гидрогеологик ва геоморфологик шароитлар ҳисобга олинмаганлиги;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Тошкент: Ўзбекистон, 2011.-Б.156.

²Орол мадад сўрайди // Э.Ю.Юсупов, С.О.Азимов, З.М.Акрамов ва бошқ.; Тўпловчи М.Тенглашев.-Тошкент: Мехнат, 1987.-Б.141.

³Абдуллаев А.Н. Пахта яққаҳоқимлиги: оқибат ва сабоқлар (1917-1991 й.й.).-Тошкент: Истиқлол, 2006.-Б.93.

⁴http://www.zerkalo21.uz/ekologiya/gde_vi_volni_bilogo_morya.mgr / Где вы, волны бывшего море?

- суғориш ва гидротехник иншоот тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш сифатининг паст даражадалиги;
- қабул қилинган суғориш меъёрларида тупроқ ва қишлоқ хўжалик ўсимликларининг ўзига хос кўп хусусиятлари ҳисобга олинмаганлиги¹;
- сув талаб қиладиган ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожлантирилиши ва жойлаштирилиши;
- қишлоқ хўжалигида сувни энг кўп талаб қиладиган экинларни, айниқса, пахта ва шולי экин майдонларининг кенгайтирилиши;
- ҳосилдорлиги паст, суғориш қийин бўлган янги экин майдонларини очиш ва суғориш ишлари сифатига эътибор бермаслик;
- суғориш тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш ишларининг сифатсиз бажарилиши;
- суғориш меъёрларини жойни, иқлим шароитларини ҳисобга олмасдан, юқори ҳосилдорликка эришиш мақсадида нотўғри белгилаш;
- минтақани иқтисодий ривожлантиришда атроф-муҳитга салбий таъсир этиши мумкин бўлган жараёнларни илмий асосланмаганлиги².

1950 йилда Орол ҳавзасида (бу Ўрта Осиёнинг анчагина қисмини эгаллайди) 2,9 миллион гектар ер суғорилган. 80-йилларга келиб суғориладиган майдонлар икки баравардан кўпроқ ошиб, 7 миллион гектарга етди. Бу ерларда жами пахтанинг тахминан 95 фоизи, шолининг 40 фоизга яқини етиштирилди³. Шунингдек, Орол минтақасидаги суғориладиган ерлар собиқ Иттифокқа 25 фоиз сабзавот ва полиз экинлари, 32 фоиз мева ва узум етиштириб берган⁴.

“Средазгипроводхлопок” тўплаган маълумотлар кўрсатадики, Орол денгизининг ҳажми 1950 йилда 1059 км³, 1960 йилда 1095 км³ бўлган. 1970 йилда денгизнинг ҳажми 1960 йилга нисбатан 74 км³ га камайган ва атиги

¹Собиров Ў.А. Оролбўйи минтақасининг экологик муаммолари ва унинг оқибатлари//Ekologiya xabaromasi.-Тошкент, 2008.-№1.-Б.30.

² Султонов П.С., Аҳмедов Б.П. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асослари-Тошкент: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, “ЎАЖБНТ” Маркази, 2004.-Б.120.

³ Котляков В. Денгизни кутқариш мумкинми? // Совет Ўзбекистони, 1988 йил 15 апрель.

⁴Ахунов А. Проблемы преодоления торможения в развитии научно-технического прогресса сельского хозяйства Узбекистана.-Ташкент: Ўзбекистон, 1990.-С.60.

985 км³ ни ташкил этган¹. Бунга асосий сабаб Амударё ва Сирдарёдан кишлоқ хўжалик экинларини суғоришга ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига сув олишнинг ортганлигидир.

Орол денгизининг умумий майдони 1961 йилгача ороллардан ташқари 66085,6 км² ни, энг туби эса роппа-роса 69 метрни ташкил қилган². 1960-йилларгача Орол денгизининг сатҳи нисбатан барқарор бўлган. Амударё ва Сирдарёнинг йиллик оқиб келидаган суви (йилига – 54 куб.км.) ва атмосфера ёғинлари (йилига – 9 куб.км), денгиз юзасидан буғланиш натижасида йўқотиладиган сувнинг ўрнини қоплар эди. Кейинги ўн йилликларда саноатнинг ўсиши ва суғориладиган ерларнинг кенгайтирилиши ҳисобига сувни истеъмол қилиш ортиб борди, ундан ташқари бир қатор йилларда қурғоқчилик бўлиши дарё сувларининг Орол денгизига қуйилишини аста-секин камайиши охир-оқибатда унинг қуйилишини бутунлай тўхтатишга олиб келди³.

60-йилларнинг бошидан бошлаб суғориладиган майдонлар ва дарё сувларини бошқа мақсадлар учун олиш тез ошиб бориши муносабати билан Орол денгизига сув қуйилиши кескин камайди. У 1970 йили 35,2 куб километрга, 1980 йилда 10 куб километрга камайган. 1986 йили Амударё ва Сирдарё сувлари денгизга мутлақо етиб бормай қолди. 1987 йил апрелида Орол денгизи бўйича ҳукумат комиссияси тузилиб, унга раис этиб Ю.А. Израэль тайинланди. Комиссия денгизни қуришини олдини олишга доир тадбирлар ишлаб чиқди. Бироқ, улар тўла маънода амалга оширилмади. Натижада, у таъкидлаб ўтганидек, 15-20 йилдан кейин денгиз дастлабки майдонидан 6-7 мартаба кичиклашган аччиқ-шўркўллар тўдасига айланди⁴.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб совет ҳукуматининг Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидаги янги ерларни кенг кўламда ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратгани, бу жараён дарё сувини қўшимча равишда тортиб олишни

¹ Раҳимбоев Ф. Суғоришда қўшимча сув манбаларидан фойдаланиш.-Тошкент: Ўзбекистон, 1983.-Б.42.

² Акрамов З.М., Рафиқов А.А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря.-Ташкент: Мехнат, 1989.-С.35.

³ http://uz.wikipedia.org/wiki/Orol_dengizi

⁴ Федоров Р. Денгизга нажот // Совет Ўзбекистони, 1988 йил 14 сентябрь.

талаб қилган. Бундан ташқари, республикада пахтачилик билан бир қаторда шоличилик ҳам юқори даражада ривожлантирилди. Биргина Қорақалпоғистон АССРнинг ўзида ўзлаштирилган янги ерларнинг 9 минг гектар ерида 1975 йилда шоли етиштирилди¹.

60-йилларнинг бошидан ирригация массивлари учун кўп миқдорда сув олиниши ва табиий сув танқислиги сабабли Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимларида сув ҳажми аста-секин камайиб борди. 1911-1960 йилларда иккала дарё Орол денгизига қуядиган сувнинг ўртача миқдори 52 км³, 1971-1980 йилларда 16,6, 1981-1985 йилларда 4,2 км³ ни ташкил қилди².

Экин майдонларининг назоратсиз суғорилиши, ерларни оммавий суръатларда ўзлаштирилиши, яхши мелиорация қилинмаган майдонларда пахтани етиштирилиши экологик муаммо бўлган ерларнинг шўрланишига олиб келди. Муттасил пахта миқдорини кўпайтириш, экин майдонларини ўта шўрланиши, минерал ўғит ва заҳарли кимёвий воситаларнинг аёвсиз қўлланиши атроф-муҳитга, сув манбаларига, айниқса, одамлар саломатлигига салбий таъсир этди. Ўйламасдан, режасиз ва илмий кўрсатмаларга амал қилмасдан табиатдан фойдаланиш, маҳаллий ички имкониятларни менсимаслик усулида иш олиб борилиб, маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви тазйиқига мувофиқ чўллар, қир-адирлар ва бошқа нобоп ерлар ўзлаштирилиб, Орол ҳавзасида суғориладиган ерлар майдони 6,9 млн.гектарни ташкил этди³.

Янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш пухта ишлаб чиқилган илмий режаларга асосан олиб борилмади. Жумладан, 1971–1985 даври оралиғида 4,4 млн. гектар ерни суғориш учун Тўқтўқул, Норак, Туямўйин, Чорвоқ ва Андижон сув омборларининг қурилиши жараёнини тугатилиши ҳамда бу сув омборларига тўпланган Амударё ва Сирдарё сувларини суғориладиган ерларда тежаб сарф қилиш кўзда тутилди. Бунинг натижасида эса Орол денгизига қуйиладиган сув кескин равишда камайди ва денгиз суви 5–6 метр

¹Абдурахмонова Т. Замонамиз ирригацияси: Ўзбекистон ирригациясининг бугуни ва эртаси.-Тошкент: Ўзбекистон, 1976. –Б.5.

²Эгамбердиев Р., Эшчанов Р. Экология асослари.-Тошкент: ZAR QALAM, 2004.-Б.196.

³Абдуллаев А.Н. Пахта яккахокимлиги: оқибат ва сабоқлар... –Б.105.

пасайиб, унинг сатҳи қискарди. Шунингдек, денгиз сувининг шўрлиги 11 фоиздан 16 фоизгача ортди. Дехқончилик соҳасини ривожлантириш ҳам экстенсив усулда олиб борилди, бу эса ўз навбатида сув захираларининг исроф бўлишига олиб келди. Юқорида йўл қўйилган камчиликлар ва хатоликлар оқибатида Орол муаммоси юзага келди. Бунинг натижасида эса Оролбўйи ҳудудларида турли хил касалликларга чалиниш хавфи ҳам кенгайиб борди. Орол нафақат сув танқислиги муаммосига олиб келмади. Унинг шиддатли қисқариб бориши иқлим ўзгаришига, айниқса Хоразм ва Бухоро вилоятлари, бундан ташқари Қорақалпоғистонда тирик мавжудотларнинг кескин камайиб кетишига ҳам олиб келди¹.

Маълумки, янги ерларнинг ўзлаштирилиши жараёнида кўп миқдорда суғориш суви талаб қилинади. Совет даврида сув хўжалиги идоралари бунинг учун сувни аямасдан сарфлади. Суғориладиган экин майдони кенгайиб борган сари сув сарфи ҳам кўпайиб борди. Масалан, биргина Ўзбекистоннинг ўзида 1975-1985 йилларда қарийб 1 млн гектар янги ер ўзлаштирилди. Бошқа республикаларда ҳам улкан майдонлар ўзлаштирилди. Натижада икки буюк дарёнинг суви каналлар ва суғориш тармоқларига бўлиниб, Орол денгизига етиб бормай қолди.

1988 йил Орол денгизи ҳавзасида “Орол-88” комплекс экспедицияси фаолият кўрсатиб, унинг таркибида экологлар, гидрологлар ва журналистлар мавжуд эди. Улар асосан Орол куриб борганлиги натижасида экологик муҳитнинг оғирлашганлиги туфайли пайдо бўлган сиёсий, истисодий социал-демографик ва маданий оқибатларни тадқиқ қилди. Мазкур экспедиция аъзолари шу йил 17 сентябрда Тошкентга ташриф буюрди. Каналларда сув исроф бўлишини ўрганиш “Орол-88” экспедициясининг муҳим вазифаларидан бирига айланди². Экспедиция Чоржўйдан Туямўйингача Амударё бўйлаб борадиган якка хўжаликларга ва колхозларга сув чиқариб

¹ Обламуратов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971-1990 гг. Опыт, уроки и проблемы: Автореф. дисс. ... докт. ист. наук.-Ташкент, 1994.-С.26.

² Совет Ўзбекистони, 1988 йил 20 сентябрь

берган 20 дан ортиқ яширин насос аниқланди. Бу исрофгарчилик манбаини тугатишга ёрдамлашилди.

ЎзССР Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, 80-йиллар охирларида халқ хўжалигини эҳтиёжлари учун сув олиш имконият даражасидан анча ортиб кетди. Жумладан “Суғориш манбаларидан 102 км³ сув олишга рухсат берилган бир пайтда 1988 йилда бу кўрсаткич 120 км³ дан зиёдни ташкил қилди. Бу айрим жойларда сувдан такрор фойдаланиш оқибатида дарё сувининг минераллашувининг ошишига, Оролбўйидаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келди. Бугунги кунда Орол денгизидagi сув сатҳи 2 барабардан кўп камайиб, 1960 йилдагига нисбатан 13 м пасайдики, бу ушбу регионда жиддий экологик талафотларга сабаб бўлди”¹.

1985-1990 йилларда Орол денгизининг қуриб қолган туби 26 минг км² га чўзилган. Шу майдоннинг учдан икки қисми шўрхок, тузли, қум ва шўр ерларга айланган. Ана шу майдонлардан йилига 65 миллион тоннага яқин қум ва чанг зарралари тарқалмоқда.

3.2. Орол фожиасининг ижтимоий-иқтисодий ва экологик оқибатлари

Мустабид ҳукумат республикада қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ривожлантириш мақсадида кўплаб тадбирларни амалга оширди. Ана шу мақсадда республикада илгари бўш ётган қўриқ ва бўз ерлар кенг кўламда ўзлаштирилди. Бу амалий ҳаракатлар ўз навбатида марказнинг пахта яккаҳокимлик деб ном олган сиёсати асосида амалга оширилди. Натижада республикадаги экологик ҳолат издан чиқди, атроф-муҳит ифлосланди. Пахта майдонларини суғориш учун Орол сув захираларининг

¹ Хильская И. Ер, сув ва ҳосил // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Т., 1991.-№6.-Б.52.

меъёридан ортиқ олиниши, кўплаб йирик сув иншоотларини барпо этилиши натижасида денгиз аста-секин қуриб борди.

Таъкидлаш жоизки, XX аср 50-60 йилларида Орол денгизининг қуриб бориши ва унинг тақдири марказ ҳукуматини мутлақо қизиқтирмади. Совет директив органлари учун қандай қилиб бўлса ҳам пахтадан кўпроқ ҳосил олиш, етиштирилган пахтани марказга ташиб кетиш муҳимроқ ҳисобланарди.

Узоқ йиллардан буён кўп миқдорда балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотлари етиштириб беришда қулай имкониятига эга бўлган ушбу йирик денгиз собиқ Иттифоқнинг қурбонига айланди. Хусусан, Орол муаммоси собиқ совет ҳукуматининг нореал “тажрибаси” ни тўғридан-тўғри оқибати бўлиб, 1929 йилда шахсан Сталиннинг топшириғи билан муҳандис Зиновьев бошчилигида бир гуруҳ сув хўжалиги ходимлари Ўзбекистонга келиб, ўз хулосаларига кўра кўпроқ пахта етиштириш ва Орол денгизини қуришиб бўлса ҳам эришиш лозимлигини таъкидлашади ва улар келажакда қуриган Орол денгизи ўрнида пахта ва шоли етиштиришни мўлжаллашади¹.

Совет қишлоқ хўжалиги маъмурларининг буйруғига кўра, Орол денгизи суви 1920 йилдан бошлаб пахта майдонларига бурилди. Икки дарёдан озиқланувчи Орол суви миллион гектар пахта майдонларни суғоришга сарфланди. Пахта тайёрлаш режаси ишлаб чиқилди ва 1937 йилдан Совет Иттифоқи йирик пахта экспорт марказига айланди. Пахтачиликдаги бу муваффақиятлар бироқ Орол денгизи қуришига сабаб бўлди. Узоқ вақт денгиз атрофидаги экологик қабоҳат ва муҳит бутун омма назаридан яширилиб, сир сақланди². Кўриниб турибдики, мустамлакачи ҳукумат маҳаллий аҳоли ҳаётидаги экологик муаммоларни рўй-рост ошкор қила олмаган.

Совет ҳукумати атроф-муҳит ва экологияни муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратмади. Айниқса Оролбўйи ҳудудларида дарё хавзаларининг

¹ Абдуллаев А.Н. Пахта яккахокимлиги: оқибат ва сабоқлар (1917-1991 й.й.).-Тошкент: Истиклол, 2006.-Б.93.

² Enger E., Smith B. Environmental Science. A study of Interrelationships. Fifth edition. -USA: The McGraw-Hill Companies, 1995.-P.310.

ифлосланиши экологик-гигиена вазиятларини ёмонлашишига олиб келди. Бутун Марказий Осиёда ва қолаверса республика ҳудудларида кўплаб суғориш тизимларини барпо этилиши ва улардан қишлоқ хўжалигида, шунингдек, саноат корхоналарида кўплаб фойдаланилиши аянчли ҳолатларни келтириб чиқарди. Орол танглиги муаммоси энг муҳим экологик фожа бўлиб, унинг сатҳи йилдан-йилга пасайиб борди. Жумладан “1911-1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори даражада бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10-11 граммни ташкил этган эди. Денгиз транспорт, балиқ хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қуйилар эди”¹.

Орол денгизи муаммосини келиб чиқишига сабаб бўлган иккинчи омил 1957-1967 йилларда қурилган Туркманистондаги Қорақум каналидир. Унинг узунлиги 950 км бўлиб, дастлабки 450 км қисмида кема қатнови йўлга қўйилган. Ушбу канал Амударёдан секундига 300 км³ сув олади. Канал ўзанига учта йирик сув омборлари қурилган. Қорақум каналини ишга туширилиши билан Орол сатҳи кескин пасая борган. Маълумотларга қараганда, бу каналда сувнинг ҳавога буғланиши ва қумга шимилиб кетиши ҳисобига ҳар йили 5 миллион м³ сув йўқолиб борди².

Мазкур фожа келиб чиқишининг яна бошқа бир сабаби, айрим сув омборларининг ноқулай жойларга қурилганлигидир. Ҳозирги кунда Ўрта Осиё республикалари ҳудудида 50 дан зиёд сув омборлари мавжуд бўлиб, улар жуда кўп миқдордаги сувнинг беҳуда буғланишига ва ерга сингиб, ён-атрофдаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашишига олиб келди³.

Марказнинг ирригация массивлари учун кўп ҳажмда сув олиши биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилган эди. Бу эса ўз навбатида пахта яккахокимлиги сиёсати мақсад-муддаосидан келиб

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -Б.516.

² Султонов П.С., Аҳмедов Б.П. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асослари.-Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, “ЎАЖБНТ” Маркази, 2004.-Б.119.

³ Ўша жойда

чикди. Шу сабабли, айнан 60-йилларнинг бошидан ирригация массивлари учун кўп миқдорда сув олиниши ва табиий сув танқислиги сабабли Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимларида сув ҳажми аста-секин камайиб борди.

60-йилга қадар Ўрта Осиёнинг азим дарёлари Амударё ва Сирдарёдан 50 куб киломертга яқин сув, суғориш учун мунтазам ишлатилиб келинди. Бу регионда эса 5,2 млн гектардан зиёдроқ ер суғорилиб, бир гектар экин майдонига йилига салкам 10 минг кубометр сув сарфланарди. Лекин кейинги чорак аср ичида ҳудудда яна 1,7 миллион гектар ер ўзлаштирилди ва денгизга сув оқиб келиши бутунлай тўхтаб қолди. Энди суғориш учун 55 куб километрга яқин сув олина бошланди, лекин янгидан ўзлаштирилган бир гектар экинга сарфланадиган сув 3,5 баравар кўпайиб, йилига 35 минг куб метрни ташкил этди¹. 1960 йилда регионда 5 млн. гектар ерни суғориш учун 40,4 км.куб атрофида сув сарфланган. 1985 йилга келиб салкам 7 млн. гектар ерни суғориш учун 86 км.куб сув сарфланди. Бу ҳол ҳар бир гектар, майдон ҳисобига ҳаддан ташқари кўп сув сарфланганлигини кўрсатади².

6-жадвал. Орол денгизига доир кўрсаткичларнинг ўзгариб бориш динамикаси (1960-1990 йй.)³.

Йиллар	Сув сатҳи, метр	Сув ҳажми, км ³	Сув эгаллаган майдон минг км ²	Денгизнинг қуриган майдони минг км ²	Орол бўйига келувчи сувлар миқдори, км ³		
					Амударё	Сирдарё	Умумий
1960	53,00	1062,00	66,09	-	37,9	21,0	58,90
1989	39,33	354,00	38,40	27,03	1,00	4,40	5,40
1990	38,51	323,00	36,40	29,04	9,00	3,50	12,50

Мазкур жадвалдаги келтириб ўтилган рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, Орол денгизининг сув сатҳи ва унинг ҳажми, сув эгаллаган майдон аста-секин йилдан-йилга тобора қисқариб борган.

Агар эътибор берадиган бўлсак, 1961 йилгача Орол денгизининг умумий майдони ороллардан ташқари 66085,6 км² ни, энг туби эса роппа-

¹ Камолов Б. Оролни тиклаш мумкин! // Инсон ва сиёсат. -Тошкент, 1991. -№ 1, -Б.55 -56. (55-60).

² Рафиқов А., Эргашев Ш., Исамухамедова М. Яна Орол ҳақида // Ekologiya xabarnomasi.-Тошкент, 2000.-№2-3,-Б.56.

³ Султонов П.С., Аҳмедов Б.П. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асослари...-Б.117.

роса 69 метрни ташкил қилган¹. Бироқ Орол сувини суғориладиган ерлар учун муттасил тарзда олиниши денгизни қуришига олиб келди. Орол денгизининг қуриши 1960-70 йилларда йилига 18 см, 1971-1980 йилларда 53 см, 1981-1985 йилларда 78 см, 1985 йилга келиб эса 87 см.га етди. 1961 йилдан 1991 йилгача денгиз ҳажи 3 баравар қисқарди, денгиз ўз қирғоғида 75-80, баъзи жойларда 100 км.га чекинди².

Пахта яккахокимлиги сиёсати таъсирида ўзлаштирилган янги ерларда пахтачилик билан бир қаторда шолічилик ҳам юқори даражада ривожлантирилди. 1975 йилда биргина Қорақалпоғистон АССРнинг ўзида ўзлаштирилган янги ерларнинг 9 минг гектар ерида шолі етиштирилди³.

Денгиз ҳавзасидаги мавжуд суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланиш даражаси пасайиб кетди. Хусусан, “Орол денгизи ҳавзасидаги 7 миллион гектар суғориладиган ерлардан 2,5 миллион гектарга яқин ернинг сув билан таъминланиш даражаси 85 фоиздан паст бўлди. Регионда 10-12 миллиард куб метр сув етишмаганлигидан ҳар йилги қишлоқ хўжалик маҳсулотининг каомати 600 миллион сўмдан ошиб турди. СССР Марказий Статистика Бошқармасининг маълумотларига кўра, 1974-1975 йилларда Орол денгизи ҳавзасида сув танқислигидан 43 минг гектар жўхори даласи, 8,7 минг гектар шоліпоя қуриб кетган”⁴.

Халқ хўжалик ҳисоб-китоблари шуни кўрсатадики, Орол денгизи ҳавзасидаги Сирдарё, Амударё ва оқимсиз дарё (Чу, Талас ва бошқ.)⁵ларнинг ўз сув ресурслари, суғориш тизимларидан фойдаланиш ва суғориш техникасини такомиллаштириш бўйича йирик тадбирларни амалга ошириш шарти билан 8,3 млн. га ерни суғоришни таъминлаши мумкин.

**7-жадвал. Орол денгизи ҳавзасидаги дарёларнинг суғориш қуввати,
млн.га ҳисобида**

¹ Акрамов З.М., Рафиқов А.А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря.-Ташкент: Мехнат, 1989.-С.35.

² Ўзбекистон тарихи / Р.Х.Муртазаева умум. таҳр.ост. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. -Б.507.

³ Абдурахмонова Т. Замонамиз ирригацияси: Ўзбекистон ирригациясининг бугуни ва эртаси.-Тошкент: Ўзбекистон, 1976. -Б.5.

⁴ Акрамов Э., Ибатуллин П. Орол денгизи яшаб қолмоғи лозим.-Тошкент: Ўзбекистон, 1981.-Б.28.

⁵ Варопаев Г. Сибирь-Орол канали ва унга ёндош территориялар ишлаб чиқариш қучларининг ривожланиши// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 1984.-№.2.-Б.5.

№	Дарёлар номи	Дарёларнинг суғориш қуввати	1980 йил январгача суғорилгани	Суғориш қувватининг назарий резерви
1	Сирдарё	3,1	2,9	0,2
2	Амударё	4,5	3,2	1,3
3	Оқимсиз дарёлар	0,7	0,7	-
Жами		8,3	6,8	1,5

Бироқ, совет ҳукумати органлари буюртмасига асосан ишлаб чиқарилган денгизни қутқаришга доир бу тадбирлар реал ҳаётда тўла маънода амалга ошмади. Айтиш мумкинки, бу тадбирлар номигагина ишлаб чиқилган эди ва уларнинг бажарилиши эса иккинчи даражали қилиб белгилаб қўйилган эди.

Шу билан бирга, республикада айнан шу даврда кўплаб сув иншоотлари барпо этилдики, улар ҳам Орол суви ҳажмининг қисқаришига ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, ўнинчи беш йилликда умумий ҳажми 23 км³ бўлган сув омборлари қурилди, мавжуд суғориб келинаётган 1 млн. гектарга яқин ернинг сув таъминоти яхшиланди, 600 минг гектардан ортиқ майдонда эски суғориш тармоқлари реконструкция қилинди.

8-жадвал. Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурслари¹.

№	Дарёлар номи	Йиллик оқим км ³				
		Ўртача кўп йиллик	75% таъминланганлик	40% таъминланганлик	1990 йил даражасида гарантияли тартибга солинганлик	Исроф бўлиши ва зарурий сарфланиши
1	Сирдарё	37,2	31,2	26,8	33,2	4,0
2	Амударё	79,5	68,5	60,0	65,9	8,4
3	Оқимсиз дарёлар	5,8	5,2	4,8	5,1	-
Жами		122,5	104,9	91,6	104,2	12,4

Марказ кўрсатмасига биноан, Орол денгизи сувининг суғориш мақсадларида аямай олиниши оқибатида унинг суви меъёрдан анча пасайиб кетди. Натижада Орол денгизига қуйиладиган сув кескин равишда камайди

¹ Варопаев Г. Сибирь-Орол канали ва унга ёндош территориялар ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 1984.-№.2.-Б.5.

ва денгиз суви 5-6 метр пасайиб, унинг сатҳи қискарди. Амударё ва Сирдарёнинг Орол денгизига қуядиган сувнинг ўртача миқдори 1971-1980 йилларда 16,6 км³, 1981-1985 йилларда 4,2 км³ ни ташкил қилди¹. Шунингдек, денгиз сувининг шўрлиги 11 фоиздан 16 фоизгача ортди. Деҳқончилик соҳасини ривожлантириш ҳам экстенсив усулда олиб борилди, бу эса ўз навбатида сув захираларининг исроф бўлишига олиб келди.

Совет ҳукуматининг денгиз тақдирига эътиборсизлиги туфайли унинг сатҳи тобора қисқариб борди: “Сўнгги чорак аср мобайнида Орол денгизининг сатҳи 13 метрдан кўпроқ пасайди. У ўзининг 55 фоиздан ортиқроқ ҳажмини йўқотди. Денгизнинг ҳозиргача қуриб битган қисми 2 млн гектардан ошиб кетди. 2000 йилга бориб бу майдон сатҳи 3 млн гектардан ҳам ортиб кетиши кутилмоқда”².

Хуллас, марказнинг республикада пахтачиликни ривожлантириш мақсадида Оролнинг сув захираларидан чексиз фойдаланиши уни сатҳининг қисқаришига ва сувининг аста-секин камайишига олиб келди. Совет директив органлари Орол тақдирига беписандлик билан қаради ва унинг суви вахшийларча тортиб олинди. Бу эса ўз навбатида собиқ ҳукуматнинг мустамлакачиликка асосланган пахта яккаҳокимлиги сиёсати мазмунига тўла равишда мос келарди. Ушбу сиёсат асосида республикада илгари бўш ётган кўрик ва бўз ерлар ўзлаштирилди. Ўз-ўзидан маълумки, ўзлаштирилган ерларда барпо этилган пахта майдонлари кўп миқдорда сув талаб қилган. Шу мақсадда, совет маъмурларининг кўрсатмасига кўра, ўзлаштирилган ҳудудлардаги пахта экин майдонларини суғориш учун денгиз суви меъёридан ортиқча равишда олинди. Натижада денгиз суви йилдан-йилга тобора қисқариб борди ва Оролбўйида, хусусан бутун Марказий Осиёда йирик экологик фожаи етилди.

Оролбўйида атроф-муҳитнинг тобора ёмонлашуви эса ҳудудда жиддий муаммоларни кескинлаштириб юборди. Хусусан ерлар ҳаддан зиёд

¹ Эгамбердиев Р., Эшчанов Р. Экология асослари.-Тошкент: ZAR QALAM, 2004.-Б.196.

² Орол мадад сўрайди // Э.Ю.Юсупов, С.К.Зиёдуллаев. Муҳим экологик муаммо.-Тошкент: Мехнат, 1987.-Б.3.

шўрланди, саҳроланиш жараёни кучайди, сув ресурслари ифлосланди, энг асосийси одамларнинг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган тоза ичимлик суви тақчиллиги тобора ортиб борди. У ерда чанг ва тўзон бўронларининг кўпайиб кетиши нафақат ўша ҳудудда эмас, балки денгиздан унчалик узок бўлмаган ерларни чўлга айланишига олиб келди. Айниқса, атмосфера ҳавоси кумли ва тузли бўронлар оқибатида ифлосланиб, натижада биологик хилма-хиллик кескин равишда камайди. Денгизнинг қуриши баробарида табиий иқлим буткул ўзгарди.

Оролбўйида экологик вазият асосан тупроқ шўрланиши ва бунинг оқибатида ўсимликларнинг деградацияга учраши ҳамда шамол таъсирида заминнинг эрозияга берилишининг кучайиши туфайли кескинлашмоқда. Ушбу уч табиий омил Амударё ва Сирдарёнинг қуйи этакларида экологик мувозанат бузилишига сабаб бўлди ва борган сари уларнинг таъсир доираси кенгайиб, катта жойларни қамраб олмоқда¹.

Мутахассислар ва бир гуруҳ олимлар таъкидлашича, Орол денгизи фожиаси мазкур минтақада бир қатор салбий ҳолатларга ва ҳодисаларга олиб келди. Улар асосан қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, сувдан фойдаланишда ва ерларни ўзлаштиришда илмий асосларнинг мавжуд эмаслиги, сувнинг талон-тароғ қилинишига, қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши экин майдонларининг шўрланишига, бу майдонлар бир қисмининг қишлоқ хўжалик оборотидан бутунлай тушиб қолишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, суғориш ва гидротехник иншоот тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш сифати ўта паст даражани ташкил қилди².

Иккинчидан, денгиз сувининг шиддат билан пасайиб бориши натижасида 3 млн. га. дан ортиқ қуриган денгиз тубини кумли саҳрога айлантирди. Кучли бўронлар пайдо бўлиб, тузли кумларни 4 км юқорига ва

¹ Орол мадад сўрайди // З.Акрамов, А.Рафиқов. Булоқ суви қуримагунча...-Тошкент: Мехнат, 1987.-Б.42.

² Собиров Ў.А. Оролбўйи минтақасининг экологик муаммолари ва унинг оқибатлари...-Б.29-30.

200 км кенгликка тарқата бошлади. Бундай бўронлар ҳар йили 6-9 марта, кейинги вақтларда эса 15 мартагача бўлмоқда.

Учинчидан, Орол денгизининг куриб бориши саҳро майдонларининг ортиб, тўқайзорларнинг, кўпгина ўсимлик турлари, қушлар ва ҳайвонларнинг кирилиб кетишига салбий таъсир кўрсатди.

Тўртинчидан, денгиз суви сатҳининг мунтазам пасайиб бориши минтақанинг иқлим шароитларининг ўзгаришига олиб келди. Оролбўйи ҳудудларининг ёзи ўта иссиқ қиши эса жуда совуқ бўлиб қолди. Иқлимнинг кескин ўзгариши маҳаллий аҳоли соғлигига путур етказди ва уларнинг ҳаётига хавф солмоқда.

Бешинчидан, Амударё ва Сирдарё хавзаларида дарёларга фойдаланилган коллектор сувларининг ташланиши натижасида сувнинг таркиби ёмонлашиб борди. Дарё қуйи оқимининг сувларида минералларнинг ҳаддан ташқари ортиши сувни амалда ичиш у ёқда турсин, ҳатто суғориш учун ҳам яроқсиз қилиб қўйди.

Олтинчидан, ерларнинг кучли шўрланиши тарихий-маданий муҳитга ва унинг таркибий қисми бўлган маданият ёдгорликларига тузатиб бўлмас даражада зарар етказмоқда.

Кўрсатиб ўтилган фожиавий жиҳатларга эса совет ҳукуматининг ташаббуси ва бевосита кўрсатмаси асосида ҳамда пахта яккаҳокимлиги сиёсатининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда республикада, қолаверса бутун Марказий Осиё ҳудудида амалга оширилган ўзлаштириш ишлари, бу ҳудудда пахта майдонларини суғоришга Орол сувини тежамасдан сарф қилиниши, кўплаб сув иншоотларини барпо этилиши асосий сабаб бўлди.

Истиқлол йилларида Орол денгизи муаммосини ҳал этишга қаратилган бир қатор халқаро симпозиумлар ва конференциялар бўлиб ўтдики, уларда илгари сурилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳаётга татбиқ этиш бугунги кунда айтиш мумкин. Оролбўйи ҳудудларидаги санитария-эпидимиологик, ижтимоий-иқтисодий ва экологик шароитларни ва ҳолатларни тубдан

яхшилаш, денгиз сатҳини бир хил ҳолатда ушлаб туриш, уни аста секинлик билан тиклаб бориш мазкур минтақада жойлашган давлатларнинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу тадбирлар ва вазифаларни атрофлича ҳал этиш нафақат Ўзбекистоннинг балки Ўрта Осиёдаги бошқа давлатларнинг биргаликдаги амалий ҳаракати билан ҳам боғлиқдир.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлолга эришиши натижасида суғориш ва янги ерларни ўзлаштириш тарихини илмий жиҳатдан ҳаққоний ўрганиш учун объектив шарт-шароит юзага келди.

Маълумки, Ўзбекистонда бутун совет мустамлакачилиги даврида, айниқса, XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб совет ҳукумати раҳбарияти суғориш ва ўзлаштириш масаласини синфий ёндашув нуктаи-назаридан келиб чиққан ҳолда ҳал қилган бўлса, иккинчидан, ирригация-мелиорация ва ўзлаштириш масалалари совет тарихшунослигида ҳукмрон мафкурага бўйсундирилган ҳолда ёритилди ва тарихий ҳақиқатнинг моҳияти нотўғри очиб берилган эди. Ваҳоланки, тарихий воқелик ва ҳақиқат эътироф этилса, мустамлакачиликка асосланган совет ҳукуматининг асл мақсад, муддаоси ҳамда унинг зўравонлик сиёсати фош бўлиб қоларди. Чунки бундай сиёсат олиб бориш большевиклар учун совет ҳокимиятининг бутун даврларига ҳам хос бўлган.

Учинчидан, советлар ўзларидан аввал мустамлакачилик сиёсатини олиб борган Россия империяси маъмурларини фаолиятини қоралаб, амалда ўзлари ҳам республиканинг миллий бойликларини ўзлаштириш, талаш ва вахшийларча ташиб кетиш, шунингдек, асрлар давомида шаклланган диний, миллий қадриятларни оёқ ости қилдилар. Ўзбек халқининг миллий бойлиги ҳисобланмиш пахтани кўпроқ етиштириш ва иттифоқ хирмонини у билан бойитиш мақсадида суғориш тизимида жиддий эътибор қаратилди. Суғориш ва ўзлаштириш ишларининг кучайтирилиши оқибатида ўзбек деҳқони пахта етиштиришда бир қатор қийинчилик ва азоб-уқубатларга дучор қилинди. Бу жараёнлар ўша даврда фақат бир томонлама талқин этилиб, кўплаб илмий тадқиқотларда ноҳолис тарзда эътироф этилди.

Ўзбекистонда ўрнатилган совет тузуми ўзининг дастлабки кунлариданоқ республикада мустабид жамият барпо этишнинг коммунизмга

асосланган тамойил ва усуллари, мафкуравий тазйик ўтказишни асосий мақсад қилиб қўйди.

Совет маъмурлари Иттифок манфаатларини тўла сақлаган ҳолда Ўзбекистонни табиий бойликларини талаш, ўзлаштириш билан бирга, унинг асосий бойлиги бўлмиш ерни халқники деб эълон қилиши мустабидчилик жараёнларини янада мустаҳкамлади, етиштирилган пахтанинг деярли ҳаммасини хом ашё сифатида ташиб кетиш йўлга қўйилди, қишлоқ хўжалик экинларини қискартириш ўрнига пахта экин майдонларини янада кенгайтди. Охир оқибатда бу сиёсат республикада пахта яккахокимлигини бунёд этишга олиб келди, суғориш соҳаси эса тамомила мазкур амалиётга бўйсундирилди. Суғориш тизимининг пахта яккахокимлиги измига олиниши ўз-ўзидан Ўзбекистонда 1950-1970 йиллар, хусусан Марказий Фарғона ва Мирзачўл ҳудудларини ўзлаштириш ишларида бир қанча салбий ҳолатларни вужудга келтирди ва тадқиқот таҳлилидан келиб чиқиб, асосан қуйидаги ҳулосаларга тўхталиш мумкин:

-иригация-мелиорация соҳалари тўлалигича пахта яккахокимлигига бўйсундирилди. Ана шу сиёсатни амалга ошириш мақсадида республика экин майдонлари таркибида пахта деярли 75 фоиз майдонни эгаллади. Собик Иттифок таркибида бўлган Ўзбекистон асосан пахта етиштиришга ихтисослаштирилди, хом ашё базасига айлантирилди ва етиштирилган пахтанинг 90 фоизи марказга ташиб кетилди. Шу билан бирга, пахтадан олинган миллиардлаб даромад эса фақатгина марказ хазинасини тўла-тўқис таъминлади;

-пахта яккахокимлиги ўзбек халқини эртаю кеч пахта даласига боғлаб қўйди ва уларни беаёв ишлашга мажбур қилди. Улар ночор турмуш кечиришга маҳкум этилди, солиқлар миқдори йилдан-йилга ортиб борди, пахтакорлар ўз меҳнатиغا яраша ҳақ олмади;

- пахта яккахокимлиги мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, совет ҳукумати республикада иригация-мелиорация соҳаларини юқори савияда тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратди. Ана шу мақсадларда бу

соҳаларни ривожлантиришга давлат бюджетидан ҳар беш йиллик режалар асосида катта миқдорда капитал маблағлар ажратилди. Кўп ҳолатларда улар ўзлаштирилмай қолиб ҳам кетди.

-совет даврида суғориш, жумладан, пахтачиликни ривожлантириш мақсадида барпо этилган сув омборлари, йирик суғориш каналлари ҳамда насос станциялари республикада пахта яккахокимлигини янада авж олишига олиб келди.

-60 йилларда нафақат Ўзбекистонда балки бутун Марказий Осиёда кенг кўламда кўриқ, бўз ва қаровсиз ётган чўл ерларнинг ўзлаштириш ишлари амалга оширилди. Мустабид ҳукумат илгари бўш ётган ерлардан ҳам ҳосил олиш мақсадида Мирзачўл, Жиззах, Қарши, Сурхон-Шеробод, Марказий Фарғона кўриқ ерларини ўзлаштиришга киришди. Бунинг оқибатида республикада пахта яккахокимлиги аввалги даврларга қараганда анча кучайиб кетди. Республика ҳудудидаги барча кўриқ ерларни ўзлаштиришга тўла ҳолатда эришилмади, уларга ажратилган маблағлар ҳам камдан кам ҳолларда ўзини оқлади.

-республикадаги ўзлаштирилган ерларда пахтачиликка ихтисослашган янги пахтакор туман, совхозларнинг ташкил қилиниши натижасида марказга пахта етиштириб бериш йилдан-йилга янада ортиб борди. Бу чора-тадбирлар биринчи галда собиқ Иттифоқ манфаатини ўйлаб амалга оширилди.

- янги ерларнинг ўзлаштирилиши унинг ўрнида пахта экин майдонларининг ташкил этилиши, суғорма деҳқончиликнинг кенгайиб бориши, сунъий каналлар қазилиши, сув омборларининг барпо этилиши бир қатор салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Ушбу жараёнлар айни пайтда Орол денгизи қуриши ва Оролбўйидаги мураккаб экологик вазиятни ҳам келтириб чиқарди. Фақатгина 1971-1985 даври оралиғида республикадаги 4,4 миллион гектар ерни суғориш мақсадида кўплаб сув омборларининг қурилиши ҳамда бу сув омборларига тўпланган Амударё ва Сирдарё сувларини суғориладиган ерларда тежаб сарф қилишни кўзда тутилди. Бироқ бунинг натижасида эса Орол денгизига қуйиладиган сув

кескин равишда камайди. Денгиз суви 5-6 метр пасайиб, унинг сатҳи йилдан йилга қисқариб борди.

-Орол денгизи сувининг шўрлиги кескин тарзда ортди. Дехқончилик соҳасини ривожлантириш ҳам экстенсив усулда олиб борилди, бу эса ўз навбатида сув захираларининг исроф бўлишига олиб келди. Юқорида йўл қўйилган камчиликлар ва хатоликлар оқибатида Орол муаммоси кескинлашиб борди. Бунинг натижасида эса Оролбўйи ҳудудларида турли хил юқумли касалликларга чалиниш хавфи ҳам кенгайиб борди.

1989 йилнинг ўрталаридан республика раҳбариятига келган И.А. Каримов марказнинг пахта яккаҳокимлиги сиёсати ва у асосда суғориш майдонларининг муттасил кенгайтирилиши жараёнларига узил-кесил чек қўйди. У мустамлакачилар зўравонлигига қарши фаол курашни амалий ҳаракатлар билан мустаҳкамлади. Жумладан, 1989-1991 йиллар мобайнида шахсан Республика Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг қатъияти туфайли пахта етиштириш бўйича режалар хом ашё ҳисобида 843 минг тонна камайтирилди, пахта экин майдонлари ҳам кескин равишда қисқартирилди.

Ўзбекистон раҳбариятининг пахта яккаҳокимлиги асосида суғориш майдонларини кескин кенгайтирилишига барҳам бериш учун курашининг асосий мақсади сифатида қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг хилма-хил тармоқларини барпо этиш ва уни тубдан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мустамлакачилик тузумига хос бўлган мафкуравий тазйиқ асосига қурилган суғориш тизимининг сунъий тарзда ривожлантириш “тажриба” сига ва пахта яккаҳокимлигига чек қўйиш масаласига фақатгина Ўзбекистон миллий истиқлолини қўлга киритгандан сўнг тўла-тўқис эришилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ва Республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари ва расмий хужжатлар

- 1.1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Тошкент: Ўзбекистон, 1992.- 78 б.
- 1.2. Каримов И. А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Тошкент: Ўзбекистон, 1993.-128 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1997.-327 б.
- 1.4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Асарлар, 5-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997.-384 б.
- 1.5. Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Тошкент: Шарқ, 1998.-32 б.
- 1.6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1998.- 686 б.
- 1.7. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. -176 б.
- 1.8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) // Халқ сўзи.- 2010.- 13 ноябрь.
- 1.9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Тошкент: Ўзбекистон, 2011.- 439 б.
- 1.10. Karimov I. A. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish - eng oliy saodatdir.-Toshkent: O'zbekiston, 2015.- 304 b.
- 1.11. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.

Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-104 б.

1.12. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1993 йил 6 май // Халқ сўзи.- 1993.- 12 июнь.

1.13. «Ўзбекистон Республикасида сувдан чекланган микдорда фойдаланиш бўйича вақтинчалик тартиб тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 385-сонли қарори. 1993 йил 3 август // Халқ сўзи.- 1993. - 4 август.

1.14. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.-Тошкент: Адолат, 2000, 2001, 2002, 2003, 2004, 2005, 2006, 2007, 2008, 2009, 2010, 2011, 2012, 2013, 2014, 2015.

1.15. «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2007 йил 29 октябрь // Халқ сўзи. -2007.-30 октябрь.

1.16. «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1694-сонли қарори. 2012 йил 27 январь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Тошкент: Адолат, 2012 йил 6 февраль. -№5.- Б.4-7.

II. Даврий матбуот

2. 1. Журналлар

2.1.1. «Агитатор Узбекистана» (Ташкент, 1967-1989 гг.)

2.1.2. «Гидротехника и мелиорация» (Москва, 1951-1987 гг.)

2.1.3. «Сельское хозяйство Узбекистана» (Ташкент, 1958-1991 гг.)

- 2.1.4. «Ёшлик» (Тошкент, 1982-1991 йй.)
- 2.1.5. «Экономика и жизнь» (Ташкент, 1965-1990 гг.)
- 2.1.6. «Экономика сельского хозяйства» (Москва, 1957-1983 гг.)
- 2.1.7. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» (Тошкент, 1957-1990 йй.)
- 2.1.8. «Ўз МУ хабарлари» (Тошкент, 2000-2014 йй.)
- 2.1.9. «O'zbekiston tarixi» (Тошкент, 2000- 2011 йй.)
- 2.1.10. «Жамият ва бошқарув» (Тошкент, 1998-2011 йй.)
- 2.1.11. «Ekologiya xabarnomasi» (Toshkent, 1999-2014 уу.)
- 2.1.12. «Коммунист Узбекистана» (Ташкент, 1960-1990 гг.)

2.2. Газеталар

- 2.2.1. «Андижанская правда» (Андижан, 1990-2015 гг.)
- 2.2.2. «Сельская жизнь» (Москва, 1961-1988 гг.)
- 2.2.3. «Сельская правда» (Ташкент, 1974-1988 гг.)
- 2.2.4. «Совет Ўзбекистони» (Тошкент, 1964-1988 йй.)
- 2.2.5. «Известия» (Москва, 1951-1988 гг.)
- 2.2.6. «Экономическая газета» (Москва, 1961-1988 гг.)
- 2.2.7. «Правда Востока» (Ташкент, 1951-1988 гг.)

III. Хужжатлар ва статистик тўплам материаллари

- 3.1. Коммунистическая партия Узбекистана в цифрах (Сбор. стат. материалов 1924-1977 гг.).-Ташкент: Узбекистан, 1979.- 448 с.
- 3.2. КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорлари. Т.14. -Тошкент: Ўзбекистон, 1989.- 590 б.
- 3.3. КПСС и Советское правительство об Узбекистане. Сбор. док. (1965-1970 гг.).-Ташкент: Узбекистан, 1972.- 652 с.
- 3.4. КПСС XXIV съездининг материаллари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1971.- 360 б.
- 3.5. КПСС XXV съездининг материаллари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1976.-340 б.

- 3.6. Народное хозяйство Узбекской ССР. Стат. сбор.-Ташкент, Госстатиздат, 1957. - 197 с.
- 3.7. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1958 году. Стат. сбор.-Ташкент: Госстатиздат, 1959.- 223 с.
- 3.8. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Сбор. стат. материалов.- Ташкент: Узбекистан, 1967.- 240 с.
- 3.9. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1968 г. Стат. ежегод.-Ташкент: Узбекистан, 1969.- 336 с.
- 3.10. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1970 г. Стат. ежегод.-Ташкент: Узбекистан, 1971.- 357 с.
- 3.11. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1971 г. Стат.ежегод.-Ташкент: Узбекистан, 1972.- 364 с.
- 3.12. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1972 г. Стат.ежегод.-Ташкент: Узбекистан, 1973.- 365 с.
- 3.13. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1978 г. Стат.ежегод.-Ташкент: Узбекистан, 1979.- 336 с.
- 3.14. Резолюции и решения съездов Коммунистической партии Узбекистана.- Ташкент: Госиздат УзССР, 1957.- 494 с.
1991.- 199 с.
- 3.15. Узбекистан за 7 лет (1959-1965 гг.). Крат.стат.сб.-Ташкент: Узбекистан, 1966.- 250 с.
- 3.16. Хлопководство Узбекистана за 50 лет. Справочник. -Ташкент: Узбекистан, 1967. - 455 с.
- 3.17. Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари.-Тошкент: Ўздавнашр., 1958. -550 б.

IV. Адабиётлар

- 4.1. Абдуллаев А.Н. Пахта яккаҳоқимлиги: оқибат ва сабоқлар.-Тошкент: Истиқлол, 2006.-135 б.

- 4.2. Абдуллаев Т.Ш. Ирригация қурилишида ер ишлари. -Тошкент: Ўздавнашр, 1957.- 82 б.
- 4.3. Абдуллаев Т.Ш. Ирригация қурилишида илғор тажрибалар. -Тошкент: Ўзбекистон, 1972. - 152 б.
- 4.4. Абдунабиев А.Ғ. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихидан. -Тошкент: “Қизил Ўзбекистон”, “Правда Востока” ва “Ўзбекистони Сурх” бирлашган нашр, 1959. - 38 б.
- 4.5. Абдунабиев А.Г. Освоение Голодной степи и молодежь (Краткий исторический очерк). - Ташкент: Госиздат УзССР, 1958. -71 с.
- 4.6. Абдунабиев А.Г. Борьба КПСС за увеличение орошаемых земель (на примере Голодной степи). - Ташкент: Узбекистан, 1966. -240 с.
- 4.7. Абдунабиев А.Г. Из истории развития ирригации в Советском Узбекистане. - Ташкент: Фан, 1971. - 204 с.
- 4.8. Абдунабиев А.Г. Освоение Голодной степи и молодежь (Краткий исторический очерк).-Ташкент: Госиздат УзССР, 1958.-71 с.
- 4.9. Абдунабиев А. Г. По декрету вождя.-Ташкент: Узбекистан, 1970.-238 с.
- 4.10. Абдурахмонова Т. Ўзбекистонда ирригациянинг ривожланиши.- Тошкент: Ўзбекистон, 1972.- 35 б.
- 4.11.Абдурахмонова Т. Замонамиз ирригацияси: Ўзбекистон ирригациясининг бугуни ва эртаси. -Тошкент: Ўзбекистон, 1976.- 38 б.
- 4.12. Акрамов З. М., Рафиқов А. А. Орол ҳозир ва келажакда.-Тошкент: Ўзбекистон, 1989. -31 б.
- 4.13. Акрамов З. М., Рафиқов А. А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря. - Ташкент: Мехнат, 1989.-144 с.
- 4.14. Акрамов З. Проблемы хозяйственного освоения пустынных и горно-предгорных территорий.-Ташкент: Узбекистан, 1974.- 175 с.
- 4.15. Акрамов Э., Ибатуллин П. Орол денгизи яшаб қолмоғи лозим. - Тошкент: Ўзбекистон, 1981. - 32 б.
- 4.16. Акрамов Э.А. Ерларни суғориш самарадорлигини ошириш масалалари. -Тошкент: Фан, 1978. - 52 б.

- 4.17. Алибеков Л.А. Щедрость пустыни.-Москва: Мысль, 1988.-173 с.
- 4.18. Алимов И.А. Узбекское дехканство на пути к социализму.-Ташкент: Узбекистан, 1973. - 148 с.
- 4.19. Алимов Т.А., Рафиқов А.А. Экологик хатолик сабоқлари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1991.- 70 б.
- 4.20. Алламурадов Д. Роль Советов в развитии хлопководства. -Ташкент: Узбекистан, 1980. - 133 с.
- 4.21. Artukmetov Z.A., Sheraliyev H.SH. Ekinlarni sug'orish asoslari.-Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2007.-320 b.
- 4.22. Афонин Д.И. Индустриализация ремонтно-эксплуатационных работ, внедрение диспетчеризации и автоматизации управления оросительными системами в Узбекской ССР // Экспресс-информация «Мелиорация и водное хозяйство». Серия 6, выпуск 9.-Москва: ЦБНТИ Минводхоза СССР, 1981.- С.17-26.
- 4.23. Ахунов А. Проблемы преодоления торможения в развитии научно-технического прогресса сельского хозяйства Узбекистана. -Ташкент: Узбекистан, 1990. - 134 с.
- 4.24. Ахмедов Х. Хоразм ирригацияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 1966.- 63 б.
- 4.25. Батурин С.И. Ўзбекистон совет ирригацияси умумхалқ ижоди.- Тошкент: Ўздавнашр, 1955.- 185 б.
- 4.26. Бекимбетов Б., Джаманкараев С. Оросительные каналы в низовьях Амударьи и улучшение их режима работы. -Нукус: Каракалпакстан, 1986.- 117 с.
- 4.27. Берикбоев Р. Мирзачўлнинг истикболи.-Тошкент: Ўзбекистон КП МК нашр., 1969.- 36 б.
- 4.28. Беспалов Н.Ф. Орошение культур хлопкового севооборота в Голодной степи.-Ташкент: Узбекистан, 1970.- 64 с.
- 4.29. Ближний и Средний Восток. История экономики. (Сборник статей).- Москва: Наука, 1967.-208 с.

- 4.30. Булаевский В.Ф. Вопросы орошения и освоения Голодной степи.- Ташкент, 1957.- 262 с.
- 4.31. Волинов А.М., Забелин В.А., Кияткин А.К., Луженева М.С. Орошение земель в Средней Азии и Казахстане. -Москва: Колос, 1980.-239 с.
- 4.32. Гражданкина Н.С. Ирригация қурилишида маҳаллий бинокорлик материаллари. -Тошкент: Ўздавнашр, 1950. -35 б.
- 4.33. Гуссак В.Б. Ўрта Осиё текисликларида ирригацион эрозия ҳодисаси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1968. -20 б.
- 4.34. Джаббаров Н. Развитие орошения в Узбекистане и его перспективы. - Ташкент: Фан, 1968. -88 с.
- 4.35. Джалилов Х. М. Экономические проблемы развития хлопководческих совхозов в Узбекистане.-Ташкент: Узбекистан, 1971.-261 с.
- 4.36. Дробов В.П. Колхозларни, йўлларни ва ирригация тармоқларини қўаламзорлаш. -Тошкент: Ўздавнашр, 1941.- 56 б.
- 4.37. Жабборов Н. Янги ерларни суғориш ва ўзлаштиришнинг иқтисодий проблемалари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1969. -132 б.
- 4.38. Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан (XIX-XX аср бошлари).-Тошкент: Фан, 1977.-168 б.
- 4.39. Жалилов С. Фарғона водийсининг ирригация техникаси тарихидан. -Т., 2006. - 44 б.
- 4.40. Жалилов Х. М. Мирзачўл ва уни ўзлаштириш.-Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1957.- 48 б.
- 4.41. Закиров Т. С. Культура земледелия в орошаемых условиях Узбекистана. -Ташкент: Узбекистан, 1979. - 239 с.
- 4.42. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан.-Тошкент: Фан, 1980.- 51 б.
- 4.43. Зиядуллаев С.К. Мирзачўлни ўзлаштириш ва қурилишининг муҳим масалалари.-Тошкент: Ўздавнашр, 1958. -35 б.
- 4.44. Игамбердыев Р.С. Голодная степь, ее прошлое и настоящее.-Ташкент: Наука, 1965.- 69 с.

- 4.45. Игамбердыев Р.С. Осуществление ленинских идей об орошении и освоении Голодной степи. - Ташкент: Фан, 1969.- 179 с.
- 4.46. Игамбердыев Р.С., Раззаков А.А. История мелиорации в Узбекистане (на материалах Голодной степи).-Ташкент: Фан, 1978.-184 с.
- 4.47. Independent Uzbekistan today.-Tashkent: Uzbekiston, 1993. -136 p.
- 4.48. Ирригация Узбекистана: В 4-т. Развитие ирригации в комплексе производительных сил Узбекистана. Т.1. - Ташкент: Фан, 1975. - 351 с.
- 4.49. Ирригация Узбекистана: В 4-т. Технический прогресс в ирригации.Т.4.- Ташкент: Фан, 1981. - 447 с.
- 4.50. Искандаров С.И., Раҳимбоев Ф.М. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиши. -Тошкент: Ўзбекистон, 1984. - 38 б.
- 4.51. Карелин В.Я. Насосы и насосные станции для водоснабжения и орошения.-Москва: Стройиздат, 1966.-236 с.
- 4.52. Комилов О. Ўзбекистонда суғориш тизими ривожланиши: ютуқ, муаммо ва оқибатлар (1951-1990).-Тошкент: Akademnashr, 2016.-336 б.
- 4.53. Коржавин Б.Д. Орошение в Узбекистане. -Ташкент: Фан, 1976.-98 с.
- 4.54. Костяков А.Н. Основы мелиорации. -Москва: Сельхозгиз, 1960. -622 с.
- 4.55. Мавлянов А.Ш. Развитие специализации и концентрации сельскохозяйственного производства в Узбекистана. -Ташкент: Узбекистан, 1980.- 203 с.
- 4.56. Мамедов А.М. Русские ученые и развитие ирригации Средней Азии.- Ташкент: Узбекистан, 1965. -184 с.
- 4.57. Мамедов А.М. Развитие ирригации в Узбекистане.-Ташкент: Фан, 1967.- 299 с.
- 4.58. Мамедов А.М. Ирригация и ирригаторы Узбекистана.-Ташкент: Узбекистан, 1971.-192 с.
- 4.59. Меламут Д.Л. Гидромеханизация в ирригационном и сельскохозяйственном строительстве.-Москва: Стройиздат, 1967.- 396 с.
- 4.60. Мелиорация и водное хозяйство: Экспресс информация. Сер. 6, Вып. 9. - М: ЦБНТИ Минводхоза СССР, 1981.- 56 с.

- 4.61. Минводхоз Уз ССР в девятой пятилетке / Под редакцией первого Заместителя Министра мелиорация и водного хозяйства Уз ССР Джурабекова И.Х. -Ташкент, 1976.-328 с.
- 4.62. Нажимов Ф.Н. Ирригация - сувли деҳқончилик негизи. Янги ер устида байроқ.-Тошкент: Ўздавнашр, 1961. - 43 б.
- 4.63. Наринский К.М. Яшнаган кўриқ. (Ўзбекистон меҳнаткашларининг Марказий Фарғонадаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тажрибалари).- Тошкент: Ўзбекистон, 1965.-60 б.
- 4.64. Нарынский К.М. Трудовые подвиги целинников.-Ташкент: Узбекистан, 1976.-167 с.
- 4.65. Насритдинов Қ.М. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.-223 б.
- 4.66. Орол мадад сўрайди .-Тошкент: Меҳнат, 1987.- 216 б.
- 4.67. Очерки истории Ферганской области в советский период.-Ташкент: Фан, 1980.-168 с.
- 4.68.Очилов Н. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорация ишлари (1946-1964). -Тошкент: Фан, 1991. -104 б.
- 4.69.Передвижная насосная станция СНП-50/40 а. Паспорт и руководство по эксплуатации. - Орел: Труд, 1973.- 40 с.
- 4.70. Раззоқов А.А.Тоғдан қанча сув келади? -Тошкент: Ўзбекистон, 1965.-40 б.
- 4.71. Раззоқов А.А. Ўзбекистон пахтаси. -Тошкент: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1967.-58 б.
- 4.72. Раззоқов А.А. Ўзбекистон мелиорацияси: ўтмиш, бугун, келажак.- Тошкент: Фан, 1988.-48 б.
- 4.73.Раззоқов А.А. Сув ва ҳаёт.-Тошкент: Меҳнат, 1991.-152 б.
- 4.74.Раззоқов А.А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи: (Ўтмиш ва ҳозир). - Тошкент: Ўзбекистон, 1994. -304 б.
- 4.75.Рашидов Ш.Р. Ирригация ва Ўрта Осиё Совет республикаларидаги социалистик ўзгаришлар. Осиё ва Африка мамлакатлари учун Ирригация ва

- дренаж халқаро комиссияси: Биринчи регионал конференциясидаги доклад. - Тошкент: Ўзбекистон КП МК нашр, 1976. - 28 б.
- 4.76. Раҳимбоев Ф. Суғоришда қўшимча сув манбаларидан фойдаланиш. - Тошкент: Ўзбекистон, 1983. - 152 б.
- 4.77. Раҳимбоев Ф.М. Гидротехника иншоотлари ва қишлоқ хўжалик мелиорацияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1984. - 95 б.
- 4.78. Раҳимов Б. Суғориладиган ерлардан тўла фойдаланайлик. - Тошкент: Ўзбекистон КП МК бирлашган нашр., 1967. - 31 б.
- 4.79. Ризаев Г.Р. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. - Ташкент: Госиздат УзССР, 1957. - 266 с.
- 4.80. Ризаев Г.Р., Маннанов Н. М. Край белого золота. - Ташкент: Узбекистан, 1964. - 100 с.
- 4.81. Ризаев Г.Р. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1965). - Ташкент: Узбекистан, 1967. - 186 с.
- 4.82. Ризаев Г.Р. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. - Ташкент: Узбекистан, 1978. - 270 с.
- 4.83. Рустамов А. Центральная Фергана. - Ташкент: Мехнат, 1995. - 46 с.
- 4.84. Саидов Х. Ўзбекистон коммунистик партияси пахтачиликни ривожлантириш учун курашда. - Тошкент: Ўзбекистон, 1966. - 72 б.
- 4.85. Серикбаев Б.С. Эффективность орошения сельскохозяйственных культур дождевыми и подземными водами. - Ташкент: Фан, 2006. - 108 с.
- 4.86. Султонов П.С., Аҳмедов Б.П. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асослари. - Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, “ЎАЖБНТ” Маркази, 2004. - 232 б.
- 4.87. Тагиев М. М. Из истории ирригационного строительства низовьев Зарафшанской долины (1920-1975 гг.). - Ташкент: Фан, 1978. - 96 с.
- 4.88. Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши / Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир: Д. А. Алимова. - Тошкент: Шарқ, 2001. - 464 б.

- 4.89. Тилеукулов С.Т. Развитие орошаемого земледелия в советском Узбекистане. -Ташкент: Узбекистан, 1983. - 180 с.
- 4.90. Тоиров Х. Мирзачўлни ўзлаштириш.-Тошкент: Фан, 1984.- 48 б.
- 4.91. Турсунов С. Мустабид тузумнинг аграр сиёсати (1946-1965 йиллар). - Тошкент: Шарқ, 2001. -144 б.
- 4.92. Турғунов М. Ирригация ва экономика. -Тошкент: Ўзбекистон, 1972. - 48 б.
- 4.93. Тошев Х. Қашқадарёда ирригация ишлари.- Тошкент: Ўзбекистон, 1976. - 24 б.
- 4.94. Usmonov Q., Sodiqov M., Burxonova S. O'zbekiston tarixi. Darslik.- Toshkent: Iqtisod-moliya, 2006, -520 b.
- 4.95. Халиков И. История орошения и поливного земледелия в Сурхан-Шерабадской долине. -Ташкент: Фан, 1977. - 104 с.
- 4.96. Халиков И. Борьба трудящихся республик Средней Азии за орошение крупных целинных массивов. -Ташкент: Фан, 1982. -159 с.
- 4.97. Халиков И., Эшчанов К., Алимов И. Осуществление ленинских идей орошения в Средней Азии. -Ташкент: Ўқитувчи, 1986. - 248 с.
- 4.98. Ходжиев Э.Х. История орошения и освоения Голодной степи (1917-1970 гг.).- Ташкент: Фан, 1975. - 187 с.
- 4.99. Эгамбердиев Р., Раззоков А. Ўзбекистонда кўриқ ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелиорациялаш тарихи (Мирзачўл мисолида).-Тошкент: Фан, 1984. -285 б.
- 4.100. Эгамбердиев Р. С. Мирзачўлнинг табиати ва ўзлаштирилиши.- Тошкент: Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1964.-33 б.
- 4.101.Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб.Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: М.Жўраев ва бошқ. -Тошкент: Шарқ, 2000.-688 б.
- 4.102.Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи: Очерклар. Биринчи китоб. / Ред. коллегия: Ваҳабов М.Ғ. ва бошқ. -Тошкент: Ўзбекистон, 1969.-470 б.

4.103. Гафуров А.Ғ. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1974. - 126 б.

V. Интернет материаллари

5.1. http://www.igpi.ru/bibl/igpi_publ/uzb_eco.html

Гаевая Т.Я., Писарева В.Н. Экологическая ситуация в Узбекистане

5.2. <http://www.worldbank.org/eca/environment/> World bank (2003) Irrigation in Central Asia: social, economic and environmental considerations

5.3. http://www.zerkalo21.uz/ekologiya/gde_vi_volni_bilogo_morya.mgr

Где вы, волны бывшего море? 4-е марта 2008 г. Экологические и социально-экономические аспекты Аральского кризиса в Узбекистане

5.4. http://uz.wikipedia.org/wiki/Orol_dengizi

5.5. <http://www.orexca.com/rus/aralsea.shtml>

Аральское море-OrexCa.com.

5.6. <http://www.parliament.gov.uz/uz/events/other/1904>

Орол денгизи муаммоси глобал характерга эга

5.7. [http://www.uzssgt.uz/cgi-](http://www.uzssgt.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&raz=2&god=2008&mes=3&id=346)

[bin/main.cgi?lan=u&raz=2&god=2008&mes=3&id=346](http://www.uzssgt.uz/cgi-bin/main.cgi?lan=u&raz=2&god=2008&mes=3&id=346)

Орол муаммоси-Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. 18.03.2008.

5.8. <http://www.dissercat.com/content/ekologo-ekonomicheskoe-ispolzovanie-i-okhrana-zemelnykh-resursov-v-priaralskom-regione#ixzz3iuCrETu5>

Эколого-экономическое использование и охрана земельных ресурсов в Приаральском регионе

VI. Диссертация ва авторефератлар

6.1. Абдуллаев А.Н. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги ва унинг оқибатлари: Тарих фан.докт.... дисс. -Тошкент, 2010. - 309 б.

6.2. Аширбоева З.К. XIX аср охири - XX аср ўрталарида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши: Тарих фан. ном. ... дисс. -Тошкент, 2008. -135 б.

- 6.3. Бисенов Ж.А. Эколого-экономическое использование и охрана земельных ресурсов в Приаральском регионе: Дисс. ... докт. экон. наук. - Москва, 2000. - 418 с.
- 6.4. Ганиходжаев Б.Ф. Использование ирригационно-грунтовых вод для повышения орошаемых земель в бессточных районах (на примере Арысь-Туркестанского массива): Дисс. ... канд. тех. наук. -Ташкент, 1994. -180 с.
- 6.5. Досахметов А.О. Лесная мелиорация ирригационных систем в Узбекистане и на юге Казахстана: Дисс. ... докт. с.-х. наук. - Ташкент, 1995.- 340 с.
- 6.6. Досов Б.Г. Ирригация ва мелиорацияга йўналтирилган капитал маблағлар самарадорлигининг эконометрик тадқиқоти: Иқтисод фан. номз. ... дисс. -Тошкент, 2001. -145 б.
- 6.7. Игамбердыев Р.С. Из истории борьбы трудящихся Узбекистана за освоение земель Голодной степи: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 1966. - 22 с.
- 6.8. Мавлянов А.Ш. Осуществление аграрной политики в Узбекистане (1965-1980 гг.): Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. -Ташкент, 1987. - 50 с.
- 6.9. Михайлов В.В. Экономическая эффективность капиталовложений в ирригационно-мелиоративные системы (вопросы методики): Дисс. ...канд. экон. наук. -Ташкент, 1994. -153 с.
- 6.10. Нарынский К.М. Из истории развития орошаемого земледелия в Узбекистане. (На примере освоения Центральной Ферганы): Дисс. ...канд. истор. наук. -Ташкент, 1965. -260 с.
- 6.11. Насритдинов Қ.М. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация қурилишининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари (1981-1990 йиллар): Тарих фан. номз. ... дисс. - Андижон, 1994. -147 б.
- 6.12. Обламурадов Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971 - 1990 гг. Опыт, уроки и проблемы: Дисс. ... докт. истор. наук. -Ташкент, 1994. - 332 с.

- 6.13. Раззаков А.А. История развития мелиорации орошаемых земель Голодной степи (1917-1967 гг.): Дисс. ... канд. истор. наук. -Ташкент, 1971. - 277 с.
- 6.14. Рахматов Г.А. Экономическая эффективность повышения водообеспеченности орошаемых земель Узбекской ССР (на примере зоны влияния Аму-Бухарского машинного канала) : Автореф. дисс. ... канд. экон. наук. -Ташкент, 1979. - 26 с.
- 6.15. Сарыбаев М.К. Политика хлопковой монокультуры Советской власти в Каракалпакистане и ее последствия (1917-1990 гг.): Автореф.дисс. ... докт. истор. наук. - Ташкент, 2008. -47 с.
- 6.16. Сиддигов Б. Социально - экономические аспекты развития совхозного производства Узбекистана в 1965 - 1985 гг. Опыт, уроки, проблемы: Дисс. ... докт. истор. наук. -Ташкент, 1994. -291 с.
- 6.17. Таджибаев А. Внедрение научно-технического прогресса и передового опыта колхозного крестьянства Узбекистана в хлопководстве (1950-1970 гг.): Дисс. ... докт. истор. наук. -Ташкент, 1988. -357 с.
- 6.18. Турсунов С.Н. Развитие аграрного сектора экономики Узбекистана в 1946 - 1965 гг.: Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. -Ташкент, 1995. -51 с.
- 6.19. Халиков И. Орошение и освоение крупных целинных массивов Среднеазиатских республик (60-е – начало 80-х годов): Автореф. дисс. ...докт. истор. наук. -Ташкент, 1990.- 43 с.